

# O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

**№6. 2022**



**Буғдойнинг ҳақиқий эгаси бу – фермер ва кластерлар. Бундан буён туманда режа бажарилмаяпти, чорва, парранда ёки балиқчиликка озуқа-ем керак, деган важлар билан фермерлар ғалласини олиб қўйиш қатъиян тақиқланади.**

**Ш.МИРЗИЁЕВ**





# БИР ҚАРИЧ ҲАМ ЕР БЎШ ҚОЛМАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 18 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишда мамлакатимиз ҳудудидаги сув омборлари, ирригация иншоотлари ва бошқа ҳавзалар тасарруфидаги бўш ерлардан самарали фойдаланиш, ушбу ерларни экин экиш учун сувчилар ва бошқа фуқароларга бўлиб бериш масаласи кўтарилган эди. Давлат раҳбарининг бу борадаги топшириғини бажариш йўлида Жиззах вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир.



Маълумот ўрнида қайд қилиш лозимки, вилоят сув ҳўжалиги иншоотлари, жумладан, сув омборлари атрофи, уларнинг сувдан бўшаган ҳудудлари, насос станциялари, каналлар ва зовурлар атрофида 4 минг 185 гектар ер мавжуд. Воҳада ана шу ерларни ўзлаштириш ҳисобига истеъмолбон экинлар экиб, улардан мўл ҳосил олиш, бу билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиш режалаштирилмоқда.

Бугун вилоят ҳудудида 8 та сув омбори мавжуд бўлиб, уларнинг муҳофаза зоналарида 600 гектардан ортиқ экин экишга яроқли ерлар ястаниб ётибди. Шу пайтгача ушбу майдонларнинг атиги 10-15 фоизидангина фойдаланиб келинган. Қолган ерлар эса, аҳоли яшаш жойларидан узоқдалиги, уларни суғоришда муаммолар борлиги, жумладан, сув насослари талаб қилиниши, электр тармоқлари тортилмагани, уларга олиб борувчи йўлларнинг носозлиги сабаб эътибордан четда қоларди.



– Президентимизнинг “Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш вақти келди” деган сўзлари биз учун жиддий “туртки” бўлди, – дейди Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ўрол Арақулов. – Бор куч ва имкониятларимизни ишга солиб, қисқа муддат ичида сув ҳавзаларимиз атрофидаги 400 гектардан ортиқ ерларни тайёрлаб, ошқовок, маккажўхори, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар уруғини қадашга эришдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерлар сувчилар жамоалари аъзоларига, шунингдек, ҳавзалар атрофида яшайдиган кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга бўлиб берилди. Улар ерни тайёрлаш учун техника воситалари, уруғ ва ўғитлар билан таъминланди. Экинзорларни суғориш учун шарт-шароит яратилди. Уюшқоқлик билан амалга оширил-

ган саъй-ҳаракатлар натижасида Зомин, Оқбулоқ, Новқа, Қоровултепа, Арнасой сув омборларида белгиланган режалар 95-100 фоизга бажарилиши таъминланди.

Вилоятдаги сув ҳавзалари атрофидаги экин экишга яроқли ерларнинг каттагина қисми – 65 гектари Қоровултепа сув омбори ҳиссасига тўғри келади.

– Бугунгача иншоотимиз ёнидаги ер майдонларининг 97 фоизини ўзлаштириб, экин экишга муваффақ бўлганмиз, – дейди ушбу сув омбори бошлиғи Жамшид Казаков. – Жамоамизнинг 14 нафар аъзоси ва бир қатор аҳоли вакиллари 23 гектар ерга сабзавот ва полиз экинлари, 40 гектарга эса, лалми бўғдой экишган. Ғалла қарийб пишиб қолди. Уни йиғиштириб олгандан кейин, такрорий экин – мош экишни кўзлаб турибмиз.

Жиззах сув омбори аҳоли яшаш жойларига энг яқин ҳавза ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мазкур сув иншооти атрофидаги 200 гектарга яқин ер майдонининг катта қисми Шароф

– Жамоамиз аҳли ва фойзободликлар ўзларига ажратилган ерларга сабзи, пиёз, помидор, бодринг, булғор қалампири каби экинлар уруғини қадаб, деҳқончилик қилишмоқда, – дейди сув иншооти бошлиғи Собир Исаев. – Улар бу ердан олинадиган ҳосил билан нафақат ўз рўзгорлари, балки қўни-қўшни, қолаверса, ён-атрофдаги бозорлар тўқинлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшишига шубҳа қилмаймиз...

Рашидов тумани Файзобод маҳалласи фуқароларига бўлиб берилди.

Бугунгача Жиззах вилояти сув иншоотлари атрофидаги 1 минг 700 гектардан ортиқ майдонлар фойдаланишга кири-тилди. Бу борадаги ишлар такрорий ва кузги экинлар экиш ишлари билан давом эттирилиши кутилмоқда.

**Худойберди КАРИМОВ,**  
ўз мухбиримиз.

**Суратларда:** Сув ҳавзаси ёнида етиштирилаётган картошка мўл бўлиши шубҳасиз...; Жиззах сув омбори бошлиғи Собир Исаев экин экилган майдонлар ҳолатини кўздан кечирмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида аграр соҳа учун халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, бу борада етакчи хорижий университетлар билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети (Royal Agriculture University, кейинги ўринларда – ҳамкор университет) билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида **Халқаро қишлоқ хўжалиги университети**ни (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

2. Қуйдагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйдагилар белгиланганлиги:

аграр соҳани ривожлантириш, жаҳон тенденцияларини ва тажрибасини акс эттиришга мослашган **“илмга асосланган, амалиётга йўналтирилган” (science-based, practice-oriented) таълим** **тамоийли асосида** ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрлаш;

илм-фан ютуқлари ва инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, **агро-технология ва экологик барқарорлик амалиётларини ривожлантириш**, қишлоқ хўжалигида бизнес ва оператив самарадорликни ишлаб чиқишни қамраб оладиган илмий тадқиқотлар олиб бориш; қишлоқ хўжалиги ходимларини **қайта тайёрлаш** ва уларнинг **малакасини ошириш** ҳамда ўқув тизимини модернизация қилишга қаратилган **янги таълим дастурларини** ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

хорижий олий таълим муассасалари ва ташкилотлар билан **ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, қўшма таълим дастурлари ва лойиҳаларни амалга ошириш**;

б) Университет битирувчиларига **ҳамкор университетнинг дипломи** берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Университет Қишлоқ хўжалиги вазир-

лиги ва Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети томонидан таъсис этиладиган тўлиқ академик ва молиявий мустақил бўлган давлат иштирокидаги олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Университет Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳр, банк ҳисобварақлари, штамп ва бошқа реквизи-титларга эга бўлади;

Университет томонидан бериладиган диплом Ўзбекистон Республикасида тан олинади;

Университетда таълим **грант ва тўлов-контракт** асосида амалга оширилади;

Университет жалб этилган хорижий мутахассислар, маҳаллий ходимларнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини мустақил белгилайди;

Университет ректори Кузатов кенгаши билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалиги вазири томонидан лавозимлаш тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Бунда Университет ректори Ўзбекистон Республикаси томонидан кўрсатилади.

4. Университетга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–60-сон ва “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–61-сон қарорларида **белгиланган академик, молиявий ва ташкилий мустақилликка оид тартиб-таомиллар татбиқ қилинади**.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Университетда давлат муассасаси шаклидаги хўжалик ҳисобидан молиялаштирилаётган Қишлоқ хўжалиги соҳасида **кадрларни қайта тайёрлаш** ва **уларнинг малакасини ошириш** тармоқ маркази (**Capacity Building Center**) ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйдагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат ва хусусий секторда фаолият юритувчи соҳа вакиллари, шунингдек, фермер хўжаликлари, кластерлар раҳбарлари ва мутахассисларини хорижий тажрибалар асосида қайта тайёр-

лаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

маҳаллий қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ва профессионал таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот институтларида илмий салоҳиятни юксалтиришга ҳисса қўшиш, жумладан, тадқиқотчилар учун замонавий тадқиқотлар олиб бориш ва нуфузли журналларда мақолалар чоп этишни қўллаб-қувватловчи ўқув курслари ташкил этиш; халқаро тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини аниқлаш учун доимий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **2022 йил якунига қадар** Университетда халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган талабалар, магистрант ва илмий изланувчилар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг **илмий ишланмалари асосида стартап-лойиҳаларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланувчи** давлат муассасаси шаклидаги **“Agro Innovation Incubator”** марказини ташкил этсин.

7. Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг Кузатов кенгаши таркиби **1-иловага мувофиқ тасдиқлансин** ҳамда унинг ваколатлари этиб қуйдагилар белгилансин:

Университетга талабаларни қабул қилиш параметрларини, Университетдаги **таълим шакли, тури** ва **тилини** белгилаш;

Университетда янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини, шунингдек, **олий таълимдан кейинги таълим** бўйича **докторантура** ихтисосликларини очиш;

Университет раҳбарияти ва ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчиларини ишга қабул қилиш тартибини белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолиятига баҳо бериш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини (KPI) тасдиқлаш;

хорижий ва маҳаллий етакчи олий таълим муассасалари билан талабаларнинг **академик мобиллигини таъминлаш** ҳамда **қўшма таълим дастурларини** жорий этиш;

Университетни ривожлантиришнинг **ўрта ва узоқ муддатли стратегик** режа-

ларини тасдиқлаш;

бакалаврият, магистратура ва докторантурага қабул қилиш шартларини, шунингдек, талабаларни ўқишга қабул қилишда тест синовлари топшириладиган фанлар мажмуасини ва ўқиш учун **тўлов миқдорини белгилаш**;

Университетнинг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда **даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш**, уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

Университетнинг **ички аудит ва молиявий назорат** хизматига молиявий назорат ўтказиш бўйича қўшимча топшириқ бериш ҳамда назорат тадбирларининг натижаси юзасидан **ҳисобот олиш**;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**8.** Университет фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Халқаро қишлоқ хўжалиги университети фаолиятини йўлга қўйиш бўйича “йўл харитаси” **2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

**9.** Қуйидагилар **Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

**Европа Иттифоқининг** қишлоқ хўжалиги соҳаси учун бюджет кўмаги дастуридан **6 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги ва **Жаҳон банкининг 11 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик, илмий фаолият ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари ва муассислар маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

**10.** 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Халқаро қишлоқ хўжалиги университетида ташкил этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари **3-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

**11.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев):

**а) бир ой муддатда** Университет уставининг тасдиқланиши ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин. Бунда:

хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022/2023 ўқув йили учун қабул жараёнини ташкил этсин;

Университетнинг вақтинчалик биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқсин, ўрнатилган

тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ҳамда халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан бинода таъмирлаш-қурилиш ишларини ташкиллаштирсин;

зарур бўлган ўқув, илмий лабораториялар, ўқув адабиётлари рўйхатини шакллантирсин ва харидини ташкил этиш чораларини кўрсин;

Университетни ташкил этиш даврида унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, юридик, иқтисодий, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этишда кўмаклашсин;

**б) уч ой муддатда:**

Европа Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги соҳаси учун бюджет кўмаги дастуридан **300 минг АҚШ доллари миқдоридаги** маблағларни жалб этган ҳолда етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан Университет профессор-ўқитувчиларини қисқа муддатли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида битимларни имзоласин; соҳа мутахассисларини, шунингдек, фермер хўжаликлари, кластерлар раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини тасдиқласин;

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

**в) Қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш** тармоқ маркази тўғрисидаги низомни тасдиқласин ва унинг фаолиятини 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб йўлга қўйсин;

**г) 2024/2025 ўқув йилига қадар** халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан етакчи лойиҳа ва пудратчи компанияларни жалб этган ҳолда Университет янги ўқув кампуси қурилишини таъминласин.

**12.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 1 январдан бошлаб Университет илмий салоҳиятини ошириш учун белгиланган тартибда ихтисослашган илмий кенгаш тузиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда ихтисослашган илмий кенгаш аъзоларининг **50 фоизи** халқаро ҳамкорлар ва хорижий ватандошлар орасидан танланади.

**13.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Университетни Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирсин.

Янги бино қурилгунга қадар Университетга Тошкент давлат аграр университетининг спорт мажмуаси, талабалар турар жойи ҳамда ўқув лабораторияларидан вақтинча фойдаланишга рухсат берилсин.

**14.** Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг виза талабно-маларига биноан Университетга таклиф қилинадиган чет эллик профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

**15.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) билан биргаликда ҳудудларда Университет фаолияти ва 2022/2023 ўқув йили учун қабулни самарали ташкил этиш мақсадида тарғибот ишларини амалга оширсин.

**16.** “Эл-юрт умиди” жамғармаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) билан биргаликда **Университетнинг маҳаллий профессор-ўқитувчилари**, магистрантлари ва талабаларини “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш, стажировка ва ўқишга юбориш чораларини кўрсин.

**17.** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида аграр соҳа учун халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

**18.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаририш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

**19.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев белгилансин.

Мазкур қарор ижросини **ҳар чоракда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 7 май



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМАШЁ БАЗАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ҚАЙТА ИШЛАШНИ Қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида

Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда доривор ўсимликларни кенг қўллаш, доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларини барпо этаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда қўшимча қиймат занжирини яратиш мақсадида:

### 1. Белгилансинки:

туманлар қизилмия, заъфарон, каврак, лаванда, стевия, мойчечак, наъматак, равоч, маврак, далачай, тоғрайхон, бўйимодарон, кийик ўти, ковул, қалампир ялпиз ва бошқа доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ҳудудлар кесимида ихтисослаштирилади. Бунда 2022 йилдан 2026 йилгача **36 000 гектар** майдонда янги доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилади;

яратилаётган ҳар 10 гектар ер майдонидаги доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ қазил, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш мақсадида насос станциясини қуришга сув тежовчи технологияларни қўллаш шарти билан ҳар бир метри учун **600 минг сўмдан, аммо 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда** Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тегишли далолатномасига асосан республика бюджетидан тегишинча Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси орқали **субсидия ажратилади**;

доривор ўсимликларни маданий плантация ташкил қилиш орқали етиштириш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкаларига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди;

экспортбоп доривор ўсимликлар етиштиришни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги

“Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5214-сон қарори 4-бандида назарда тутилган имтиёз ва молиялаштириш тартиблари доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ҳам татбиқ этилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 июндан бошлаб Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг **100 миллиард сўм маблағлари ҳисобидан** тижорат банклари орқали қуйидагиларга: фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга – доривор ўсимликларни етиштириш учун йиллик **14 фоиз** (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада **6 ойлик** имтиёзли давр билан **12 ой муддатга** кредитлар ажратилади;

доривор ўсимликларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга – етиштирилган маҳсулотни харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик **14 фоиз** (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада **12 ойлик** “револьвер” кредитлар ажратилади. Бунда ушбу кредит ҳисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайди.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлашни (доривор ўсимликларни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни) молиялаштириш учун Жаҳон банкнинг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш”, “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳалари ва Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг “Қишлоқ

хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида **20 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни тижорат банкларига ажратиш чораларини кўрсин. Бунда:

ушбу маблағлар миллий валютада йиллик **14 фоиз ставкада** тижорат банкларига ресурс сифатида жойлаштирилади;

тижорат банклари **5 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга** йиллик **17 фоиз ставкада** (шундан 3 фоизи банк маржаси) тижорат кредити ажратади.

Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори С.Х. Кариев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда **камида биттадан доривор ўсимликлар кластерини** ташкил этиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2022-2023 йилларда доривор ўсимликларни қайта ишлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини тасдиқласин.

### 4. Белгилансинки:

**2025 йил 1 январга қадар** доривор ўсимликларни етиштиришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида **80 фоизини** ташкил этадиган тадбиркорлик субъектларидан олинадиган **ер солиғи, фойда солиғи** ва **мол-мулк солиғи** ставкалари **50 фоизга камайтирилади**. Бунда мазкур хатбошига асосан солиқлардан озод қилинадиган маблағлар доривор ўсимликлар плантацияларини кенгайтиришга йўналтирилиши шарт;

доривор ўсимликлар хомашёсидан **биологик фаол қўшимчалар, эссенциялар** ва **экстрактлар** ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз

эхтиёжлари учун олиб келинадиган **Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари**, сэндович-панеллар ва вентиляция тизимлари ҳамда **биологик фаол қўшимчалар** ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хомашё ва материаллар, қадоқлаш материаллари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2025 йил 1 январга қадар **божхона божидан озод қилинади**;

доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, сэндович-панеллар ва вентиляция тизимлари, асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар, кимёвий препаратлар ҳамда ҳимоя воситаларини олиб киришда **қўшимча қиймат солиғини 180 кунга кечиктириб тўлаш имконияти** берилади;

доривор ўсимликлар хомашёси ҳамда ундан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар, эссенциялар ва экстрактларни экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларининг **экспорт учун сарфланган автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача қисми Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади**.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2022 йил

1 сентябрдан бошлаб дорихона сотув зали пештахталарининг **камида 10 фоизига доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар ва дори воситаларини** жойлаштиришни дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишнинг лицензия талаблари ва шартларига киритиш чораларини кўрсин.

6. **Бош прокуратура** (Ш.Ж.Рахимов) ва **Ҳисоб палатаси** (Б.Т.Турабов) **доривор ўсимликларни қайта ишлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар** доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарига доривор ўсимликларни табиий муҳитдан териб олишга квота ажратиш ва унинг шартларига қатъий риоя қилиниши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хаитов) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида

мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга оид материаллар, туркум телекўрсатувлар намойиш этилишини ташкил этсин.

9. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж.Бакиров, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Қ.Шарипов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А.Хаитов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2022 йил 20 май*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ МАДАНИЙ ҲОЛДА ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАМДА ДАВОЛАШДА УЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ҳамда қайта ишлашни ташкил этиш, доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларини барпо этишни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда доривор ўсимликларни кенг қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда доривор ўсимликлар плантацияларини барпо

этиш учун **ер майдонларини ажратишнинг йиғма мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ**;

2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларида** доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари **1.1-иловага мувофиқ**;

2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар **ўрмон фонди ерларида** доривор ўсимликлар план-

тацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари **1.2-иловага мувофиқ**;

2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар **яйлов ер майдонларида** каврак маданий плантацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари **1.3-иловага мувофиқ**;

**“Бир туман – бир маҳсулот”** тамойили асосида доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштириладиган туманлар **рўйхати 2-иловага мувофиқ**;



**Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлашни кенгайтириш ҳамда аҳоли ўртасида ундан фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича “йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари доривор ўсимликлар маданий плантацияларини барпо этиш учун мос бўлган ер участкаларини очиқ **электрон танловга ойма-ой график асосида қўйиб боришни** таъминласин.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров) доривор ўсимликлар маданий плантацияларини барпо этиш учун мос бўлган, ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ер участкаларини **электрон онлайн-аукционга 2022 йил 1 августдан бошлаб ойма-ой график асосида қўйиб боришни** таъминласин.

Жиззах вилояти ҳокимлиги (Э.А.Салиев) 2022-2026 йилларда **заъфарон ўсимлиги маданий плантацияларини** барпо этиш учун мос бўлган **2000** гектар ер участкасини қонунчиликда белгиланган тартибда берилишини таъминласин ҳамда 2022 йилда **заъфарон плантацияларини камида 2 бараварга кўпайтириш** чораларини кўрсин.

2. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) икки ой муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **сертификатланган доривор ўсимликларнинг уруғчилиги ва кўчатчилигини йўлга қўйиш** бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳалар бўйича грант танловларини эълон қилишни таъминласин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

**давлат** тиббиёт муассасаларида, жумладан, ҳар бир поликлиникада, **доривор ўсимликлар воситасида даволашга мўлжалланган халқ табобати хоналари ва фитобарлар** ташкил қилинади;

Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси қошида Республика халқ табобати илмий-амалий марказининг **40 ўринли даволаш бўлими** ва ҳудудларда филиаллари фаолиятини йўлга қўйилади;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб халқ табобатини кенг тарғиб қилиш мақсадида **“Ибн Сино илмининг билимдонлари” танлови** ўтказилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев):

2022 йил 1 июндан бошлаб самараси исботланган доривор

ўсимликларни босқичма-босқич **тиббий ёрдам кўрсатиш стандартлари ва протоколларига киритиш**. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги яратилган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган дори воситаларининг тиббиёт амалиётида кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадида клиник протоколлар, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартлари ҳар олти ойда қайта кўриб чиқилади;

**уч ой муддатда барча давлат тиббиёт таълим муассасаларида доривор ўсимликлар ва халқ табобати бўйича таълим беришга йўналтирилган кафедраларни** ташкил этиш бўйича таклиф киритиш;

шифокорларни доривор ўсимликлар ва халқ табобати усуллари асосида даволаш бўйича **қайта тайёрлаш ва ихтисослаштиришни** ҳамда терапевт, умумий амалиёт ва оилавий шифокорларни тайёрлашда чуқурлаштирилган ўқитишни ташкил этиш;

давлат тиббиёт муассасаларида, жумладан, ҳар бир поликлиникада **доривор ўсимликлар воситасида даволашга мўлжалланган халқ табобати хоналари ва фитобарларни** ташкил қилиш;

Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси қошида Республика халқ табобати илмий-амалий марказининг **40 ўринли даволаш бўлими** ва ҳудудларда филиаллари фаолиятини йўлга қўйиш;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб халқ табобатини кенг тарғиб қилиш мақсадида **“Ибн Сино илмининг билимдонлари” танловини** ўтказиш;

тиббиёт амалиётида самараси исботланган ва асосий дори воситалари рўйхатига киритилган доривор ўсимликлар ва улардан тайёрланган дори воситаларининг **давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан харид қилиниши** чораларини кўрсин.

5. Савдо-саноат палатаси (Д.А.Вахабов) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Х.Кариев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш.Қудратов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, доривор ўсимликларнинг афзалликларини аҳоли ва шифокорлар орасида кенг тарғиб қилиш, доривор ўсимликларни етиштириш ва чуқур қайта ишлашда илм-фан ва

ишлаб чиқариш корхоналарининг кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар йили **“Ибн Сино мероси” халқаро кўргазмасини** ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибиятига доривор ўсимликларни етиштиришни кенгайтириш, доривор ўсимликлар етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш вазифалари юклатилсин.

Бунда мазкур котибиятга Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги **1 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан 1 та штат бирлиги ажратилади**.

7. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

доривор ўсимликлар бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкиллаштириш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг доривор ўсимликлар маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

доривор ўсимликлар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тиббий аҳамияти ҳамда уларни қўллашга оид махсус кўрсатувлар ва роликлар мунтазам намойиш этилишини ташкил қилиш;

доривор ўсимликларга оид илмий ишланмаларни тижоратлаштиришда кўмаклашиш, доривор ўсимликшунослик тармоғига илғор хорижий амалиёт ва халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

доривор ўсимликлар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар талабини таҳлил қилган ҳолда ҳар йили Қишлоқ хўжалиги вазирлигига доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмлари тўғрисида таклиф киритиш.

Мазкур бандга мувофиқ Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига юклатилаётган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги мавжуд штат бирликлари доирасида Агентликда **директор ўринбосари** лавозими жорий этилсин ҳамда **доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлашни ташкил этиш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш** бўйича қўшимча **5 та** штат бирлигидан иборат бошқарма ташкил этилсин.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Х. Кариев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда доривор

ўсимликлар соҳасини ривожлантириш бўйича тажрибали хорижий мутахассис ва консультантларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда биологик фаол қўшимчаларнинг реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилган ҳолда реклама қилинишини ташкил этиш чораларини кўрсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда биологик фаол қўшимчалар, биологик фаол қўшимча сифатида рўйхатга олинмаган дамлама, ўтлар, парфюмерия-косметика воситалари рекламасига оид қонунчилик талаблари бузилганда жавобгарлик чораларини кучайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда доривор ўсимликлар сифатини таҳлил ва назорат қилиш бўйича халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий лаборатория барпо этиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан грант маблағлари жалб этиш чораларини кўрсин.

10. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Фанлар академияси билан биргаликда **уч ой муддатда** илмий тиббиётда ва фармацевтика саноатида фойдаланиладиган доривор ўсимликлар ҳамда доривор ўсимликлар етиштириладиган ҳудудлар рўйхатини ўз ичига олувчи электрон маълумотлар базасини яратсин.

11. Ушбу қарорда белгиланган чоратadbирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) **Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев** Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори **С.Х.Кариев**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда: мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ ер майдонларида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш;

2022 йил якунига қадар мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ туманларни доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштириш;

доривор ўсимликларни етиштириш

ва қайта ишлаш бўйича давлат-хусусий шериклик ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини ташкил этиш чораларини кўрсин;

б) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг буюртмаларига асосан ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлиги хомашёсини йиғиш ва тайёрлашга квоталарни ажратиш чораларини кўрсин;

в) **Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев):**

бир ой муддатда янги яратилган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган дори воситалари тиббиёт амалиётида кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадида клиник протоколлар, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартларига киритиш мақсадида уларни **ҳар олти ойда** қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этсин;

доривор ўсимликлардан олинадиган фитопрепаратлар истеъмоли бозорини яратиш, хусусан, уларнинг дориҳоналар тизимида сотувини йўлга қўйиш, фитопрепаратлар яратиш технологиясида халқ табobati усуллари кенг қўллаш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида доривор ўсимликлардан олинадиган фитопрепаратларни қўллаш бўйича ташкилий чора-таadbирлар ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

**бир ой муддатда доривор ўсимликларни аҳоли ва шифокорлар орасида кенг тарғибот қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган чора-таadbирлар дастурини тасдиқлаб, ижрога қаратсин;**

**икки ой муддатда** барча тиббиёт олийгоҳлари, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида, ҳудудий Халқ табobatiни ривожлантириш марказларида соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини жорий қилиш бўйича тақлиф киритсин;

**уч ой муддатда** доривор ўсимликларга оид илмий ишланмаларни таadbиркорлик субъектлари **50 фоизини** молиялаштирган тақдирда, қолган қисмини Давлат бюджетидан илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш бўйича тақлиф киритсин.

12. **Доривор ўсимликларни аҳоли хонадонларида етиштириш** мақсадида:

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А. Хаитов) Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж. Бакиров),

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан бирга икки ҳафта муддатда **аҳоли хонадонларида доривор ўсимликлар етиштиришни йўлга қўйиш** бўйича чора-таadbирларни ишлаб чиқсин;

Тошкент вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев Тошкент вилоятида бахмалгул, Наманган вилояти ҳокими Ш.Ш. Абдуразаков Наманган вилоятида наъматак, Фарғона вилояти ҳокими Х.Ҳ.Бозаров, Андижон вилояти ҳокими Ш.К.Абдурахманов ўз ҳудудларида ола ўт каби экспортбop доривор ўсимликларни кооперация асосида аҳоли хонадонларида етиштиришни йўлга қўйсин.

13. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хаитов) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга оид материаллар, туркум телекўрсатувлар намоиши этилишини ташкил этсин.

14. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж.Бакиров, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Қ.Шарипов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А.Хаитов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 20 май



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ҒАЛЛАНИ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА БОЗОР ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ички бозорни буғдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ғаллани давлат эҳтиёжлари учун зарур ҳажмдан ортиқ харид қилишдан воз кечиш орқали соҳанинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг **2022 йил ҳосилидан** суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача **2,5 тоннадан** жами **2550 минг тонна** буғдойнинг:

**1783,5 минг тоннасини товар буғдой** давлат ресурси сифатида ҳамда **266,5 минг тоннасини уруғлик** учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан харид қилиш;

**500 минг тоннасини** фермер хўжаликлари ҳамда бошқа ғалла етиштирувчилар (кейинги ўринларда – буғдой етиштирувчилар) томонидан кейинчалик биржа савдоларида сотиш учун Жамғарманинг тижорат вакилида вақтинчалик сақлашга қабул қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, **2022 йил ҳосили учун:**

а) “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги корхоналар товар буғдойни Жамғарма номидан буғдой етиштирувчилардан сотиб олиш, сақлаш, шунингдек, харидорларга жўнатиш тадбирларини амалга ошириш бўйича тижорат вакили ҳисобланади;

б) давлат ресурсларига харид қилинган товар буғдой учун тўловлар буғдой етиштирувчиларга тижорат вакили томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги

босқичларда амалда оширилади:

дастлабки босқичда – Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган нархларда;

кейинги босқичда – биржада шаклланган ўртача нархдан (ўртача котировкадан) келиб чиқиб, буғдой етиштирувчилар билан тўлиқ қайта ҳисоб-китоб қилинади;

в) буғдой етиштирувчилардан тижорат вакилида вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган товар буғдой **2022 йилнинг июль-август** ойларида биржа савдолари орқали сотилади. Бунда:

буғдойни ташиш (шу жумладан, ички ташиш), қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга жўнатиш харажатлари тижорат вакили ва буғдой етиштирувчилар ўртасида тузилган шартнома шартларидан келиб чиқиб, Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади;

буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга жўнатиш жараёнида юзага келадиган табиий камайиш миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартиб асосида ҳисобдан чиқарилади;

буғдойнинг сифати ва сақланиши бўйича назорат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган ва буғдой етиштирувчилардан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган:

3 ва ундан юқори синфлардаги буғдой – мулкчилик шаклидан қатъи назар, биржадан харид қилинган буғдойнинг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги унни биржа савдолари орқали сотиш мажбуриятини олган, ун ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига;

4- ва 5-синфлардаги буғдой – барча тадбиркорлик субъектларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган график асосида биржа

савдолари орқали ҳеч қандай чекловларсиз сотилади.

Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган таклифи асосида мазкур бандда назарда тутилган тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **2023 йил 1 майга қадар** Вазирлар Маҳкамасига мазкур бандда назарда тутилган тартибни 2023 йил ҳосили учун сақлаб қолиш ёки биржа савдоларини чекловларсиз ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин.

4. Молия вазирлиги “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги корхоналарга биржадан буғдой сотиб олиш учун револьвер кредитларни молиялаштириш мақсадида Жамғарма маблағлари ҳисобидан **800 миллиард сўмгача тижорат банклариغا Марказий банкнинг асосий ставкасида** ресурс жойлаштирилишини таъминласин.

5. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалликда бир ҳафта муддатда буғдой етиштирувчилар томонидан етиштирилган буғдойни харид қилиш, вақтинчалик сақлашга қабул қилиш бўйича Жамғарма ва тижорат вакили ўртасида тузиладиган шартномаларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда амалиётга жорий этилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг олис, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларга ун ва ун маҳсулотларини етказиб бериш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизидан ошмаган қисмини маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Жамғарма томонидан харид қилинадиган ва биржа савдолари орқали сотиладиган бугдойнинг ҳисобини юритиш, харидорлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига Жамғармага қўшимча 6 та штат бирлиги ажратилсин.

8. Ғаллани сотиб олиш ва сотишда янги тизим шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда бугдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш, ички бозорда ун ва дон маҳсулотлари нархининг ўсиши ва тақчиллигининг олдини олиш бўйича **Республика штаби** иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Республика штабининг (Н.Йўлдошев) асосий вазифалари этиб белгилансин:

бугдойни етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва бошоқли дон экинлари етиштирилишини молиялаштириш устидан назорат механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф тайёрлаш;

ғаллани ўз вақтида йиғиштириб олиш, даладан дон қабул қилиш шохбчаларига нест-нобуд қилмасдан

олиб келиш ва график асосида биржа савдоларига чиқариш ишларини ташкил этиш;

тақчилликка йўл қўймаслик ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги истеъмол талаби учун зарур бўлган ун ва ун маҳсулотларини республиканинг бошқа ҳудудларидан ва четдан олиб келиш ҳамда “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари сақлаб қолинишини назорат қилиш;

ғаллани тасдиқланган график асосида биржа савдоларига чиқариш ҳамда тўловларнинг амалга оширилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш;

ғаллани сотиб олиш ва сотиш бўйича янги тизим шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда бугдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўздонмаҳсулот” АК манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** донни қабул қилиш ва омборлардан чиқариш жараёни, шунингдек, Жамғарма, тижорат вакили ва бугдой етиштирувчилар ўртасидаги молиявий ҳисоб-китоблар тезкор ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **d-xarid**.

**uz** ахборот тизимини ишга туширсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини назарда тутувчи қарорни ишлаб чиқсин.

11. Молия вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев, молия вазири Т.Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини **муҳокама қилиб бориш**, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2022 йил 28 май*

## ХУШХАБАР

# ЯНГИ НАСОС СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛДИ

Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан Сурхондарё вилоятида ҳам бир қатор ишларни уddалаш режалаштирилган. Хусусан, Бандихон тумани “Наврўз” массивидаги 360 гектар, шу тумanning “Қудуксой” қишлоғи ҳудудидаги 30 гектар экин майдонларини қайта фойдаланишга киритиш учун қурилиш ва таъмирлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ушбу майдонларда зироат экиш учун биринчи навбатда сув керак. Қайта фойдаланиш кўзда тутилаётган экинзорлар ҳудудига яқин жойдан ўтувчи “Оққачиғай” канали қирғоғида битта насос станцияси қуриш, 2,4 километр масофага сув ўтказувчи қувур ётқизиш, 0,9 километр узунликда канал қазиш ва барпо этиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Ўтган вақт орасида Аму-Сурхон ИТХБ буюртмасига асосан тажрибали қурувчи Ихтиёр Болтаев раҳбарлигидаги “Шеробод ирригация канал қурилиш” МЧЖ бунёдкорлари 1 миллиард 350 миллион сўмлик иш бажариб, насос станциясини қуриб битказди. Апрель ойида қўшимча молиялаштирилган 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига бунёдкорлар қувурларни ётқизиш ва канал қазиш ишларини олиб боришаяпти. Бу ишларда МЧЖнинг Шавкат Пардаев, Одил Ўринов каби бетончилар бригадаси аъзолари ҳамда ака-ука экскаваторчи Рашид ва Ўрол Худойбердиевлар фаоллик кўрсатишаяпти.

**Аму-Сурхон ИТХБ матбуот хизмати.**





# ҒАЛЛА ЭРКИН БОЗОР БАҲОСИДА СОТИЛАДИ



Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат аҳолисининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, дон мустақиллигига ҳамда унинг ички истеъмол таъминоти барқарорлигига эришиш борасида аниқ тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда, экстенсив типдаги буғдой навлари ўрнига, юқори ҳосилли интенсив типдаги навлар майдони кенгайтирилди, илмий асосланган замонавий етиштириш агротехникаси йўлга қўйилди.

Олиб борилган изчил ислохотлар натижасида Ўзбекистон нафақат ғалла мустақиллигига эришди, балки ғалла маҳсулотлари экспорт қилувчи давлатлар қаторидан жой олди. Бу, аввало, ҳар қандай шароитда ҳам халқимизни ун, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бермоқда. Таққослайлик, агар 1989 йилда республикаимиз бўйича бор-йўғи 750 минг тоннага яқин дон етиштирилган бўлса, 2021 йилга келиб Ўзбекистонда 6,6 млн. тоннадан ортиқ дон ҳосили олишга эришилди.

Ғаллачиликда бозор муносабатларини жорий этиш борасида олиб борилган бир қатор ташкилий ва иқтисодий ислохотлар натижасида тармоқда мулкчиликнинг турли шакллари ташкил этилди ва барқарор ривожланиб бормоқда. Бунда дастлабки жараёнда бозор қонуниятлари доирасида фаолият юритувчи мустақил тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган фермер хўжаликларининг ўрни бекиёс бўлди.

Лекин, ғалла етиштириш ва харид қилишга давлат буюртмасининг белгиланганлиги уни етиштирувчилар имкониятини чеклаб қўйган эди. Сабаби, ғалла харид нархларининг пастлиги кўп ҳолларда етиштирилган ҳосилга сарфланган харажатни қопламасди. Бундан ташқари, паст ҳосил берадиган майдонларга била туриб, мажбуран ғалла жойлаштирилиши давлат буюртмасининг бажарилмаслигига, якунида эса фермерга шартнома шартларини бажармаганлиги учун турли таъсир чораларини кўришга олиб келди. Буларнинг барчаси бозор қонуниятларига мос келмаслиги, маҳсулот етиштирувчи хўжалик субъектларнинг қўлини совутиши, моддий манфаатдорлиқнинг пастлиги мазкур муҳим соҳанинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Маълумки, 2018 йилдан эътиборан аграр соҳада

бошқарувнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш мақсадида агрокластерларга берилаётган алоҳида эътибор туфайли қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори ғаллачиликда ҳам кластер тизими жорий этилди. Аммо, давлат буюртмаси ва давлат харид баҳоларининг мавжудлиги шароитида ғаллачилик кластерлари ҳам тармоқда бозор муносабатларининг тўлиқ жорий этилишига замин яратиб бера олмади.

Юқоридаги каби соҳа ва унинг тармоқлари ривожига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва босқичма-босқич бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга асосан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бошоқли дон етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган қулай агробизнес муҳитини яратиш орқали ғалла етиштиришда давлат буюртмасидан воз кечиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарор билан 2020 йил ҳосили учун барча ғалла етиштирувчилар учун давлат буюртмаси ўртача 25 фоизгача камайтирилган ҳолда 2 млн. 265 минг тонна қилиб белгиланди ҳамда давлат томонидан дон етиштириш режасини белгилаш амалиёти тўлиқ бекор қилинди. Аммо, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган ғалла учун давлат харид баҳоларининг сақланиб

қолиши тармоқда бозор имкониятларини тўлиқ қарор топтиришдаги муайян муаммолар тўлиқ ечимини топмади.

Жорий йилга келиб эса, пандемия ва глобал дунёда содир бўлаётган турли ташқи омиллар таъсирида дунё ғалла бозоридаги ўзгаришлар, ресурслар баҳосидаги тебранишлар соҳага янгича ёндашувни талаб қилаётганини намоён этди. Ички бозорларда нарх-наво барқарорлигига эришиш учун биринчи навбатда ғаллачиликда бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш заруратини юзага келтирди.

Давлат дон корхоналаридаги айна пайтдаги эскича тизим дон етиштирувчига ҳам, қайта ишловчи корхоналарга ҳам манфаат бермаётганлиги дон етиштиришда давлат буюртмасини босқичма-босқич бекор қилиш ва ҳақиқий ғалла бозорини яратиш борасида муҳим қадам ташлаш заруриятини туғдирди.

Шу боис, жорий йилнинг 11 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида ғаллачиликдаги ислохотларнинг муҳим босқичига бағишланган йиғилиш ўтказилиб, давлатимиз раҳбарининг шахсан ташаббуслари билан соҳада янги ривожланиш даври бошлаб берилди. Унда барча зарур ташкилий ишлар ҳал қилинган ҳолда, 2022 йил 1 июндан бошлаб, ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилиши маълум қилинди.

озод қилинади.

Мазкур ислохотлар ғалла етиштирувчи хўжаликларга қуйидаги имкониятлар яратилиши билан аҳамиятли бўлиб, истиқболда бир қатор енгилликлар яратиб беради. Хусусан: ғалла баҳосининг биржа савдолари натижасида шаклланиши маҳсулот етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширади;

ғалланинг эркин бозор баҳосида сотилиши уни етиштириш учун сарф этилаётган ресурсларнинг миқдори ва сифатига ҳам бевосита таъсир кўрсатади;

тармоқда бозор механизмларининг жорий этилиши ғаллачилик статистикасининг шаффоф бўлишига замин яратиб беради;

хўжаликлар олдиндан бизнес режа асосида фаолият юритиши, яқин ва ўрта истиқболни прогноз қилиши учун иқтисодий дастаклар шаклланади;

ғалла баҳосининг талаб ва таклиф асосида шаклланиши етказиб берилаётган ғалла сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади;

ғалла уруғчилиги, зараркунандаларга қарши курашиш, илмий асосланган агротехник тадбирлар асосида дон етиштириш ва сақлашга бўлган манфаатдорлик тизими шаклланади;

ғалла етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини

ошириш, фойдани максималлаштиришга бўлган рағбати соҳа илмий-тадқиқот натижаларининг жорий этилишига, илм фаннинг тижоратлашишига туртки беради ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, ғаллачиликда яратилган янги тизим орқали аграр тармоқда барча йўналишларда бозор механизмлари тўлиқ жорий этилади. Ҳаммамиз гувоҳи бўлаётганимиздек, амалиётда пахта-ғаллачилик, ғалла-сабзавотчилик йўналишларини

бир-бирдан ажратишнинг имконияти бўлмаган. Ушбу йўналишлар битта хўжаликда параллел олиб борилиши, бир йўналиш бозор механизмлари асосида, иккинчиси давлат томонидан белгиланиши миқдор ва сифат кўрсаткичларига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Янги тизим билан эса, хўжаликларнинг барчаси талаб ва таклиф асосида бошқариладиган янги бир даврга қадам қўяди.

**Олим АЛБЕКОВ,**

*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,*

*Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бош мутахассиси,*

*мустақил изланувчи,*

**Абдулло МАНСУРОВ,**

*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,*

*Ғаллачилик ва дуқакли дон экинлар*

*бошқармаси бошлиғи ўринбосари, қ.х.ф.ф.д.*

**Я**нги тизимга кўра фермер ва кластерлар ўзи етиштирган ғаллани биржа савдоларига олиб чиқиши учун давлат томонидан барча имкониятлар яратилади. Давлат ресурслари учун сотиб олинадиган 1 тонна буғдой нархи 3 млн. сўмга, яъни ўтган йилга нисбатан 2 бараварга оширилади.

Қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш Жамғармаси томонидан харид қилган 1 млн. 783 минг тонна буғдой эҳтиёжга қараб биржага чиқарилади. Бунда фермерларга июль-август ойларида биржада шаклланган ўртача нархлардан келиб чиқиб, ўртадаги ижобий фарқ ҳам қўшимча тўлаб берилади. Бунинг учун жорий йилда давлатдан 6 трлн. сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Бундан ташқари, фермерлар ихтиёрида қоладиган буғдойдан 500 минг тоннаси дон корхоналарида вақтинча сақлаш учун қабул қилинади ва 1 июлдан бошлаб, илк бор фермер ва кластерларнинг ўзлари биржа савдоларига бозор нархида чиқаради. Бунда 500 минг тонна буғдойнинг дон корхоналарида вақтинча сақлаш харажатлари Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш Жамғармаси томонидан қоплаб берилади. Шунингдек, фермерлар 2022 йил буғдой ҳосили учун биржа тўловларидан



# ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР: РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**М**амлакатимизда сўнгги йилларда доривор ўсимликларни ривожлантиришга, хусусан, табиий бойликлардан самарали ва унумли фойдаланган ҳолда аҳоли саломатлигини сақлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, Президентимизнинг 1 та Фармони ва 3 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори қабул қилиниб, соҳа раўнақининг ҳуқуқий, ташкилий ва моддий асослари яратилди.



Ушбу дастуриламал ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширилиши доривор ўсимликларни нафақат табиатдан ёввойи ҳолда териб олиш, балки маданий ҳолда плантация усулида кўпайтириш ва қайта ишлашни ташкил этиш билан шуғулланувчи фермерлар ва тадбиркорлар сони ҳам сезиларли даражада ортишида муҳим омил бўлди.

Хусусан, 2020 йилда республикаимизнинг барча ҳудудларида жами 11,5 минг гектар майдонда 27 турдаги доривор ўсимликлар плантациялари мавжуд бўлган бўлса, 2021 йилда бундай майдонлар 170 дан ортиқ субъектлар томонидан 15,8 минг гектарга етказилиб, ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган 45 турдаги доривор ўсимликлар етиштирилди.

Соҳада замонавий самарали бошқарув тизими жорий этилиб, ўтган давр мобайнида доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган 9 та кластерлар ташкил этилди ҳамда улар томонидан заъфарон, лаванда, наъматак, коврак, лимонўт, қалампир ялпиз, қизилмия, мойчечак ва бошқа экспортбоп доривор ўсимликлар етиштирилмоқда.

Доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларининг кенгайиб бориши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши билан биргаликда соҳанинг экспорт салоҳияти ҳам кучайтирилди.

Масалан, 2020 йилда 29 та хорижий давлатларга 16,0 минг тоннадан ортиқ 50,0 млн АҚШ доллари қийматидаги доривор ўсимликлар хомашёси ва қайта ишланган маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2021 йилда дунёнинг 37 та давлатларига 57,0 млн доллар қийматидаги маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Экспорт географиясининг АҚШ ва Европа давлатлари ҳисобига ортиб бориши соҳанинг имконияти катта эканлигидан далолатдир.

Бу борадаги ислохотлар жадаллашиши ва янги босқичга олиб чиқирилиши таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги “Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни кўллаб-қувватлаш орқали кўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда

етиштириш ва қайта ишлашни, шунингдек, улардан даволашда кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, эндиликда республикаимиздаги доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларини барпо этиш ва чуқур қайта ишлашни кўллаб-қувватлаш, шунингдек, аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш ва даволашда доривор ўсимликларни кенг қўллаш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Бунинг учун, биринчи навбатда 2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш учун ер майдонлари ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланди.

Бунда “Бир туман – бир маҳсулот” тамойилига кўра, доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштирилаётган туманлар рўйхати шакллантирилди. Доривор ўсимликларни етиштириш истагидаги ташаббускорлар эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш учун мос бўлган ер майдонларини 2022 йилнинг 1 августидан бошлаб очик электрон танлов асосида олишлари мумкин бўлади.

Масалан, 2022-2026 йилларда заъфарон ўсимлигини маданий плантацияларини барпо этиш учун Жиззах вилоятида ташаббускорларга 2000 гектар майдонлар ажратилади. Тошкент вилоятида баҳмалгул, Наманган вилоятида наъматак, Фарғона ва Андижон вилоятларида ола ўт каби экспортбоп доривор ўсимликларни кооперация асосида аҳоли хонадонларида етиштиришни йўлга қўйиш ҳам алоҳида таъкидланган.

Шунингдек, ҳар бир ҳудудда камида биттадан доривор ўсимликлар етиштирувчи ва қайта ишловчи кластер ташкил этилади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ташаббускорларга:

яратилаётган ҳар 10 гектар ер майдонидаги доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ қазиб, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш мақсадида насос станциясини қуришга сув тежовчи тех-



нологияларни қўллаш шarti билан ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратиш;

ажратилган ер участкаларига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўймаслик;

кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш учун «оғир» маҳаллаларга бириктирилган «етақчи» тадбиркорлик субъектларига 3 йил муддатгача йиллик 10 фоиз ставкада битта маҳалла учун 2 миллиард сўмгача миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш;

«етақчи» тадбиркорлик субъектларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кредит суммасининг 75 фоизи миқдоригача кафиллик бериш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга – доривор ўсимликларни етиштириш учун йиллик 14 фоиз ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга кредитлар ажратиш;

доривор ўсимликларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга – етиштирилган маҳсулотни харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 14 фоиз ставкада 12 ойлик “револьвер” кредитлар ажратиш;

доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун миллий валютада 5 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга йиллик 17 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратиш каби бир қатор имтиёзлар белгиланган.

Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларига:

2025 йил 1 январга қадар доривор ўсимликларни етиштиришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этадиган тадбиркорлик субъектларидан олинадиган ер солиғи, фойда солиғи ва мол-мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтириш;

ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, сэндович-панеллар ва вентиляция тизимлари ҳамда биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хомашё ва қadoқлаш материаллари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2025 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилиш ҳамда олиб киришда қўшимча қиймат солиғини 180 кунга кечиктириб тўлаш;

доривор ўсимликларга оид илмий ишланмаларни тадбиркорлик субъектлари 50 фоизини молиялаштирган тақдирда, қолган қисмини Давлат бюджетидан илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш;

экспорт учун сарфланган автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача қисмини қоплаш каби қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилди.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, доривор ўсимликларнинг афзалликларини аҳоли ва шифокорлар орасида кенг тарғиб қилиш бўйича 2022—2026 йилларга мўлжалланган махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиладиган ҳамда ушбу мақсадларда:

барча давлат тиббиёт таълим муассасаларида доривор ўсимликлар ва халқ табobati бўйича таълим беришга йўналтирилган кафедраларни ташкил этиш;

шифокорларни доривор ўсимликлар ва халқ табobati усуллари асосида даволаш бўйича қайта тайёрлаш ва ихтисослаштиришни ҳамда терапевт, умумий амалиёт ва оилавий шифокорларни тайёрлаш;

2022 йил 1 июндан бошлаб самараси исботланган доривор ўсимликларни босқичма-босқич тиббий ёрдам кўрсатиш клиник протоколлари, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартларига киритиш;

давлат тиббиёт муассасаларида, жумладан ҳар бир поликлиникада доривор ўсимликлар воситасида даволашга мўлжалланган халқ табobati хоналари ва фитобарларни ташкил қилиш;

Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси қошида Республика халқ табobati илмий-амалий марказининг 40 ўринли даволаш бўлими ва ҳудудларда филиаллари фаолиятини йўлга қўйиш;

дорихона сотув зали пештахталарининг камида 10 фоизига доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар ва дори воситаларини жойлаштириш;

ҳар йили “Ибн Сино мероси” халқаро кўргазмасини ташкил этиш, шунингдек, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб халқ табobati кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ибн Сино илмининг билимдонлари” танловини ўтказиш каби чоралар кўрилади.

Доривор ўсимликлар сифатини таҳлил ва назорат қилиш бўйича халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий лаборатория барпо этиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан грант маблағларини жалб этиш чоралари кўрилади, илмий тиббиётда ва фармацевтика саноатида фойдаланиладиган доривор ўсимликлар ҳамда доривор ўсимликлар етиштирилладиган ҳудудлар рўйхатини ўз ичига олувчи электрон маълумотлар базасини яратилади.

Ушбу чора тадбирларни жойларда самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида доривор ўсимликларни етиштиришни кенгайтириш, доривор ўсимликлар етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш вазифаларни бажарувчи 1 нафар штат бирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида директор ўринбосари, доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлашни ташкил этиш ва илмий-ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича қўшимча махсус бошқарма ташкил этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш, аҳоли орасида истеъмолини кенг тарғиб этиш айна дамда мамлакатимизда даволаш воситалари импортини камайтиришга, экспорт ҳажмларини жадал ўстиришга, аҳоли саломатлигини таъминлашга хизмат қилиши билан бир қаторда “Табобат султони” – Абу Али ибн Сино камол топган юртимизда табобат сирларини яхши ўзлаштирган авлодни ўстиришга замин яратади.

**Баҳодирхўжа ТЕМИРОВ,**

*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Доривор ва зиравор ўсимликларни  
ривожлантириш шўъбаси бошлиғи.*

# ОМИЛКОРЛИК – ПАХТАКОР УЧУН АСОСИЙ МЎЗОН

**Дзани озиқлантириш, қатор орасига ишлов бериш ва стимуляторларни қўллаш**

Бу йилги баҳор ойларидаги ёғингарчилик сурункали давом этиши, ҳар йилгидан серёғин бўлиши оқибатида тупроқда нам-лик ортиб кетди, бу эса ёш ғўза ниҳоллари бўйига ўсишини тезлаштирди, шунинг билан биргаликда, тупроқдаги озиқа моддаларининг бир қисми ерости қатламларига ювилди. Натижада, ғўза ниҳоллари илдизи юза жойлашиб, озиқа элементларига талаби ортиб, минерал ўғитларни ҳар йилгидан эрта муддатларда солишни тақозо этмоқда. Одатда ғўзани озиқлантириш суғоришдан олдин эгат очиш билан бирга амалга оширилган бўлса, жорий йилги иқлим шароитида тупроқнинг табиий намлиги азотли минерал ўғитларни (карбамид ёки аммиакли селитра) солишга имконият бермоқда.

**Дзада битта чинбарг пайдо бўлгандан бошлаб биринчи шона ҳосил бўлгунча пайтда ғўзанинг азот-га ва фосфорга бўлган талаби ортади.** Ниҳолларни озиқа моддалар билан таъминлаш ва ривожланишини тезлаштириш мақсадида **ғўза 2-3 чинбарг даврида** гектарига соф ҳолда 50 кг азотли ўғит (аммиакли селитра 150 кг/га ёки карбамид (мочевина) 110 кг/га ёки аммоний сульфат 240 кг/га) далага ғўзанинг 15-18 см

ёнига, 12-14 см чуқурликка солинади. Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори кам бўлган майдонларда азотли ўғитлардан мочевина ва аммоний сульфат, агар фосфор билан етарлича таъминланган майдонлар бўлса, аммиакли селитра ишлатилса, ўғитларнинг самарадорлиги янада ортади. Ёш ниҳоллар эрта озиқлантирилганда ўғитлар ер бетига кўтарилиб чиқишининг олдини олиш мақсадида улар ўсимликнинг 15-18 см ёнига, 12-14 см чуқурликка солинади. Агарда ўғит белгиланган чуқурликдан чуқур солинса, ниҳолларнинг илдизлари ҳали унчалик ривожланмаганлиги сабабли тўлиқ ўзлаштира олмайди ва сув билан ювилиб, тупроқнинг қуйи қатламларига тушиб кетишидан ташқари биологик жараёнлар таъсирида ҳам исроф бўлади.

Ўғит саёз берилса, берилган ўғитнинг асосий қисми ҳавога учиб исроф бўлади ҳамда юза қатламида тўпланган ўғитдан ўсимлик фойдалана олмайди. Агар чигит экиш олдидан ёки экиш пайтида фосфорли ўғитлар берилмаган бўлса, азот ўғитлари билан биргаликда 30-40 кг фосфор яъни, физик ҳолатда 65-85 кг аммофос ёки 165-220 кг оддий суперфосфат ёки ёки супрефос 130-170 кг ёки PS-Agro 75-100 кг берилиши керак. Шунингдек, фосфорли ва калийли ўғитларнинг тақчиллигини инобатга олган ҳолда ноанъанавий агрорудалар – бентонит, глауконит лойқаларини гектарига 250-300 кг меъёрда солиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Дзани баргидан озиқлантириш.** Ниҳолларнинг яхши ўсиши, ривожланиши, юқори ва сифатли ҳосил бериши учун

уларни қўшимча равишда баргидан озиқлантиришда суспензия ва стимуляторлар сепиш тақозо этилади. Бунда, ўсимлик озиқа моддаларни барг ва поялари орқали ўзлаштиради.

**Дза 2-3 чинбарг чиқарганда суспензия қўллаш зарурати бўлса,** дастлаб, чигит униб чиқиш даврида ниҳолларнинг ёшлигини инобатга олиб, яъни озиқа моддаларни барг орқали ўзлаштириши (барг сатҳининг кичиклиги) ўсимликнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда оналик эритма тайёрланади. Бир гектар майдонга етадиган оналик (маточный) тайёрлаш учун 50 литрлик идишдаги сувда физик ҳолда 5 кг карбамид (46% N) эритилади, кейин эса эритмани 100 литрлик идишдаги сувга қуйиб яхшилаб аралаштирилиб, оналик (маточный) эритмаси тайёрланади. Агарда тайёрланган эритманинг меъёри (концентрацияси) тавсия этилгандан ортиқ бўлса, у

ёш ниҳолларни куйдириши мумкин, аксинча, меъёри паст бўлса, самараси сезиларли бўлмайди. Тайёр ҳолдаги суюқ ўғитлардан КАС (карбамид-аммиакли селитра, 28-30% N,) ўғитидан 5 л/га ёки суюқ азот кальций ўғитидан (САКЎ, 25,4% N, 9,1% Ca) 5 л/га меъёрларда қўллаш тавсия этилади.

Қолаверса, ғўзани

баргидан қўшимча озиқлантириш, яъни суспензия билан бирга Узгуми 0,3 л/га, Фитовак 300-400 мл/га, Биодукс 2-3 мл/га, Аминозол 0,5-1,0 л/га меъёрларда ва бошқа стимуляторлар билан ишлов бериш яхши самара беради.

Суспензия сепишда ПГС ёки ОВХ-600 мосламаларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Пуркагичларга ўрнатилган бочкаларга 80-100 литр тоза сув ва 100 литр махсус тайёрланган оналик (маточный) эритмаси куйилади. Бир гектар майдонда 180-200 литр суюқликни сарфлаш учун насосдаги монометрлар кўрсаткичи тракторнинг юриш тезлигига мослаштирилади. Бунда, ҳар гектарига 180-200 литрдан кам суюқлик сарфланиши кутилган натижа бермайди. Биринчи суспензия фақат штангали пуркагичларда қўллаш тавсия этилади.

Суспензияни эрталаб ва кечқурун ҳаво ҳарорати 20-25°C дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво салқин ва булутли кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин. **Чунки, эрталаб ва кечқурунги ҳаво мўътадил пайтида** барг оғизчалари (устицалар) тўлиқ очилган бўлади ва сепилган препаратлар яхши сўрилиб, баргда фотосинтез кечиши натижасида қайта тақсимланади, органик моддага айланиб, ўзлаштирилади. **Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия** сепиш тавсия қилинмайди, чунки озиқа моддалари ювилиб, ўғитларнинг самараси пасайиб кетади.

**Дза қатор ораларига ишлов бериш.** Культивация ишларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши гоммоз, илдиз чириш касалликларининг олдини олиб, ғўзанинг дуркун ўсиб,



ривожланишини таъминлайди.

Дўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сонининг тўлиқ бўлиши ва ишлов бериш чуқурлигига алоҳида эътибор бериш керак. Бундан ташқари чигит эрта экилган майдонларда культивацияни озиклантириш билан бирга ўтказиш, кеч экилган, ёки сел ва дўл таъсирида қайта экилган нами юқори бўлган майдонларда ер етилиши билан қўшимча ишлов бериш талаб этади.

Дўза қатор орасига ишлов беришда 1- ва 2-культивация ўртасида чизел-культиватор ёрдамида чуқур (60 см қатор оралиғида 20-25 см; 90 см ли қатор оралиғида 25-30 см) юмшатишни амалга ошириш бу йилги шароитда яхши самара беради.

Дўза қатор ораларига кечиктириб ишлов бериш натижасида ўсимликнинг озикланиш тизими бузилади, бегона ўтлар зарари кўпаяди, ёш ниҳоллар илдиз чириш ва гоммоз касалликлари билан зарарланади. Эрта ўтказилса тупроқдаги нам юқори бўлганлиги сабабли кесак кўчишига олиб келади. Натижада тупроқ майин ҳолга келмай, нам тез буғланади. Шунинг учун тупроқнинг етилган пайтида культивация ўтказилади, қанча кесаклар катта бўлса, шунча тез тупроқдаги нам йўқолади. Зарур бўлганда тупроғи етилган ерларда танлаб

культивация қилиш керак. Культиваторни тўлиқ жиҳозлаб табақалаштирилган ҳолда ўтказиш, бунда ККО иш органларидан кўпроқ фойдаланиш керак. Эгатларни ҳаддан ташқари чуқур ишлов бериш натижасида тупроқдан лой чиқариб, кесак кўчиришга ва илдизларнинг шикастланишига йўл қўймаслик керак. Шунингдек, бегона ўтларни вақтида ўтоқ қилиб туриш ҳам зарур ҳисобланади.

Бу йилгидай серёгин об-ҳаво шароитида ўза қатор ораларини тез-тез юмшатиш, минерал ўғитлар билан тез-тез озиклантириш, стимуляторлар билан 3-4 чин барг даврида гуллаш давригача 3-4 марта ишлов бериш, ўзанинг жадал ўсиши, ривожланиши, эртаги ва юқори ҳосил тўпланишига олиб келади.

**Аъзам РАВШАНОВ,**  
қ.х.ф.д., катта илмий ходим,  
**Бегали НИЁЗАЛИЕВ,**  
қ.х.ф.д., профессор,  
**Феруза ҲАСАНОВА,**  
қ.х.ф.н., профессор,  
**Шухрат АБДУАЛИМОВ,**  
қ.х.ф.д., профессор,  
ПСУЕАИТИ олимлари.



## ДЎЗАНИ МУДДАТИДА СУДОРИШ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

**Ж**орий йилда об-ҳаво ўзига хос ўзгарувчан келаётган шароитда ўзадан белгиланган миқдорда сифатли ҳосил етиштиришда қўлланиладиган агротехник тадбирларни ўз вақтида, кечиктирмасдан бажариш ҳамда бунда мавжуд ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳозирги кунда суғорма деҳқончилиқда ниҳоятда муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дўзанинг ўсиши, ривожланиши ҳамда юқори ва сифатли ҳосил (тола) тўплаши жараёнида уни сув билан таъминлаш, яъни суғориш катта роль ўйнайди. Бунда, жойнинг мелиоратив ҳолати, тупроқ шароити, навнинг морфобиологик хусусияти ва бошқа факторларга боғлиқ ҳолда суғориш ишлари ташкил қилинади. Дўзани сув билан керакли миқдорда таъминлашда, сувдан тежаб-тергаб фойдаланишни назарда тутган ҳолда суғориш меъёрини аниқ белгилаш зарур.

Дала шароитида ўтказилган кузатувлар шундан далолат берадики, ўзани чанқатиб қўймаслик ва ортиқча суғормаслик талаб этилади. Шунингдек, вегетацияси даврининг бошланғич фазасида суғориш тўғри ўтказилганда ўсимлик нормал ўсиб, ўз вақтида гулга киради ва поясининг пастки қисмида тўпланган ҳосил элементларининг (шона, гул ва тугунчалари) кўпини сақлаб қолади. Дўза шоналаган, гуллаган даврида уни етарли меъёردа

суғориш зарур.

Ҳар суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан ўза қатор ораси сифатли культивация қилиниши керак. Бу тупроқда тўпланган намликнинг узок муддат сақланишига имкон яратади. Суғориш тартиби ва унга боғлиқ бўлган суғориш техника-технологияси сувдан режали фойдаланишнинг асоси ҳисобланади.

Суғоришни эгат оралатиб ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ерости сувлари яқин жойлашган майдонларда бу тадбир юқори ҳосил олиш билан биргалиқда суғоришга сарфланадиган сувни 10-15% тежаш имконини беради. Шунингдек, сувдан самарали фойдаланиш учун суғоришни гўнг билан биргалиқда - шарбат усулида ўтказиш мумкин. Шарбат усули қўлланилганда гўнг ўзага озиқа бериш билан бирга мульча вазифасини ҳам бажаради, яъни тупроқ юзасидан намликнинг буғланишини ка-

майтириб, унинг тупроққа сингишини яхшилайдди. Бунинг учун ҳар бир дала кентурининг сув кирадиган жойига шарбат учун хандак (ўра) қазилиб, суғоришдан 5-7 кун олдин 1:1 нисбатда сув билан гўнг аралашмаси (жижжа) тайёрланади. Бунда, тоза мол гўнги, чириган гўнг ёки компостдан фойдаланилади. Дўзани суғоришда шарбат усулидан фойдаланилганда шарбат ҳолидаги гўннинг даладан сув билан оқовага чиқиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди, яъни гўннинг эгатларда озиқа сифатида қолишини таъминлаш лозим.

Маълумки, ўза ўсимлиги ўзининг ривожланиш фазасининг гуллаш-ҳосил тўплаш даврида сувга бўлган талабининг максимал кўрсаткичига тўғри келади. Бунда, ўсимликнинг асосий илдиз тизими жойлашган тупроқнинг (50-70 см) қатламида тўпланган намлик миқдорини унинг чекланган дала нам сифмига нисбатан 70-75% дан пасай-



тирмасдан суғоришни ўтказиш зарур. Чунки, бунга амал қилинмаган тақдирда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши секинлашади, тўпланган ҳосил элементларининг (шона, гул, тугунча, кўсак) кўп қисми тўкилиб кетишига олиб келади.

Ўза вегетациясининг пишиш фазасига келганда ўсимликнинг ўсиб ривожланиши жараёнлари секинлашади. Бу даврда суғоришни юқори меъёردа ўтказилиши тавсия этилмайди, чунки тупроқ ҳарорати пасаяди, қатор оралидаги ҳаво ҳарорати юқори бўлади ҳамда ўза табиатан кўп йиллик ўсимлик бўлганлиги сабабли унинг иккиламчи ўсиши, поясининг ётиб қолиши кузатилади, кўсаклар очилиши кечикади, очилганларнинг эса тола сифати ёмонлашади.

Шўрланган майдонларда тузнинг ўзага салбий таъсири кучли бўлади. Бу экилган чигитни тўлиқ униб чиқишига тўсқинлик қилади, ўсимликни қуришига ва сийраклашишига олиб келади. Бундай ерларда тупроқнинг шўрланганлигини оширмаслик ва тузларнинг таъсирини камайтириш учун тупроқнинг суғоришолди намлигини (ЧДНС га нисбатан) 75% дан пасайтирмасдан ўза суғорилиши керак.

Ўзанинг сувга бўлган талабини қондириш ва сувни ўсимликка тежаб-тергаб етказиб беришда далада ўқариқларни тўғри олиш муҳим. Даланинг рельефига кўра, ўқариқларни баландроқ жойлардан олиш, уларнинг оралиғи ўза 60 см эгат кенглигида экилган майдонларда 60-80 м, 90 см кенгликдаги майдонларда эса 100-120 метрдан ошмаслик тавсия этилади. Бунда, тупроқ барча эгатлар узунлиги бўйича бир текис намланиши учун суғориш эгатлари мумкин қадар чуқурроқ олиниши керак.

Суғоришда жойнинг тупроқ шароитидан келиб чиқиб, ўзага керакли меъёрдан сувни етказиб бериш учун, жўяк чуқурлиги 60 см қатор оралиғида 16-18 см, 90 см қатор оралиғида эса 18-22 см ни ташкил этиши лозим. Акс ҳолда, ўзага талаб қилинадиган сув таъминоти етарли бўлмайди ҳамда ўзанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Суғоришда эгатлар боши плёнкалар ёки қалин қоғоз билан бостирилиб қопланади. Дала тупроқлари аста-секин нам тортиши учун бутун эгат бўйлаб ҳар бир эгатга сувни жилдиратиб бериш керак. Бунда сув ўзгарувчан оқимда, аввал кўпроқ, кейин икки баравар камайтирилиб, охирида эса жилдиратиб доимий оқизилишини таъминлаш лозим, яъни суғоришлар имкон қадар оқовасиз амал-

га оширилиши зарур. Ҳар эгатга кетадиган сув сарфи ўзгарувчан оқимда бериш суғориш самарадорлигини оширади. Бунда, эгатнинг 4/3 қисмида 0,45-0,55 л/сек. (90 см эгатларда) ёки 0,35-0,40 л/сек (60 см эгатларда) оқим билан, сўнгра 4/3 қисмида оқим 0,12-0,22 л/сек. гача камайтирилади.

ПСУЕАИТИ олимларининг таъкидлашича, фермер хўжаликлар, ер эгалари мисолида, ўзани суғоришда, тупроқнинг чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) га нисбатан намлик миқдори, механик таркиби энгил қумоқ ерларда 75-75-60%, ўрта қумоқларда 70-75-60% ва 70-70-60%, оғир қумоқ, созлойсимон тупроқларда 65-65-60% ва 70-70-60% суғоришолди тупроқ намлиги сақлансагина юқори ҳосил олиш таъминланади. Бунда, албатта, экилаётган навларнинг морфобиологик хусусиятлари ҳамда ерости сувининг чуқурлиги ҳисобга олиниши керак.

Ўза экилган даладарнинг ерости суви сатҳи 3,0 метрдан чуқур жойлашган автоморф тупроқлар билан қопланган майдонларида: суғоришлар 5-6 маротаба 1-3-1, 1-4-1 тизимларида; сув сатҳи 2-3 м бўлган майдонларда суғоришлар 4-5 маротаба 1-2-1, 1-3-1 тизимларида; сув сатҳи 0,5-2,0 метргача бўлган ерларда эса 2-3 маротаба суғоришни 0-1-1, 0-2-0, 0-2-1 тизимларида ўтказилиши керак. Механик таркиби бўйича энгил қумоқ тупроқларда бир марталик сув сарфи меъёри 800-900 м³/га, ўрта қумоқ тупроқларда 1000-1100 м³/га, оғир қумоқ ва соз-лойсимон тупроқларда эса 1100-1200 м³/га гача қўллаш тавсия этилади. Бунда, суғоришларни сентябрь ойининг 10-15 санасидан кечиктирилмасдан якунлаш керак. Илмий изланишлар натижасида ўзани сувга бўлган талабига кўра суғоришнинг 1-3 кунга кечиктирилиши ҳосилдорликни 3-10 ц/га гача пасайтиради. Шунингдек, суғоришлар оралиғи автоморф тупроқларда 14-16 кун, ярим гидроморф тупроқларда 16-18, гидроморф тупроқларда эса 18-20 кундан ошмаслиги керак. Ўза қатор оралиғи (60;90 см.) қандай кенгликда бўлишидан қатъий назар, суғориш давомийлиги ўсимликнинг гуллаш фазасига 16-20 соат, гуллаш-ҳосил тўплашда 22-24 соат, пишиш даврида эса 12-14 соатдан ошмаслиги лозим.

Ўза майдонлари контурларга сув ажратишнинг (водооборот) этагида жойлашганда ёки сув танқислиги кузатилаётган йилларда ҳудудда жойлашган барча турдаги (очик, ёпиқ- ётиқ, тик, йиғма) зовур-коллекторлар сувларнинг минераллашганлик даражасига қараб,

оқар сувлари билан қўшиб (50+50 фоиз) суғоришда ишлатиш мумкин. Бунда, аралаштирилган сувнинг минераллашганлик даражаси Жиззах, Сирдарё вилоятларида 3-4 г/л.дан, Бухоро вилоятида 1,5-2,0 г/л.дан, Фарғона водийсида 3-4 г/л.дан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1,5 г/л.дан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса 2,0-4,0 г/л.дан ошмаслиги зарур. Ўзани биринчи суғоришни ариқ сувлари билан, иккинчи марта оқар сувларга зовур сувларини аралаштирилган ҳолда, охиригисини эса, албатта, тоза оқар сувлари билан ўтказиш тавсия этилади.

Йилларда ўзани суғоришда сувдан самарали фойдаланишда замонавий ресурстежамкор технологиялардан фойдаланилмоқда. Хусусан, ўзани суғоришда қатор орасига қора полиэтилен плёнка ёки сомон тўшаб тупроқ юзасини мульчалаш қўлланилганда, сув сарфи 25,1-44,6% гача, ёнилғи-мойлаш материаллари 30% гача тежалади ҳамда эгат узунлиги бўйлаб тупроқ бир текис намланади. Шунингдек, тупроқ ювилиши 2 мартага камайдиган, унинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хусусияти яхшиланади, ўзани минерал ўғитлардан самарали фойдаланиши ҳисобига кўсаклар пишиб етилиши 10-15 кунга тезлашади, ҳосилдорлик 5,0-6,5 ц/га ошиши таъминланади.

Бундан ташқари, ўзани эгатлаб суғоришда 5 фоизгача дала майдонини эгалловчи ўқариқларнинг ўрнига, эгатга бериладиган сув оқимини тартибга солиш имконини берувчи ҳар 60 ёки 90 см ораликда сув чиқарувчи клапанларга эга бўлган эгилувчан қувурлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, одатдаги эгат бошини п/э плёнка ёки қоғоз тўшаб оқимни ростлаш ўрнига, эгилувчан қувурлардан фойдаланилганда сувчининг иш унумдорлиги 2,0-2,5 баробар, ўқариқлар олинмаслиги ҳисобига ердан фойдаланиш коэффициенти 3-5 фоизга ошади, мавсумий сув сарфи 10-15 фоизгача камайдиган, қатор орасига ишлов беришда тракторларнинг иш унумдорлиги 10-12 фоизгача ортади.

Жорий йилда ўзани суғоришда мазкур тавсияларни қўллаш, сувдан самарали фойдаланиш билан бирга, ўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини беради.

**Акмал ШАМСИЕВ, қ.х.ф.д.,  
Бахтиёр КАМИЛОВ, қ.х.ф.н.,  
Мусулмон ЗИЯТОВ,  
қ.х.ф.ф.д.(PhD),  
ПСУЕАИТИ.**

**Ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш ўта масъулиятли агротехник тадбир эканлигини яхши биламиз. Зеро, пишиб етилган ҳосил комбайнларнинг дала бўйлаб бир ўтишида ўриб-янчиб олинади, – тақрорий йиғим деган гап бўлмайди. Комбайндан кейин ерга тўкилиб қолган донни қайтадан йиғиштириб олишнинг сира иложи йўқ. Демак, фермерлар, комбайнчилар, ўрим-йиғим отрядлари бошлиқлари даладаги бор ҳосилни нест-нобудсиз йиғиштириб олиш чораларини кўришлари лозим.**

## ҒАЛЛА ЎРИМИ: СИФАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

тайёрлаш, ўрим-йиғим ишларини отряд усулида ташкил этиш, комбайнларни тўғри созлаш ва ишлатиш ҳамда хавфсизлик қоидаларига қаттиқ риоя этиш шундай чоралар сирасига киради.

**Ғаллазорларни ўримга тайёрлаш.** Агрокластерлар ва фермер хўжаликларининг раҳбарлари ўримга киришишдан олдин қуйидаги юмушларни сифатли қилиб бажаришлари даркор:

- далага кирадиган йўллар, кўприкларни комбайн сиғадиган ва уни кўтара оладиган даражада тайёрлаш, ўқариқларни текислаш (комбайн далага шикастанмасдан кириб чиқади);

- комбайннинг эмин-эркин юришига халақит берадиган дарахт шохларини кесиб ташлаш, ўримга киришишдан олдин карталарни тўртбурчак шаклига келтириш, комбайн боролмайдиган жойлардаги ғаллани қўлда ўриш (бор ҳосил тўлалигича йиғиб олинади);

- ғаллазорларни печак, чирмовиқ, шўра каби бегона ўтлардан, ҳар хил темир-терсак ва пластмасса идишлардан тозалаш (пичоқлар синмайди, хедер, транспортёр, ротор ёки барабан бузилмайди, бункерга тоза дон тушади);

- комбайннинг бемалол қайрилишини таъминлаш, пояларнинг эзилишининг олдини олиш мақсадида ғаллазор атрофи бўйлаб камида 8 м кенгликдаги ғаллани олдиндан ўриб олиш, ёнғин чиқишига йўл қўймаслик учун дала четларини камида 4 м кенгликда шудгорлаб қўйиш.

**Комбайнлар тайёргарлигини текшириш.** Туманлардаги агроинспекция муҳандислари энг аввало, ишга тайёр дейилган ғалла комбайнларини қуйидаги талабларга қайдаражада жавоб беришини текширишлари керак: жатканинг асосий балкаси тўғри, ёриқлар йўқ; сирпанувчи бошмоқлар пачоқланмаган ва дарз кетмаган; мотовилонинг марказий ва паншаха трубалари эгилмаган, қадалмасдан айланади; бармоқли брус эгилмаган, тўғри; сегмент пичоқлари бутун, қарши кесувчи пластинкалар сийқалашмаган, дарз кетмаган; шнек цилиндрлари пачоқсиз, ўрамлари эгилмаган ва узилмаган; йиғиштириш барабанининг вали ва бармоқлари қийшаймаган, синмаган; қия камера корпусида ёриқлар йўқ, транспортер план-

калари синмаган, қайишлари едирилмаган, пружиналари таранг; янчиш барабани (ротор)нинг вали эгилмаган, дон савағичлари едирилмаган, барабан (ротор) остлигининг тишлари бутун; сомон элаги клавишаларининг подшипниклари едирилмаган, ёрилмаган; ғалвирлардаги тешиклар катталашмаган, жалюзалар сегментлари синмаган; силкитувчи тахтадаги тарам-тарам листлар дарз кетмаган; элеваторлар кураклари синмаган, ленталари узилмаган; втулкалар, валиклар, пластинкалар ейилмаган; дон, бошоқ ва бўшатиш шнекларининг ўрамлари ўткирлашмаган ва бутун, филофларида тешик ёки ёриқлар йўқ; бегона тақиллашлар эшитилмайди.

**Ғалла ўримини отряд усулида ташкил этиш.** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тавсия ва кўрсатмаларига асосан ғалла ўрими йиғиш-ташиш отрядлари воситасида ўтказилади. Ҳар бир отряд таркибига 2 ёки 4 та “Кейс”, “Клаас” комбайни, 4 ёки 8 та дон ташийдиган автотранспорт, 1 та кўчма устахона, 1 та занжирли трактор плуги билан ва машиный хизмат звеноси киради. Отряд таркиби ҳамда техника воситаларининг тури ва сонлари дон ҳосилдорлиги, далаларнинг катта-кичиклиги, ғалла массивларидан дон қабул қилиш шохобчасигача бўлган масофаларга қараб ўзгариши мумкин.

Отряд раҳбари туман қишлоқ хўжалиги бўлими, агрокластерлар, автокорхона раҳбарлари ҳамда фермерлар билан биргаликда ўзига бириктирилган ғалла майдонларининг

ҳажмини, дала контурлари бўйича ғалланинг ҳолати ва дон ҳосилдорлигини чамалаб, ўрим-йиғим графигини тузади.

Ҳар бир отряд таркибида ҳисобчи ва отряднинг дон қабул қилиш шохобчасидаги вакили фаолият кўрсатади. Отряд ҳисобчиси ўриладиган майдонларнинг ҳақиқий катталигини, ғалла ҳосилдорлигини бевосита ўримдан олдин ўлчашлар йўли билан аниқлайди. Ўрилган майдонлар учун туман “Агросервис



МТП” ёки сервис корхонаси билан, жўнатилаётган дон учун транспорт корхоналари билан ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиради. Ўриб-янчиб олинган ва омборларга топширилган дон ҳақидаги ҳужжатлар барча фермерлар учун алоҳида-алоҳида тузилади.

Отряднинг дон қабул қилиш шохобчасидаги вакили шохобча мутахассислари иштирокида топширилаётган доннинг оғирлигини, намлик ва ифлослик даражасини ўлчайди ҳамда унинг кондицион вазини аниқлаб тегишли ҳужжатни расмийлаштиради ва уни отряд раҳбарига топширади. Отряд раҳбари ўрим-йиғимни сифатли ташкил этиш ва ўтказиш, ҳисоб-китобларни тўғри юритиш, дон нобудгарчилигининг олдини олиш, ўрим қатнашчиларига етарли шарт-шароитларни яратиб бериш тадбирлари учун масъул шахс ҳисобланади.

Агрокластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, сервис ижрочилари комбайнларни икки сменада бетўхтов ишлатиш, уларни ёнилғи — мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш, кўчма устахоналарни зарур эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш ускуналари билан бутлаш, техника воситаларида рўй берадиган носозликларни даланинг ўзида бартараф этишни ўз зиммасига олади. Ўрим-йиғим отрядини етарли транспорт воситалари билан таъминлаш, ташиш жараёнида дон нобудгарчилигининг олдини олиш, автомашиналарни техник жиҳатдан доимо соз ҳолатда ушлаб туриш вазифалари автокорхона раҳбари зиммасига юклатилади.

Комбайнчилар, ҳайдовчилар ва ўрим-йиғим мавсумининг бошқа қатнашчиларига медицина хизмати кўрсатиш, уларни иссиқ овқат билан узлуксиз таъминлаш тадбирларини фермерлар, маҳалла фаоллари ва туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари бажаради.

Мавсумни қисқа муддатда сифатли ўтказиш борасида ўрим-йиғим отрядларининг бошлиқлари, агроном ва муҳандислар алоҳида эътибор бериши зарур бўлган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ўримга киришишдан олдин даладаги ғалланинг ўртача ҳосилдорлиги, унинг етилганлик, ифлосланиш ва намлик даражалари чамалаб олинади. Шунга қараб ғаллани ўриш ва комбайнларни бир даладан иккинчисига ўтиш тартиблари танланади;

- ўримни ўз вақтида бошлаш ҳосилни сақлаб қолишда ўта муҳим аҳамиятга эга, зеро, пишиб етилган ғалла 5 кун кечиктириб ўрилса 4%, 10 кун кечиктирилса 12%, 20 кун кечиктирилса 28% дон ерга тўкилиб кетади. 1 метр квадрат майдончада бир дон бошоқнинг тўкилиши, гектаридан 10-16 кг ғалланинг йўқотилиши демакдир;

- комбайн тўғри ростланган ёки ростланмаганлигини даланинг ўзида текшириш зарур: 50 метрдаги бугдой ўрилгандан кейин комбайн тўхтатилади. Агар 1 м<sup>2</sup> майдончага 20 дондан ортиқ дон тўкилган бўлса, комбайн иш режимини ўзгартириш ёки механизмларини қайтадан ростлаш талаб этилади. Ростлашни дон тўкиладиган тирқишлар ва дарчаларни (жатка деворларидаги ёриқлар, қия камерани янчиш аппарати билан бириккан жойидаги, ғалла ва бошоқ шнекларидаги, кузатиш туйнуклари) зичлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир;

- бир даладаги ғалланинг ҳолати иккинчисидан анчагина фарқ қилишини, бу эса комбайнни янгидан ростлаш ва созлашни талаб этишини ёддан чиқармаслик керак;

- дони қуруқ ва бирдай пишган ғаллазорларда ҳосил биринчи галда ўриб-янчиб олинади;

- дон ташийдиган транспорт воситаларининг бортлари зичланган, яъни тирқишларсиз бўлиши ва улар учкун сўндиргичлар билан жиҳозланиши лозим.

**Комбайнларни далада ишлатиш қоидалари.** Комбайнлардан унумли фойдаланишда асосий масъулият операторларга юклатилади. Шу боис, улар қуйидаги қоидаларга амал қилишлари лозим:

- ўриш жараёнида дон бошоқлардан уриб туширилганда мотовило тезлиги камайтирилади, уни пастга тушириб, вали пичоқларга яқинлаштирилади;

- бошоқлар ерга кўп миқдорда тўкила бошласа, мотовило тезлиги камайтирилади, паншахаларни пичоқларга яқинлаштириб, уларнинг орқа томонга қиялиги бироз оширилади, паншахалар ва шнек қанотлари орасидаги тирқиш кенглиги торайтирилади;

- дон қирқилмаган поялар бошоқларида қолиб кетганда синган сегмент ва бармоқлар янгисига алмаштирилади, хедер пастга туширилади, мотовило пастлатилади ва олдинга чиқарилиб, тезлиги оширилади;

- бункерда синиқ дон миқдори ошиб кетганда ротор билан дека орасидаги тирқиш кенгайтирилади, ротор (барабан) тезлиги камайтирилади, тирқиш ичига тикилиб қолган похол ва ўт-ўланлар олиб ташланади;

- сомон орасида тўлиқ янчилмаган бошоқлар учраганда тирқиш кенглиги камайтирилади, ротор тезлиги оширилади, ғалвир жалюзалари кенгрок очилади, комбайн тезлиги пасайтирилади;

- бункердаги дон ифлослиги юқори бўлса, ғалвир жалюзалари торайтирилади, вентиляторнинг шамол кучи оширилиб, хедер бироз тепага қўтарилади.

**Қуйидаги хавфсизлик қоидаларига қаттиқ риоя этилади:**

- бакка ёнилғини челақларда эмас, балки махсус кўчма агрегатлар ёрдамида қуйиш, ёнилғи ва мой томчилашининг олдини олиш;

- комбайнда доимо соз ва тўлатилган иккита ўт ўчиргич олиб юриш, бирини кабинага, иккинчисини эса двигател атрофига осон олинadиган қилиб ўрнатиш;

- мотовило валига ўралган, қия камера ҳамда ротор билан дека орасига тикилиб қолган пояларни дарҳол олиб ташлаш;

- тунда ишлашдан олдин барча электр ёритиш воситаларини қайтадан текшириб чиқиб, очиқ симларни дарҳол алмаштириш ёки янгидан ҳимоя лентаси билан ўраб чиқиш;

- электр асбобларига келган симларни доимо текшириб туриш, уларнинг қизиқ кетишига йўл қўймаслик;

- ғаллазор ичида пайвандлаш ишларини бажармаслик, бункердаги дон қолдиқларини двигател ўчгандан кейингина тозалашга жиддий эътибор бериш талаб этилади;

- пайвандлаш ишларини бажаришда, шунингдек, комбайнни узоқ муддат таъмирлаш жараёнида у ғалла майдонидан 30 метрдан кам бўлмаган масофага олиб чиқилади.

**Қуйидагилар қатъиян ман қилинади:** комбайн олдидан олов ёқиш, унинг олдига мойли кийим билан яқин келиш; комбайн бункеридаги донни учкун сўндиргичи носоз бўлган транспорт воситаларига юклаш; комбайнни дала шароитида таъмирлаш жараёнида учкун чиқиши эҳтимоли бўлган асбоблардан фойдаланиш.

Шундай қилиб, юқоридаги чора-тадбирларнинг ўз вақтида тўғри бажарилиши ғалла ўрими мавсумининг сифатли ўтишини ва қисқа муддатларда яқунланишини таъминлайди.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,**  
ҚХМИТИ профессори.



## ТАКРОРИЙ МУДДАТДА САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ВА КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ

Юртимизда мавжуд имкониятларни тўғри ишга солиб, эртаки сабзавотлар ва кузги бошоқли дон экинлари ҳосили йиғиштириб олинганидан сўнг такрорий экин экишга жиддий эътибор қаратилади.

Бу борада соҳа олимлари томонидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга етказилмоқда. Қуйида шу хусусида тўхталамиз.

Такрорий экишда **сабзининг** маҳаллий эртапишар Мшак-95, ўртапишар Мирзои сариқ-304, Мирзои қизил -228, Зийнатли ва чет мамлакатларнинг Нантская-4, Шантане-2461, Супер курода, Карсон F<sub>1</sub> нав ва дурагайлари твасия этилади.

Сабзи уруғини экиш ишлари жанубий вилоятларда 1-15 август; марказий вилоятларда 10 июндан 10 июлгача; шимолий вилоятларда 10-20 июнгача СКОН-4,2, СММ-4 маркали сеялкалар билан ёки қўл кучи ёрдамида 1,5-2 см чуқурликка 52×8, 62×8 см схемада амалга оширилади. Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг.



Сабзини парваришlash жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири уруғни ердан текис ундириб олиш. Сабзи ниҳоллари тупроқ намлиги етарли даражада бўлганида 5-7 кундан сўнг кўринади ва 10-12 кунда тўлиқ униб чиқади. Кейинги ўсув даврида қуйидаги технологик жараёнлар бажарилади: бегона ўтлардан экин майдонини тозалаш, қатор ораларини юмшатиш, сабзи экинларини яганалаш, суғориш, ўғитлаш ҳамда касалликлар, зараркунандаларга қарши курашиш.

Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташга ва яганалашга киришиш керак. Сабзи экин майдони икки марта ўталади.

Сабзи етиштиришда бегона ўтларга қарши турли гербицидлардан фойда-

ланилади.

Такрорий муддатда оқ бош карамнинг маҳаллий “Тошкент-10”, “Судья Ўзбекистон”, “Термиз-2500”, “Шарқия” навлари экишга тавсия этилади.

**Оқбош карам** кўчатларини етиштиришда экиладиган уруғ 3-5% лик ош тузи эритмасига 1 соат давомида солиб қўйилади. Эритма остига чўккан уруғларни тоза сув билан 2-3 марта ювиб, сўнг уларни ёйиб қуритилади. Бир гектар майдонга экиш учун етарлик миқдорда карам кўчати тайёрлашга 350-400 г ҳисобида уруғ сарфланади.



Тайёр бўлган карам кўчатларининг ёши 40-45 кунлик ва узунлиги ўртача 14-16 см ва барглари сони 6-7 тадан бўлганда очиқ майдонга экилади.

Оқбош карам навлари кўчатлари жанубий вилоятларда 1-15 август; марказий вилоятларда 15 июн - 10 июл. Ўртаги-кечки карам кўчати 70×40 см ёки 90×40 см схемада экилади.

**Ширин қалампир** ўсимлиги бўз, ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда яхши ўсади. Сизот сувлари юза жойлашган, шунингдек, шўрланган тупроқлар унчалик ярамайди. Алмашлаб экишда карам, бодринг ва пиёз энг яхши



ўтмишдош экин ҳисобланади.

Ширин қалампирнинг маҳаллий эртапишар Наргиза, Тонг, Жайхун F<sub>1</sub>, ўртапишар Маржона, Заря Востока, Дар Ташкента, кечпишар Зумрад чет элнинг Долфин, Фламинго, Денвер нав ва дурагайлари экиш тавсия этилади.

Ёзги муддатда жанубий вилоятларда: 1-10 август; марказий вилоятларда: 1-10 июлда экиш тавсия этилади. Кўчатларни 70×30 см ёки 70×40/2 см схемада, ер ости сувлар яқин бўлган ерларда 90×25 см схемада экилади.

Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар ўзини тутиб олгач, яъни экилгач 10-12 кундан кейин бошланади.

**Гул карамнинг** такрорий муддатда экиш учун Отечественная, Скайвокер F<sub>1</sub>, Фарго F<sub>1</sub>, Кашмер F<sub>1</sub>, Барселона F<sub>1</sub>, Меган F<sub>1</sub>, Вайт Иксель F<sub>1</sub>, Юкон F<sub>1</sub> нав ва дурагайлари экишга тавсия этилади.

Кўчатлар иситилмайдиган ва очиқ майдонларда етиштирилади. Ҳар 1 га очиқ майдонга экиш учун етарлик миқдорда гулкарм кўчати тайёрлашга 300-350 г ҳисобида уруғ сарфланади.



Ўсимлик майсалари чиққандан сўнг орадан 15-18 кун ўтгач, яъни майсаларни ер устки қисми 5-7 см гача ўсиб, уларда 1-2 та дан чин барг пайдо бўлгач уларни сифатли ва баққуват бўлиб етилиши учун бошқа жойга озиқа майдонларини (4×5 ёки 5×5 см) кенгайтириб қўчириб экилади. Улар тўлиқ тутиб олгач, орадан 10-12 кун ўтгач, майсалар биринчи марта озиқлантирилади.

Тайёр бўлган гулкарм кўчатларининг ёши 60 кунлик ва узунлиги ўртача 14-16 см ва барглари сони 6-7 тадан бўлганда очиқ майдонга экилади.

Такрорий муддатда кўчат жанубий вилоятларда 1-5 август; марказий вилоятларда 20-30 июл; шимолий ви-



лоятларда 1-10 июлда экилади. Далага экиш пайтида кўчатларда 6-7 та барг бўлиши керак. Гул карам 70×30-40 см схемада экилади.

**Бодрингни** такрорий муддатда экиш учун унумдор, органик моддаларга бой, нам сизими юқори, сизот сувлари юза жойлашган ва шўрланмаган ерлар танланади. Тупроқ нордонлиги (pH) 5,5-5,8 бўлган жойлар ўсимлик ривожланиши учун қулай ҳисобланади.

Бодрингни очиқ майдонларда етиштириш учун унинг маҳаллий Ранний 645, “Ўзбекский 740”, “Зиллол”, “Наврўз”, “Иффор”, “Шабнам”, “Омад”, “Талаба”, “Нафис”, “Ғолиб”, “Севино” навлари ва чет мамлакатларнинг Аякс, Суперина, Амур, Фонтана, Аванте, СХҚ 3335 классик F<sub>1</sub> дурагайларидан экиш тавсия этилади.

Бодринг уруғи экишдан олдин уруғ бир сутка давомида алмаштириб туриладиган сувда ивителиди ва ўзи тўкиладиган ҳолатгача қуритилади.



**Экиш муддатлари ва экиш маси.** Кечки бодринг 15-30 июнда экилади. Очиқ майдонда СБУ-2,4А сеялкада 70×30 ва 90×20 см схемада 4-5 см чуқурликка экилади. Уруғ сарфи гектарига 4-5 кг.

Ниҳоллар униб чиққанидан кейин ўша захоти ҳар бир уяда 2-3 та ўсимлик қолдирилиб, яганалаш ўтказилади. Униб чиқмаган уяларга эса ниҳоллар кўчат қилиб экилади. Ўсимликларда 2-3 дона чинбарг ҳосил бўлганда ниҳоллардан 12-15 см кенликда ҳимоя майдони қолдирилиб, КРН-4,2, КХУ-4А-05 культиватор ёрдамида қатор оралари 6-8 см чуқурликда биринчи марта культивация қилинади. Сўнгра иккинчи марта уяда 1-2 ўсимлик қолдирилиб, яганалаш ўтказилади, бунда ўсимлик юлиб олинмасдан чимдилаб ёки қайчи билан олинади. Иккинчи культивация ўтказилишидан олдин биринчи ўсиш даври суви берилади.

**Қовун ва тарвуз** экинлари енгил қумоқ тупроқли бўз янги ўзлаштирилган ерларда яхши ўсиб, сифатли юқори ҳосил беради ва фузариоз сўлиш касаллигига кам чалинади. Ўтлоқ ерлар қовун экинига тўғри келмайди. Алмашлаб экишда полиз экинлари учун энг яхши ўтмишдош экин бу ғалла ва бедадир. Эскидан ўзлаштирилган ерларда полиз экинлари карам, сабзи, маккажўхори ва шолидан кейин экилса фузариоз сўлиш касаллигига кам чалинади ва ҳосилдорлик ошади.



Экиш учун қовуннинг - Кўк тинни, Навоткалла, Хандалак кўкча 14, Маҳаллий сариқ хандалак, Роҳат, Тошлоқи 862, Гурлан, “Олтин водий”, Оқ уруғ, Шакар палак 554, Умир воқи 3748, тарвузнинг “Ширин”, Ўринбой, Хайит қора, Мрамор 2159 ва чет мамлакатларнинг Кримстар ва Кримсон Свит F<sub>1</sub> нав ва дурагайлари тавсия этилади.

Қовун ва тарвузнинг ўртаги навларининг 30-35 кунлик кўчатларини 10 июлгача экиш лозим.

Майда уруғли қовун ва тарвузларни экиш учун гектарига 4 кг, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 5-6 кг уруғ сарфланади.

Ниҳоллар униб чиққач 20-25 кун ўтказилиб, иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, сув берилади, озиқлантирилади. Иккинчи чопиқ биринчидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Ўсиш даврида қатор оралари 4-5 марта культивация қилинади ва палакларни пуштага тўғрилаб турилади.

**Картошка** учун энг яхши ерлар бу намлик ва органик моддалар билан тўлиқ таъминланган агрофизик хусусиятлари яхши бўлган тоғ ҳудудлар, тоғолди ва қуйи дарё бўйидаги гидроморф тупроқлар ҳисобланади.

Картошкани экиш учун чет мамлакатларнинг Аризона, Эволюшен, Роза-голд, Розара, Фреско, Кондор, Магнум, Марфона, Романо, Романтика, Курода, Санте, Арнова, Диамант, Пикассо ва бошқалар ҳамда маҳаллий Боғизағон, Тўйимли, “Умид” 2, “Пском”, “Сарнав”, “Барака”, “Феруза” навлари тавсия

этилди.

Такрорий муддатда картошка уруғларини (тугангини) экиш ишлари сифатида жанубий вилоятларда: тезпишар навлар 10-20 июл; ўртапишар навлар 5-20 июл; кечпишар навлар 20-30 июн. Марказий вилоятларда: тезпишар навлар 10-20 июл; ўртапишар навлар 10-30 июн; кечпишар навлар 10-20 июн. Шимолий вилоятларда: тезпишар навлар 20-30 июн; ўртапишар навлар 15-25 июн; кечпишар навлар 5-10 июнда экилади.

Дала қондириб суғорилган майдонларга, ер етилиб экиш механизми кириш мумкин бўлган даврда картошкани СН-4Б русумли мосламада экиш тавсия этилади. Истеъмол учун етиштириладиган картошка туганаклари 70×25-30 см ёки 90×20-25 см схемада экилади.

Майдонлар ниҳоллар тўлиқ униб чиққунча об-ҳаво ва ер шароитига кўра 1-2 марта суғорилади.

Кечки картошка ёзда кун айна исиган вақтда экилади. Картошкани экишдан олдин ёки экилиши билан дала албатта суғорилиши зарур. Экиннинг ўсув даври ҳам ҳавонинг айна қуруқ ва тупроқнинг ҳаддан ташқари қизиган пайтида бошланади. Туганаклаш даври кузга тўғри келади, бу вақтда ҳаво ва тупроқ ҳарорати анча пасайиб, ўсув даврининг охирига келганда ёғин - сочин туша бошлайди. Шунинг учун кечки картошка экилиб майсалар кўриниши билан оқ суғорилиши керак. Кечки картошка ўсув даврида 8-10 кун оралатиб бир меъёردа суғорилади.



Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда кечки картошка 12-13 марта, сизот суви юза ерларда эса 6-10 марта суғорилади. Уруғлик учун кечроқ экилганларининг ўсув даври қисқароқ бўлганлиги туфайли уларга бир-икки сув камроқ берилади.

**Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,  
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.ф.д.**  
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.

## ЭКИНДАН БЎШАГАН МАЙДОНЛАРГА МОШ ЭКИНГ. ТУПРОФИНГИЗ УНУМДОРЛИГИ ОШАДИ

*Бугунги кунда дунё миқёсида глобал иқлим ўзгаришлари бўлиб турган бир вақтда ер куррасида аҳоли сонининг йилдан-йилга кўпайиб бориши билан бир қаторда уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда мамлакатни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суғориладиган майдонларда тупроқ унумдорлиги нисбатан паст, сув таъминоти оғир, паст рентабелли пахта ва ғалла экин майдонларини босқичма-босқич қисқартириш орқали, улар ўрнига мева-сабзавот, дуккакли-дон, картошка, мойли ва бошқа озуқабоп экинларни жойлаштириш, кўплаб долзарб вазифаларнинг масъулият билан белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.*

Республикамызда барча қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳаётий зарур маҳсулотлар: оқсил, мой, углевод, дармондори ва бошқаларнинг яратилишида тупроқ асосий таъминловчи восита ҳисобланади. Шунинг учун тупроқларимиздан фақат маҳсулот олишнигина мақсад қилмасдан, қонуният асосида унга қайтариш ҳисобига тупроқларнинг асралишига, унумдорлигининг сақланишига эътибор қаратишимиз керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида қишлоқ хўжалиги экинларини экиб маҳсулот олиш борасида бир майдондан икки марта дон ҳосили олишга ҳам эришилмоқда. Такрорий экин сифатида дуккакли дон ва ем-хашак экинларининг экилиши тупроқ унумдорлигининг ошишида ва чорва ҳайвонлари учун тўйимли озуқа етиштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Дуккакли дон экинлари илдизидида азот тўпловчи ўсимликлар қаторига киради. Улар илдизидида шаклланган туганак бактериялар орқали ўсув даври давомида ҳаводаги азотни ўзлаштириб, ҳар гектар майдонга 50-100 кг. дан ортиқ миқдорда биологик азот тўплаши аниқланган.

Дуккакли дон экинлардан бири ҳисобланган мош дон олиш учун экилганда бу экин тупроқни органик моддаларга ва биологик азотга бойитади. Натижада, тупроқ унумдорлиги ортади ва кейинги экинларнинг ўсиш ва ривожланишини яхшилайди, ҳосилдорлигини оширади.

Мош экини мамлакатимиз тупроқларида ўстириладиган барча экинлар учун энг яхши ўтмишдош бўлиб ҳисобланади. Мошнинг илдизларида табиий (нитрогинсиз) шаклланивчи ҳаводаги эркин азотни ўзлаштириб тупроқларимизда биологик азот кўринишида тўплаб берувчи туганакчалари жуда тез ва кўп шаклланади, агар мош экиладиган майдонларни экишга тайёрлаш даврида гектарига ўртача 30-35 кг. дан азот ҳисобидаги минерал ўғитларни, гектарига 60 кг. дан фосфор ва 40-50 кг. дан калий ўғитига қўшиб тупроққа НРУ-0,5 ўғит сочувчи механизмлар билан берилиши керак. Бу берилган азот мош ўсимлиги учун “старт” меъёрига айланиб, ўсимликни илдиз ва бошқа қисмларининг ўсишини жадаллаштириш билан бирга, мош ўсимлигининг илдизидида пайдо бўладиган азот тўпловчи туганакларнинг шаклланишини тезлаштиради, уларнинг сони кўпайишига олиб келади.

Мош учун қатор оралари ишланадиган экинлар, сабзавот, полиз экинлари, ғалла дон экинлари энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Тупроққа ишлов бериш: Мошни экиш учун тупроққа асосий ишлов беришда, тупроқ олдинги экинларнинг қолдиқларидан яхшилаб тозалангач, мошдан олиниши мўлжалланаётган ҳосилдорлик, тупроқдаги РК миқдорига асосланиб балансланиб чиқарилган РК лик ўғитларни 100 фоизини тупроққа асосий ишловдан аввал берилиши керак.

Уруғни экиш: Мошнинг давлат реестрига киритилган “Победа-104”, “Радость”, “Наврўз”, “Кахрабо”, “Дурдона”, “Турон”, “Зилола”, “Маржон” ва бошқа навларини экиш тавсия қилинади.

Уруғни экишда кўпроқ қатор оралари 60 см бўлган пневматик сеялкалардан СПЧ-6-8, янги замонавий пневматик типдаги сеялкаларидан фойдаланилади. Уруғ экиш меъёри гектарига 20-25 кг. гача, уруғни экиш чуқурлиги 3-4 см қилиб белгиланади, тупроқда нам кам бўлса, чуқурроқ экилиши тавсия этилади. Мош ўсимлигининг туп сони 320-330 минг туп бўлиши керак. Бунинг учун 60 см х 5 см -1 схемада экилганда 333 минг донга кўчат ҳосил қилинади. Мошни, албатта, сеялкада экиш керак. Йирик уруғли навлар экилганда гектарига 30 кг гача уруғлик сарфланади.

Қуйидаги 1-жадвалда мош экинини 60 см ва 70 см қатор орасига экиш схемаларида уруғлик сарфи бўйича маълумот келтирилган.

1-жадвал.

**Мош экинини ҳар хил катталиқдаги уруғларидан турли хил озиқланиш майдонида ўстирилишига қараб уруғликни экиш меъёрини белгилаш**

| № | Экиш тизими     | Назарий кўчат қалинлиги, минг туп/га | 1000 донга уруғ вазни, г | Сарфланадиган уруғлик меъёри кг/га |
|---|-----------------|--------------------------------------|--------------------------|------------------------------------|
| 1 | 60 см х 5 см -1 | 333                                  | 60                       | 20,0                               |
|   |                 |                                      | 70                       | 23,0                               |
| 2 | 60 см х 6 см -1 | 277                                  | 60                       | 16,6                               |
|   |                 |                                      | 70                       | 19,4                               |
| 3 | 70 см х 5 см -1 | 285                                  | 60                       | 17,1                               |
|   |                 |                                      | 70                       | 20,0                               |
| 4 | 70 см х 6 см -1 | 238                                  | 60                       | 14,3                               |
|   |                 |                                      | 70                       | 16,7                               |



Мош экилган тупроқлардаги намликнинг даражасига қараб, агар намлик ЧДНСга нисбатан 70 фоиздан кам бўлса, гектарига 500-550 м<sup>3</sup> меъёрда уруғ суви берилиши керак. Шунда экилган уруғларнинг тўла униб чиқишига эришилади. Ҳосилдорликни белгиловчи энг муҳим омиллардан бири майдонлардаги қўчатларнинг тўла бўлиши ҳисобланади. Мош ўсимликлари қўчат қалинлиги меъёрида бўлса, бир текисда поянинг пастидан қўп шохламасдан ўсади, барвақт ва бир текис етилади, кутилган ҳосил яратилади.

Ўсимликка ишлов бериш: Ўсимликларда биринчи 3 талик барг пайдо бўлиши билан қатор ораларини 6-8 см чуқурликда, иккинчи марта тўла гулга кираётганда 10-12 см чуқурликда культивация қилиш зарур. Бу тупроқларнинг ғовақлигини ошириб ўсимликларнинг яхши ўсишини таъминлайди. Тупроқдаги микроорганизмларнинг яхшироқ ишлашига шароит яратилиб, туганак бактерияларнинг фаолияти эртароқ бошланади ва дала бегона ўтлардан тозаланади, тупроқда нам сақланади.

Агар тупроққа экишдан аввалги ишлов даврида азотли ўғит берилмаган бўлса, ўсимликларни культивациядан кейин гектарига физик ҳолда 100-150 кг азотлик ўғит (селитра, карбамид ва х.к.)ни бериш керак.

Бегона ўтларни қолдирмаслик учун дала кетмон чоппик ёки ўтоқ қилинади. Кейинги ишлардан энг зарури ўсимликларни дастлаб ўргимчакканадан, кейинчалик турли хил куртлардан ва қора ширадан ҳимоя қилиш мақсадида биологик ва кимёвий препаратлар билан ишлов берилади.

Сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши қуйидаги: Моспилан 0,15 л/га, Карбафос 0,6-1 л/га, Дельтафос 1,0 л/га, Аплауд 0,5 кг/га, Адмирал 0,5 л/га, Политрин-К 1,0 л/га, Калипсо 0,1 л/га, Вертимек 0,5 л/га, Фуфанон 1,0 л/га, Кора-

ген 0,04-0,05 л/га, Аваунт 0,4-0,45 л/га миқдорида кимёвий препаратларнинг бирини (кўрсатилган меъёрларига амал қилган ҳолда) тракторга тиркалган пуркагич билан гектарига 300 литр сув сарфланган ҳолда пуркалиши тавсия қилинади.

Мош тупларида дуккаклар кўриниши билан ҳар гектарига 500-600 м<sup>3</sup> меъёрда суғорилади. Ортиқча сув берилиши ўсимликлар ўсув даврининг чўзилишига ва дуккакларнинг пишиб етилмай қолишига олиб келади. Катта меъёрдаги сув тупроқни зичлаштиради, микрофлораларга, ўсимлик илдизига ҳаво етишмаслигига олиб келади, бу ҳам ҳосилни камайтиради.

Мош дуккакларининг пишиш даври узоқ чўзилмайди, айниқса, қўчат қалинлиги яхши таъминланган далаларда мош дуккаклари бир текис, бир вақтда етилиб қораяди, пастки барглари сарғая бошлайди. Мош дуккакларининг 70-75 фоизининг ранги қорайганда, яъни пишганда уни ўришга киришиш керак. Тўлиқ, яъни 100 фоиз дуккакларни пишиши кутилса, пастки дуккакларнинг тўкилиши содир бўлиб, ҳосилдорликка зарар етади.

Галладан бўшаган майдонларга экилган мош юқорида келтирилган агротехник тадбирларга тўла амал қилинган ҳолда парваришланганда ҳар гектар майдондан 20-25 центнер миқдорида дон ҳосили олиш мумкин бўлади.

**Равшанбек СИДДИҚОВ,**

қ.х.ф.д., РФА академиги,

**Абдували МЎМИНОВ,**

қ.х.ф.н., к.и.х.,


**Зафаржон ЯҚУБОВ,**

лаборатория мудири,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти.

## ТАВСИЯ

# СОЯ ЭКИНИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ



Зеро, соя дони таркибида катта миқдорда оқсил ва мой мавжуд, бундан ташқари, минерал ва витаминларга жуда бой ҳисобланади. Уруғининг таркибида 18-24% ёғ, 35-45% оқсил, 30% углевод ва 5% минерал, қўп миқдорда витамин ва аминокислоталар бор.

Соя чорвачиликда сифатли ва тўйимли озуқа ҳисобланиб, унинг 100 кг дони 134,8 озуқа бирлиги сақлайди. Бу кўрсаткич бошқа биронта донли, дуккакли ёки мойли экинларда учрамайди.

Энг муҳими, соя етиштириш ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш хусусиятига эга бўлиб, алмашлаб экишда муҳим ўтмишдош экин ҳисобланади.

Соя ўсимлиги бугунги кунда дунёнинг қўплаб мамлакатларида жами 127

млн. га майдонда етиштирилмоқда. Экин майдони бўйича дунёда буғдой, маккажўхори ва шолидан кейин 4-ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда соя ўсимлиги 2018 йилда 18500 га, 2019 йилда 19800 га, 2020 йилда 17314 га, 2021 йилда 59853 гектар майдонда етиштирилди ва мўл ҳосил олинди. 2022 йилда жами 80 000 гектар майдонга соя экин экилиб, парвариш қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда ўсимлик ёғининг аксарият қисми импорт орқали қопланмоқда. Аҳоли сонининг ортиши ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжнинг янада ортишига олиб келмоқда. Бу эса мойли экинларга алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда. Соядан мўл ҳосил олиш асосан уни озиқлантириш ва турли зарар-

кунандаларга қарши кураш ишларини ўз муд-

датларида олиб боришни тақозо қилади.

## Сояни ўғитлаш

Соя экинининг илдизларида қўп миқдорда туганак бактериялар бўлиб, тупроқни азот билан бойитишда ва тупроқ унумдорлигини оширишда бекиёс манба бўлиб хизмат қилади.

Туганак бактериялар соянинг илдизларида ҳаводаги эркин азотни тўплаб, ўсимлик томонидан осон ўзлаштирилаётган ҳолатга келтиради. Республикамиз тупроқларида *Rhizobium* авлодига кирувчи туганак бактериялари учрамаслиги сабабли соя уруғларини экишдан олдин ушбу тур туганак бактерияларини сақловчи препаратлар билан ишлов бериб

экиш мақсадга мувофиқ.

Сояга бошқа дуккакли экинлар сингари туганак бактерияларининг энг фаол штаммлари бўлган бактериал ўғитлар қўллаш яхши натижа беради. Бактерияли ўғитлардан фойдаланилганда азотли ўғитлар бериш меъёрлари ҳам камаёди.

Экилган соя уруғлари униб чиқишидан 2-3 ҳафта ўтгандан кейин илдизлари текширилганда бактерия фаолиятининг натижасида бўртмалар пайдо бўлганлигини кўриш мумкин. Илдизда ҳосил бўлган туганакларнинг ичи пушти рангга бўялади. Агар туганакнинг ичи бошқа рангга, яъни яшил ёки қора рангга бўлса, ушбу бактериялар нобуд бўлган ҳисобланади. Соя ўсимлигида минерал ўғитлар кам миқдорда қўлланилади.

Олиб борилган узоқ йиллик тажриба натижаларига асосланиб, соя ўсимлигига соф ҳолда 30-40 кг азот, 70-90 кг фосфор ва 30-40 кг калийли ўғитлар билан озиклантириш илмий асосланган. Фосфорли-калийли ўғитлар меъёри ҳосил ўлчами ва тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорида боғлиқ ҳолда белгиланади. Таркибида кўп миқдорда  $P_2O_5$  ва  $K_2O$  бўлган тупроқларда маъдан ўғитлар қўлланилмас ҳам бўлади, бунда фақат бактериал ўғитлар билан кифояланиш мумкин. Аммо, кўпгина тажрибаларда азотли ўғитлар ҳосилнинг ошишини таъминлаши кузатишган.

#### **Соянинг зараркундалари**

**Кўсак қурти.** Бу зараркунанда жуда кўп учрайди. Кўринишидан капалагининг йирик олдинги қаноти ўртасида битта юмалоқ катта буйраксимон доғ мавжуд бўлади. Капалак соянинг дастлабки фазаларида тухум қўяди. Қуртнинг танасида майда тукчалар ва доғлар билан қопланган яшил барглари еб озикланишига кўра тўқ яшил рангга бўлади, бу қуртлар олдин барглари, кейинчалик гунча гуллари билан озикланади.

**Карадрина.** Бу қурт даладаги барча маданий ўсимликлар билан озикланади. Улар тўда-тўда бўлиб ҳаракатланади ва барглари мутлоқ еб битиришади. Карадринадан сўнг баргларида тешиқлар яққол кўриниб туради.

**Зараркунандаларга қарши кураш.** Тунламларга қарши таркибида таъсир қилувчи моддаси циперметрин бўлган препаратлар ишлатилади. Ўргамчакканага қарши олтингургурт қўйиб чиқилади ва тавсия этилган акарицидлар бир ёки икки марта сепилади.

Бундан ташқари, сояни энг кўп миқдорда ўргимчаккана, симқурт, акация оловчаси зарарлайди. Мазкур турдаги ҳашаротларга қарши тавсия

этилган препаратлар ёки 25-30 кг/га олтингургурт кукуни сепилади. Олтингургурт кукуни 8-10 кун давомида яна қайта ишлатилади.

#### **Соянинг касалликлари**

Сояда замбуруғли ва бактерияли касалликларнинг бир неча турлари учрайди. Жумладан, илдиз чириши, бунда ўсимликнинг сўлиши, баргларида, дуккак ва донда турли хил доғларнинг пайдо бўлишини кузатиш мумкин.

**Бактериал куйиш.** Ўсимлик баргида майда игнасимон доғлар пайдо бўлади, бу доғлар дастлаб жигарранг, кейин қорамтир тусга киради. Баргнинг орқа қисмида бактериал дончалар пайдо бўлади. Кейинчалик улар қўшилиб, бутун барг юзасини қоплайди ва баргни қуритади, натижада, барг тўкилиб кетади.

**Ҳаворанг доғлар.** Жанубий районларда кенг тарқалган бу касалликни ҳам бактериялар келтириб чиқаради. Асосан, баргни, камдан-кам ҳолларда эса пояни ва соя дуккакларини зарарлайди. Касаллик баргга кўк ва жигарранг доғлар пайдо қилиш билан бошланади. Зарарланган жойдаги барг тўқимаси кўтарилиб, кўкиш доғлар ҳосил бўлади. Кейинчалик барг тўқимаси қизғиш жигарранг тусга киради ва қуриб тўкилиб кетади. Баргнинг орқа томонидан қараганда касаллик белгилари кўзга ташланмайди. Ҳавонинг қуруқ ва иссиқ бўлиши касалликнинг кўпайиши учун қулай шароит яратади.

**Замбуруғли касалликлар.** Сохта уншудринг уруғ, майса, барг ва дуккакларни зарарлайди. Бу касалликни замбуруғлар қўзғатади. Дастлаб урупалла баргнинг устки ва остки қисмида юпка ғубор ҳосил бўлади, барг сўнгра сарғаяди ва кейинчалик тўкилиб кетади. Касалликка чалинган ўсимлик кам шохли бўлиб, дуккаклар оз миқдорда вужудга келади ёки умуман ҳосил бўлмайди. Касалликни қўзғатувчи замбуруғ спора ҳолида қишлайди. Қишлаб чиққан споралар касаллик тарқатувчи манба ҳисобланади. Ўсимликнинг ўсиш даврида замбуруғлар конидия споралари ёрдамида тарқалади. Замбуруғнинг инкубацион даври ўсимликнинг ҳолатига ва ҳаво ҳароратига боғлиқ. Касаллик таъсирида уруғларнинг унвчанлиги 30 фоиз пасайиб кетади.

Фузариоз касаллиги соя экиладиган барча майдонларда учрайди. Бу касалликка чалинган ўсимликларда сўлиш билан биргаликда илдиз, уруғ, майса ва дуккакларнинг чириши ҳам кузатилади.

Фузариоз билан зарарланганда униб чиққан майсаларнинг асосий қисми

чириб нобуд бўлади. Фузариоз билан, асосан, соя уруғлари зарарланади. Кучли зарарланган уруғларнинг кўп қисми чириб кетади ёки улардан жуда нимжон кўчатлар униб чиқади. Соя ўсимлиги вегетация даврида фузариозга чалинганда ўсиш ва ривожланишдан тўхтади ва натижада барглари сарғайиб тўкилади.

Илдиз чириш касаллигига чалинган ёш ўсимлик илдизи кўнғир рангга киради ва чириydi, бундан ташқари ён илдизлар ривожланмайди. Касаллик инфекциялари уруғда ва тупроқда сақланади. Замбуруғ паст ҳарорат ва юқори намликда кучли ривожланади.

Оқ чириш ёки склеротиноз соя экиладиган барча районларда учрайди. Бу касаллик билан бутун ўсимлик ёки унинг айрим пояси, ён шохлари, дуккаги ва уруғи зарарланади.

Дуккак ҳосил қилиш даврида ўсимликнинг сўлиши касалликнинг дастлабки аломатидир. Кейинчалик эса (айрим ҳолларда) ўсимлик қуриб қолиши ҳам мумкин. Ўсимликнинг касалланган қисмида қалин оқ ғубор пайдо бўлади, зарарланган тўқима рангсизланади, кейинчалик чириydi. Дуккакларни замбуруғ таналари, яъни оқ рангдаги мицелиялар ўраб олади. Склеротиноз касаллиги нам ҳавода, уруғлар қалин экилган ерларда кучли ривожланади.

#### **Касалликларга қарши агротехник тадбирлар.**

Соя касалликларини келтириб чиқарувчи паразитлар, асосан, ўсимлик қолдиқларида ва тупроқда қишлайди. Соянинг бир майдонда доимий равишда экилиши ҳамда тупроқда касаллик ва ҳашаротларнинг кўпайиши оқибатда ҳосилдорлигини камайишига олиб келади. Алмашлаб экишни тўғри ташкил этиб, тупроқдаги замбуруғ ва бактерияларни йўқотиш касалликларнинг камайишини таъминлайди. Склеротиноз билан зарарланган ўсимлик ўрнига соя экиш умуман ярамайди.

Тупроқда қишлайдиган замбуруғ споралари ва бактерияларини йўқотишда кузги шудгор муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, экиш муддати тўғри белгиланганда ҳам майсаларнинг бактериоз ва фузариоз билан зарарланиши камаёди.

Соя зараркунандалари, касалликларига қарши биологик ва кимёвий кураш усуллари тўғрисида етарли билимга эга бўлиш ва унга амал қилиш мул ҳосил гарови ҳисобланади.

**С.ПИРНАПАСОВ,**

**Ж.АБДУЗУХУРОВ, PhD,**

**Б.МУХАММАДИЕВ, PhD,**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари.





2020-2023 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси”нинг II босқичида Ўзбекистонда сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга кўмаклашиш мақсад қилиб қўйилган. Шу билан бирга, ахборот ва коммуникация технологияларини Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туман ирригация бўлимлари ҳамда фермерларнинг кундалик фаолиятига жорий этиш орқали уларга керакли билимларни олиш, маълумот йиғиш ва реал вақт режимида ахборот алмашиш учун қулай шароитлар яратиш, сув хўжалигида гендер масалалари асосий вазифалардан ҳисобланади.

## КАСБИЙ ТАЪЛИМ ВА МАЛАКАНИ ОШИРИШ ЛОЙИҲАНИНГ АСОСИЙ ЭЪТИБОРИДА

Бу борада сув хўжалиги ташкилотларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича ўқув курсларини ишлаб чиқиш, тренинглар ташкил этиш, ўқув материалларини тайёрлаш бўйича амалий ишлар олиб борилаёпти.

Албатта, асосий мавзу йўналишлари мақсадли аудиториянинг эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади. Мисол учун, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази ходимлари салоҳиятини ошириш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш, шу жумладан, киберхавфсизлик асослари, Corel Draw каби компьютер дастурлари ҳамда чет тилларини ўргатишга қаратилган машғулотлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш (СРИБ), давлат хусусий шериклик тамойиллари, гендер масалалари юзасидан ҳам тренинглар ташкил этилаёпти.



Сув тежовчи технологиялар (СТТ) бугун Ўзбекистон учун янгилик эмас. Унинг афзалликларини мутахассислар ва кенг оммага тарғибот қилишда лойиҳанинг ҳиссаси катта. Шу мавзудаги семинарлар йилига 2 маротаба – суғориш ва носуғориш мавсумида ўтказиб келинаёпти. Ўтган йилнинг охирида ва жорий йил бошида ташкил этилган семинарларда сув хўжалиги соҳасининг 800 нафарга яқин мутахассиси СРИБнинг турли жиҳатлари бўйича билим ва малакасини оширдилар, 2500 нафардан ортиқ фермер Ўзбекистонда СТТни жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базаси, бунда давлат имтиёзларидан мақсадли фойдаланиш, СТТ тизимларини лойиҳалаш ва монтаж қилиш асослари, шунингдек, СТТ ўрнатилган майдонларда агротехник тадбирларни қўллаш тажрибалари билан танишдилар.

Булardan ташқари, лойиҳа томонидан ишлаб чиқилган сувдан фойдаланишни режалаштириш учун онлайн дастурий таъминот барча ҳудудий сув хўжалиги бошқармаларида ҳамда 156 та туман ирригация бўлимларида жорий қилинди. Ушбу мақсадда иш жойларида сув хўжалиги ташкилотлари тизимининг турли даражаларида сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш учун дастурий таъминотдан фойдаланувчилар билан ўқув ва маслаҳатлар ташкил қилинди.

Лойиҳа томонидан ишлаб чиқилган муҳим маҳсулотлардан яна бири Дренаж ахборот тизим (ДАТ) саналади. Бу мавзуда ҳудудлардаги мелиоратор мутахассислар учун 10 та икки ҳафталик онлайн курслар ташкил этилиб, ДАТ маълумот базасини яратиш ва у билан ишлаш принциплари ҳамда мазкур тизимдан фойдаланишнинг бошқа масалалари бўйича таълим берилди.

Лойиҳа ҳамкорлигида сув хўжалиги ташкилотлари ходимларининг салоҳиятини ошириш бўйича ишлар давом этмоқда.

М.МУХАМЕДОВА.

Яна бир йўналиш аёлларни сув хўжалиги соҳасига жалб этиш, ҳудудлардаги сув хўжалиги ташкилотларида уларнинг сонини кўпайтириш, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш, лидерлик салоҳиятини юксалтиришга қаратилган. Жорий йилнинг май ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида ташкил этилган тренингларда 400 нафардан зиёд хотин-қизлар қамраб олинди.



# САБОТЛИ МЕҲНАТ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Ғалла — халқимиз ризқ-рўзи, фаровонлик омили саналади. Шу боис, ҳар мавсум дон етиштиришда ғалла майдонларини озиклантириш, бу борадаги агротехник тадбирларни кечиктирмай олиб боришга катта эътибор қаратилиб келинади. Айни кунларда Каттақўрғон туманида ҳам барабж бўлиб етиштирилган ғаллани ўриб олишга тайёргарлик бошланган. Ҳозирги ҳолатдан, ҳосил чўғидан тумандаги фермерларнинг кўнгли тўқ.

— 2022 йилги ғалла ҳосили етиштириш ишларимизни экиш тадбирларидан олдин, дастлаб ғалла майдонларини тайёрлашдан бошлаган эдик. Кейинги жараёнларни ҳам барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб бордик, пишиб етилаётган бошоқли донимиздан бугун умидимиз катта, — дейди “Хушнудбек Шавкат фазли даласи” фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Жумаев. —



“Хушнудбек фазли даласи” фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Жумаев.

Дарҳақиқат, эрта баҳордан тумандаги фермерлар ғаллани ўғитлаш, суспензия қилиш, суғориш каби тадбирларни ўз вақтида бажаргани бугун юқори ҳосил

омили бўлиб турибди.

— Хўжалигимизда аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, уруғ ерга қадалгандан бошлаб, агротехник тадбирлар олиб бориш, ғаллани пешма-пеш суғориш ишларини олиб бордик. Бу борада туман ирригация бўлимимиз томонидан ҳудудларда ташкил этилган отрядлар билан сув танқислигини юмшатиш, сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик мақсадида тадбирлар олиб борилди. Бугун барча қилган меҳнатларимиз самараси бўлган ғалламиз авжи яхши. Камида гектарига 60 центнердан ҳосил олишни кўзлаб турибмиз, — дейди “Зулфиқор Ҳасан фазли даласи” фермер хўжалиги раиси Зулфиқор Сатторов.

Шунингдек, тумандаги “Болтабек” фермер хўжалигида ҳам бу йил ҳосил чўғи баланд бўлиб, миришкорлар гектаридан 60-70 центнердан ҳосил олишни кўзлаб туришибди.

Албатта, нон ўзбекнинг дастурхони кўрки бўлгани ҳолда, унинг хомашёси



“Зулфиқор Ҳасан фазли даласи” фермер хўжалиги аъзолари.

ҳисобланган дон етиштириш миришкорларимизнинг ҳар йилги саботли вазифаси бўлиб, унинг мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшаётган бободехқонларимизнинг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эрта ўз самарасини беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади деб умид қилиб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

**ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:**

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Надёжная полимерная продукция от производителя

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

☎ (+998) 94-638-33-33

☎ (+998) 95-142-31-19


☎ (+998) 97-342-50-08

✉ [polimergalantery@mail.ru](mailto:polimergalantery@mail.ru)

🌐 [www.polimergalantery.uz](http://www.polimergalantery.uz)



Гулшан – чаман юртимнинг  
Марду майдони – Сиз.  
“Янги Ўзбекистон” ўғлони,  
Алп қомат Темури – Сиз.  
Фарғонам фидойиси,  
Фарғоний авлоди – Сиз  
Мақтасам арзигулик,  
Деҳқони, фермери – Сиз.



## ФАРҒОНАЛИК ФИДОЙИЛАР

Юрт равнақи, Ватан тараққиёти ҳар бир Ўзбекистонликнинг муқаддас мақсадига айланган. Йилдан-йилга халқимизнинг фаровонлиги ошиб, мамлакатимиз иқтисодиёти юксалмоқда, эришилаётган ютуқлар ҳар бир элдошимизнинг кўксини чексиз ғурур ва ифтихорга тўлдирмоқда. Жумладан, Фарғоналик фидойи фермерлар ҳам азал-азалдан деҳқончилик мактабини яратиб, меҳнатсеварлиги, ақл-идроки билан дунё бозорларига кириб бораётган тадбиркорларга айланмоқда.

Қўштепа туманидаги “Барака” фермер хўжалиги раҳбари Адаҳамжон Аҳмедов ҳам деҳқончиликда катта ютуқларга эришиб туман аҳли орасида обрў-эътибор топаётганлардан. 37 гектар ерга қадалган чигит уруғлари беҳато униб-чиқиб, кундан-кун бўй чўзиб, гуллаш арафасида. 54 гектардаги ғаллазорда бошоқлар тўлиб бориши мўл ҳосилдан дарак бериб турибди.



Сурагдa: (ўнгдан) Қўштепа туманидаги “Барака” фермер хўжалиги раҳбари Адаҳамжон Аҳмедов устозлари Убайдулла Ҳакимов ва Баҳодир Исабоев билан

32 нафар ишчимиз меҳнат дафтарчаси билан таъминланган. Маош ўз вақтида берилади. Бугдойдан ҳам уйларига механизаторларимиз етказиб беришади. Ишчиларни рози қилганлигимиз боис, уларнинг фидойилиги билан ҳар йилги режалар ошиғи билан бажарилади. — дейди фермер. Топаётган даромадларимизни хўжалигимизнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга йўналтиряпмиз.

— Қува туманидаги Гулмирза ота номли фермер хўжалиги раҳбари Музаффаржон Пўлатов эса 3 мингдан зиёд товукларни асраб-авайлаб парваришлаб, элимиз дастурхонининг парҳезбop гўшт билан таъминланишига ҳисса қўшаётган ўз касбининг фидойиларидан, — дея таништиради ушбу туманинг фермерлар ва томорқа ер эгалари кенгашининг раҳбари Хомиджон Усмонов.

— Мамлакатимизда паррандачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди Музаффаржон, — биз бундан хурсандмиз. Инсон соғлиғига кони фойда бўлган жониворларни кўпайтиришда уларга алоҳида эътибор зарур. Миттилигида асраб-авайлаб катта қилиш осон иш эмас. Уларни нотўғри озиклантириш ҳар хил асоратларга сабаб бўлиши мумкин.

Касбига меҳр қўйиш, товукчилик йўналишини танлашда туманнинг ҳурматли бободеҳқони, отажони Ғофиржон Пўлатовнинг панду насиҳатлари асносида бўлганлигини у фахр билан гапирди.

— Келажақдаги режаларингиз?

— Опа, режалар бисёр. Товуклар сонини кўпайтириш, боғ яратиш, даромадларимиз кўпайса, чет элдан насли, зотли моллар олиб келиб, сонини кўпайтириш. Хуллас, кўп тармоқли фермер бўлиш.

— Туманимиздаги “Солоҳиддин имкони” номли фермер хўжалиги фаолияти билан ҳам танишиб кетинг, — дея йўл бошлади ҳамроҳим Хомиджон Усмонов.

Фермер хўжалиги раҳбари Низомиддин Деҳқонов жуда самимий инсон экан. Бизни очиқ чехра билан кутиб олди. Бир пиёла чой устида гурунглашдик.

— Молларимизни тўғри парваришлаганлигимиз боис, бакуват ва соғлом, — дейди Низомиддин. — Уларни вақтида ветеринария кўригидан ўтказамиз, дезинфекцияга эътибор берамиз, зоогиеник талабларга риоя қиламиз, шунинг учун маҳсулдорликка эришмоқдамиз. Қозоғистондан 550 бош олиб келган молларимиз бор. Фермадаги барча моллар бўғозликка ректал текширилади. Қишловдан озғин, чарчаб чиққан молларни концентрат озуқалар билан қўшимча озиклантириш, тривит, тетравит витаминларини инъекция қилишга ҳам аҳамият берамиз. Хуллас, тилсиз жониворларни увол қилишга ҳақимиз йўқ.

— Ишбилармон, меҳнаткаш инсон бир соҳада тўхтаб қолмайди?

— Гапингизга тушундим, 2 гектар иссиқхонамизда бодринг, лимон, помидорларимиз қишин-ёзин кетма-кет пишади, 50 қути асаларилар, 1 гектар майдонда қарам, картошкаларни ҳам бозорларга арзон ва сифатли етказиб берамиз.

Ҳа, Низомиддинни том маънода ҳақиқий кўп тармоқли фермер десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кўзи ёниб турган, қалби пок, самимий Фарғоналик фидойи фермерларга омад, соғлиқ, бахт тилаб хайрлашдик.

# Ватанини сўйган халқмиз биз

*Ватан тушунчасини кенг юрак билан ҳис этиш,  
ғўзаллигидан баҳра олиш нақадар ёқимли.  
Ўзбекистон — бу менинг ифтихорим!*

Қайси вилоятга бормайин, қаҳрамонларимни осон топаман. Бу уларнинг кундан-кун кўпайиб, сонлари ортиб бораётганидан эмасми? Менга анча йиллардан буён таниш, самимий, қачон борсам, эъзозлайдиган Хоразм вилоятининг очиқкўнгил, тўғрисиўз одамларини кўрганимда, илҳом жўш уриб, ёзгим, мақтагим келади. Мен ушбу вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутасаддилари билан маслаҳатлашиб, ишини Хонқа туманидан бошладим.

Туманнинг “Ислом-Комил” номли фермер хўжалиги раҳбари Ислом Юсуповнинг иш фаолияти билан танишдим, суҳбатлашдим.

— Фермер зарур иш билан Урганчга кетувди, мен иш юритувчисиман, маълумотларни мендан сўрайверинг, — деди Умидбек.

Баъзан иш юритувчиларни “ҳамма гапни ҳам билмайди, гапирмайди”, дейишади, мен бу гапга қўшилмайман. Дилдан суҳбатлашсангиз, уларнинг жонкуярлиги, омилкорлиги юқори эканлигини билиш қийин эмас. Фермер хўжалигининг ҳамма юмуши масъулияти уларнинг зиммасида.

У хўжалик фаолияти ҳақида куйиниб гапира бошлади:

— 185 бош молимиз бор, 80 боши Украинадан келтирилган. Нозикроқ экан тилсиз жониворлар. Дастлаб чет эл молларини парваришlashда қийналдик. Аммо “Қаловини топсанг, қор ёнар” деганларидай, талабларини обдон тушуниб, масалани ҳал қилдик. Бизга маъқул томони, сут, гўшт маҳсулотлари ўзимизнинг маҳаллий молларга нисбатан анча юқори, даромадли.

Ҳа, куйиниб гапираётган Умидбекнинг гаплари айна ҳақиқат экан. Моллар учун ем-хашак етарли, турар жойлари пухта қилиб қурилган. Фермернинг сутни қайта ишлаш цехи мавжуд бўлиб, 10 хил маҳсулот сифатли, тоза, бежирим қадоқларда, эл талаб-эҳтиёжи асосида тарқатилади. 3,5 гектар боғдаги мевалар ҳосили ҳам чакки эмас.

Шовот туманидаги “Умида” номли фермер хўжалигининг раҳбари Райимбой Оллонов билан суҳбатлашган одамнинг



**Сурада: (чапдан) Шовот тумани қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассиси Расул Янгибоев ва “Умида” номли фермер хўжалигининг раҳбари Райимбой Оллонов**



**Сурада: Ҳазорасп туманидаги “Сотволди Кулол” номли фермер хўжалиги раҳбари Зойирбек Сотволдиев**

у билан узоқ гаплашгиси келади. Сабаби уни “бир қоп ёнғоқ” дейишади, ҳамма гапларини қулдириб, ҳазил аралаш, очилиб гаплашар экан.

— Фаолиятингиз ҳақида ҳам гапиринг, — дейман тўхтамай, бир гапириб, ўн кулаётган қаҳрамонимга.

— Айтсам, ишонармикансиз? Мен кўп тармоқли фермерман. 330 бош Германиядан келтирилган молларимиз бор. 300 гектар пахта, 330 гектар ғалла майдонидан қойиллатиб ҳосил оламиз. 30 гектар майдонга турли хил мевалар экиб, боғ яратиб қўйибмиз, — дейди Хоразмча ғўзал шевада Райимбой ака. — Парваришлайётган бу боғдан ҳам каттагина даромад топамиз. Иккита ўғлим — икки қанотим. Маҳмуджон иш юритувчи, Муроджон дала назоратчиси.

— Кези келганда шуни айтишни жоиз деб ўйлайман, яъни менга катта майдонни ишониб топширган туман раҳбариятига раҳмат демоқчиман.

— Мулқдорсиз, даромадингиз ўзингизники...?

— Тушундим. Оиладан ортганидан ҳомийликлар қилиб тураимиз. Ватанни севсанг, халқини ҳам эъзозла!

Мана сизга ҳақиқий фермернинг виждон амри.

Ҳазорасп туманининг ўзига яраша салоҳияти, обрў-эътибори юсак эканлигини билмаган одам бўлмаса керак. Доно халқ ҳар ишга қодир. Бозори етти иқлимга маълум десак, хато бўлмас. Фермерлари ҳам меҳнаткаш, ваъда бердими, ишини қойиллатиб бажаради.

Ушбу туманнинг “Сотволди Кулол” номли фермер хўжалиги раҳбари Зойирбек Сотволдиев ёш, бироқ ишчан, удабурро йигитлардан. 70 гектар ерга экилган чигитлар бир текис униб чиқибди. Вақтида далага берилган ишлов натижасида кундан-кун ғўзалар бўй чўзмоқда.

— Худо насиб қилса, гектаридан 40 центнер ҳосил олмақчимиз, — дейди фермер. — 49 гектар майдондаги буғдойдан 60 центнердан хирмон кўтарамиз. 12 гектар майдонда янги боғ ташкил этилган бўлиб, барчаси ниҳолдан дарахтга айланиб, ўрик, олма, олхўри, гилослар мева тугишга улгурган. 20 нафар ишчиларимиз бор, уларга меҳнат дафтарчаси очганмиз. Маошлари ўз вақтида бериб борилади.

Хоразмлик фермерлар ҳузуридан кўтаринки кайфиятда қайтдик.

Қўш саҳифани журналист  
Раъно ТОЖАЛИЕВА тайёрлади.



## Имтиёзлар — тараққиётга замин

Бугун мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, аграр соҳани, шу жумладан, чорвачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинаётган Дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги хўжалик юритувчи субъектлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилаётир.



Ҳукуматимиз томонидан фермерларга қаратилаётган катта эътибор, яратилаётган кенг имкониятлар юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтирмоқда. Албатта, фермерларимизга тақдим этилаётган имкониятлар ҳақида гап бораркан, бу борада, Президентимиз томонидан 2021 йил 3 март куни «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида тақдим этилган имтиёзлар ҳақида сўзламай иложимиз йўқ.

— Президентимизнинг қарорига асосан, 2021 йил 1 июлдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган хўжаликларга субсидиялар ажратилиши, бунда чорвачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларида етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўмдан тўланиши ва бошқа имтиёзлар биз фермерларга катта имкон яратди, — дейди Самарқанд туманидаги «Чорва сут сервис» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад

Гулямов.

Айни кунларда «Чорва сут сервис» фермер хўжалигида хориждан келтирилган 220 бош насли қорамоллар парваришланмоқда ва улардан кунига 2 минг, 500 литр сут соғиб олинмоқда. Фермер хўжалиги аъзолари яқин кунларда сутни қайта ишлаш мини-заводини ишга туширишни мўлжаллаётган экан.

— Лойиҳа ишга тушса, кунига 10 тоннадан ошқ сут ишлаб чиқариш имконига эга бўламиз, ундан ташқари, 20 та янги иш ўринлари яратмоқчимиз, — дейди, Аҳмад Гулямов. — Албатта, истиқлол сабаб, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг, фермерликнинг бу каби ривожини натижасида, чорвачиликда катта ютуқларга эришиляпти. Бу каби хайрли ишлар замирида эса, аввало мулкдорлар, қолаверса халқ манфаати, юрт ободлиги мужассам.

**Суратда:** «Чордара агротехсервис» агрофирмаси раиси Шерзод Улуғов фермер Аҳмад Гулямов билан.

**Ўз мухбиримиз.**

## ТОҒДАГИ ҚИШЛОҚҚА СУВ КЕЛДИ

Энди Шаҳрисабз туманидаги тоғли «Ҳисорак», «Сайёд», «Ғилон» ва «Сарчашма» маҳалларидаги жами 3200 гектар лалми ер майдонларида картошка етиштириш имкони бор. Қиймати 60 млрд сўм бўлган лойиҳа доирасида ҳудуддаги Тамшуш дюкерининг 6,5 км қисми таъмирланиб, 20,2 км масофага қувурлар ўрнатилди ҳамда ишга туширилди.



Бу ерда картошкачилик тўлиқ ишга туширилгач, вилоят аҳолисининг картошкага бўлган 173 минг тонна йиллик талабининг 96 минг тоннаси эндиликда Шаҳрисабз туманида етиштирилади. Шунингдек, 3200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, натижада ҳудудда аҳоли ўзини ўзи бандлигини таъминлашга эришилади.

**Аму-Қашқадарё ИТХБ матбуот хизмати.**

# “КУМУШ ТОЛА” МЎЛ БЎЛГАН ЙИЛ

**К**ишлоқ хўжалигида йилнинг дастлабки ҳосили соҳадаги энг сердаромад тармоқлардан ҳисобланган пиллачиликдан олинади. Демак, ушбу тармоқда эришилган муваффақият соҳадаги кейинги эришиладиган ютуқларга ҳам замин ҳозирлайди. Бу йилги пилла мавсумида ҳам жойларда соҳани янада ривожлантиришга қаратилган чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Ипакчиликда ҳам иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кўпайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда Бухоро вилоятидаги “Ғиждувон ипаг тола” МЧЖ аъзолари 474 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етиштиришди. Мавсум бошида туман бўйича фермер хўжаликларидаги оилавий пудратчиларга тарқатилган 8 минг 700 қути ипак қурти обитобида парваришланиб, мўл ҳосил олиншида омил бўлди.



Шофирконлик пиллакорлар ҳам жорий йилда 3 минг 524 қути ипак қуртини 1 минг 658 та оилавий касаначилар хонадонларида парваришлаб, 202 тонналик режани ортиғи билан уддалади. Айниқса, “кумуш тола” етиштиришда тумандаги тажрибали пиллакорлардан Мардон Шомуродов, Наргиза Темирова, Мухаррам Каримовалар астойдил меҳнат қилиб, туман хирмонига ўз улушини қўшишди.

Албатта, пиллачиликда ҳосилнинг мўл бўлиши бевосита озуқа базасининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Шу боис, “Ғиждувон ипаг тола” МЧЖ томонидан ҳар иккала туманда ипак қурти озукасининг асосий манбаи ҳисобланган тутчиликни ривожлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йил жами 780 минг донга тут кўчати ўтказилиб, тутзорлар, бўш ётган ерлар эвазига 50 гектардан ортиқ майдонга кенгайтирилди. Албатта, бу каби ишлар келажакда «кумуш тола»нинг сифатли ва мўл бўлишига замин яратади.



Маълумки, пиллани етиштириб, хомашё ҳолида сотиш эмас, балки қайта ишлаб калава қилингани кўпроқ фойда келтиради. Адрас, атлас каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эса моддий манфаатдорликни янада оширади. Шу мақсадда пиллани кластер усулида етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, вилоятнинг Ғиждувон ва Шофиркон туманларида бу вазифани ҳамда пилла етиштирувчиларга хизмат кўрсатишни, хомашё қабул қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган “Ғиждувон ипаг тола” МЧЖ корхонаси ўз зиммасига олган. Топширилган жами маҳсулот ушбу ташкилотга қарашли йигирув цехида қайта ишланиб, харидорларга тайёр ҳолатда етказиб берилади.

Шухрат НОРМУРОВОВ,  
ўз мухбиримиз.





# ЧОРВАЧИЛИККА

## ЭЪТИБОР ОШДИ

**Р**еспубликаимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачилик йилдан-йилга ривожланиш сари қадам ташлаётган эътибор марказидаги соҳалардан ҳисобланади. Соҳа чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, қорамолларни боқиш ва зотдор, фойдали наслларни кўпайтириш билан шуғулланади.

Аҳолини от, туя, хўкиз... каби иш ҳайвонлари билан таъминлашда, озиқ-овқат саноатини сут, қатиқ, гўшт, ёғ, тухум маҳсулотлари билан, енгил саноатни жун, тери, мўйна хомашёлари билан, деҳқончиликни маҳаллий, органик ўғитлар билан таъминлашда кенг ўрин тутарди. Турли хил дармондорилар ишлаб чиқаришда ҳам керакли тармоқ ҳисобланади.

Дунёда рўй бераётган иқтисодий танглик, сиёсий вазият ва қатор чекловлар жорий этилаётган бугунги даврда мамлакатимизда озиқ-овқат саноатининг хавфсизлиги ва барқарор нархларнинг таъминланиши юзасидан республикаимизда қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан, жорий йилда аҳолига чорва маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, ички бозорга чиқадиган маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш ва сифатини янада яхшилаш учун мақсадли вазифалар амалга оширилди. Маълумки, чорва боқиш учун асосан қорамолларга керакли озуқа экинлари экиб етиштирилади. Кейинги йилларда озуқа нархларининг ошиши ҳисобига гўштниң ўртача нархи 100-110 минг сўмга, сут 10-12 минг сўмга етиш эҳтимоли бор. Ахир, бугунги кунда бир дона беда прессинг нархи 35 минг, силос 600 минг, буғдой 4000, маккажўхори 4,2 минг сўмга баҳоланмоқда. Бу ўтган йилларга нисбатан жуда катта нархга кўтарилганини белгилайди.

Республикаимизда истиқомат қилаётган 35 миллион аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондиришнинг ўзи бўлмайди. 2021 йилда умумий қиймати 150 трлн. 441 млрд. сўмлик чорва маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Гўшт тирик вазнда 97,7 трлн. сўм, сут 42 трлн. сўм, тухум 6 трлн. сўм, балиқ етиштириш 4 трлн. сўм, асал етиштириш 840 трлн. сўмни ташкил этмоқда.

Республикаимизда чорвачилик хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, улар томонидан етиштирилган ва реализация қилинган маҳсулотларга субсидиялар ажратилиши ва қўшилган қиймат солиғидан имтиёзлар берилиши ўз самарасини кўрсатмоқда. Шу каби сўнгги икки йил ичида 2 минг 300 та чорвачилик йўналишидаги корхоналар ишга туширилди. Хўжаликлар кесимида чорва моллари бош сони икки баробар ошди. Яъни 500

мингдан 1 100 бошга етди. Натижада гўшт, сут ишлаб чиқариш 60-70 фоизга ўсди.

Сўнгги йилларда соҳада қиймати 15 трлн. сўмлик 4 300 та лойиҳалар амалга оширилиб, 680 мингдан доимий ва мавсумий зиёд иш ўринлари яратилди. Қорамолчилиқ йўналишида 2 380 та янги хўжаликлар ташкил қилинди.

Республикаимизда бугунги кунда 7 614 та чорва хўжаликлари фаолият олиб бормоқда. Шу каби ҳар бир туманда 300-500 бошли жами 608 та йирик чорвачилик хўжаликлари фаолиятлари йўлга қўйилган. Уларда йилига қўшимча 96 минг тонна тирик вазнда гўшт, 600 минг тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда чорвачилик соҳасини илк бора давлат томонидан қўллаб-қувватлаб, 2021 йилда 128 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратиб берилди. Бу билан ишимизда яна силжиш, ривожланишга йўл очилди. Жумладан, насли қорамол экспорти учун 35,5 млрд. сўм, қўй-эчки учун 6,4 млрд. сўм, ички хўжаликларда етиштириб сотилган қорамоллар учун 2,9 млрд. сўм, гўшт учун 3,8 млрд. сўм, насли жўжа учун 19 млрд. сўм, сут учун 8,8 млрд. сўм, тухум учун 27,8 млрд. сўм, парранда гўшти учун 14,5 млрд. сўм, балиқ учун 8,5 млрд. сўм миқдорида субсидиялар ажратилди.

Зеро, мамлакатимиз раҳбарининг олиб бораётган доно сиёсати бугунги вазиятнинг яхшиланиши, халқимизнинг янада фаровон ва тўкин яшаши учундир. Республикаимизда фаолият юритаётган ҳар бир чорвадор ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиб, янгиликларни иш фаолиятида жорий қилгани ҳолда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш йўлида қадам ташлапти. Эзгу мақсадлар ривож эса ёрқин ва нурли келажак сари бошловчи аслиятимиздир. Халқимизнинг фаровонлиги, соғлом ва тўқис ҳаётини таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган чорвадорларимиз ўзларига берилган ишонч-ни оқлаш учун фидойи меҳнат қилмоқдалар.

Матякуб МАТЯҚУБОВ,  
«Ўзбекчорванасл» агентлигининг  
чорвачиликни ривожлантириш  
бошқармаси бошлиғи.

# ҚЎШҚЎПИР ПИЛЛАСИ УЧУН

Буюк ипак йўллари. Ҳар йилги ипак мавсумида шу сўз ҳақида ўйлаб қоламан. Зеро, ипак йўлларида юрган илк карвонлар илк ипак маҳсулотларини ташиган. Ипак сўзи билан карвон сўзининг уйғун келишидан тасаввуримиз ёрқинлашади. Бу олис йўللари ёрқин айлаган ўзбегимнинг ипак тола етиштирувчи аҳли соҳанинг қийинчиликлари, янгиликлари, имкониятлари билан бирга қадам ташламоқда.



Суратда: Гулнора она  
Мадраҳимова

Хоразм вилоятидаги “Қўшқўпир агро пилла” МЧЖ раҳбари Музаффар Ражабов жамоаси ипакчи-касаначилар ишини намунали ташкил қилган. Унинг ёнида 15 нафар ишчи-ходим ўз вазифасига эътибор билан ёндашади. Туманда 1359 нафар пиллачи-касаначи меҳнат қилмоқда. Улар бугунги пиллачиларга берилаётган эътибордан мамнун.

Санжарбек Ражабов 10 йилдирки, “Янгилик” қишлоғида ҳудуд ҳосилоти вазифасида ишлаб келмоқда. Бу ҳудудда 10 фермер хўжалик ва яна 87 нафар касаначи пиллакор бор. 4041 қути “Шандон” навли ипак қурти боқилмоқда, белгиланган режа 230 тоннани ташкил қилади. Қўшқўпирлик пиллакорлар “Хива Силк Фабрик” кластер ташкилоти билан тузилган шартномага кўра 230 тонна ипак тола етиштириб бериш учун меҳнат қилмоқдалар.

Ҳудуддаги бир уй олдига келиб тўхтадик. Изимизча яна бир машинада келиб тушган Ўзбекистон Ипак саноат уюшмаси вазирининг ўринбосари Хамид Очилов ва “Хоразм вилоят агро пилла” МЧЖ раҳбари Отахон Оллабергеновлар билан биргаликда 78 ёшли отахон Бахтиёр Абдуллаев қарамоғидаги узун ва кенг бинога жойлаштирилган ипак қурти боқиш циклини кўздан кечирдик.

— 70 йилдан бери пилла қурти

боқаман, негаки, ота-онамга 8 ёшимдан бошлаб ипак етиштиришда қарашиб келганман, — дейди ота мамнуният билан.

У 4 қути ипак қуртини парваришламоқда. Меҳмонлар бу ердаги ишлар маромидан хурсанд бўлдилар.

Касаначи-пиллачи Гавҳар Бекчанова 40 йилдирки, пилла етиштиради. Турмуш ўртоғи Раҳимберган Қурбонов, келини Соҳиба Исмоиловалар пилла мавсумида унга ёрдам берадилар. 2 қути ипак қуртидан 150 кгдан ипак тола етиштириш учун меҳнат қилмоқда. Муниса аёл қарамоғидаги ипакка айланаётган мўъжизага кўз ташладик.



Суратда: касаначи-пиллачи  
Гавҳар Бекчанова

Гулнора она Мадраҳимова эса, пиллалар билан гўё суҳбатлашаётгандай эди, наза-

римда. У ўтирган холда пилла салмоғини кўраётган эди. Онахон 0,8 қути ипак қуртидан 50 кг пилла топширмоқни ният қилган.

Шу каби Лайло Авезова ҳам 1,3 қутидан 70 кг. Пилла етиштиришни режа қилмоқда. Пиллакорларнинг ҳар бири ўз ишига пухта, эътиборли.

— Илғор пиллакорларимиздан Бахтиёр Абдуллаев, Муқаддас Олланиёзова, Рисолат Султонова, Гулнора Матяқубова, Муяссар Абдаловалар хонадонларида ҳам ишлар кўнгилдагидай, — дейди Музаффар Ражабов.

Меҳр билан қилинаётган ишда, албатта, натижалар яхши бўлади. Раҳбарларнинг эътибори пиллачиларни қувонтирди. Улар пиллакорларимизга пилла боқишдаги муайян тажрибалардан келиб чиқиб, жўяли маслаҳатлар бериб, муваффақиятлар тиладилар.

Кўрдикки, бу йўллар улғўйди. Машаққати бор, муваффақияти бор. Буюк ипак йўллари бўйлаб яна ипак карвонлари йўл олади. Энди бу пиллалар кластерларда қайта ишланиб, янги маҳсулотларга айланган. Улар имконият ва изланишлар замирида республикамизнинг янада юксалишига ҳисса бўлиб қўшилади.

**Шукуржон ЖАББАРОВА,**  
ўз муҳбиримиз.



# АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ ЗАРУР ШАРТИ



**Президентимизнинг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб номланган жорий йилда амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.**

Ушбу ҳужжатлардаги устувор йўналишлардан бири — мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришдан иборатдир. Бу йўналишда белгиланган вазифалар қаторида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга кенг эътибор қаратилган.

Ўз навбатида, Президентимизнинг 2022 йил 29 январда қабул қилинган «Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида бу борада белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида дастлабки энг муҳим қадам бўлди.

Қарорда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат билан муносабатларда ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Бунда маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этувчи бир қатор амалий вазифалар белгиланган.

Жумладан, маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлашдир. Шу билан бирга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш судлардан улкан талабчанлик ва масъулиятни тақозо этади.

Қарорда илк бор судлар фаолиятини «ягона дарча», «суднинг фаол иштироки» тамойиллари асосида ташкил этиш ғоялари илгари сурилгани ғоятда муҳимдир.

Судлар фаолиятининг ушбу тамойиллар асосида ташкил этилиши фуқаролар ва юридик шахсларнинг одил судловга эришиш даражаси ошишига олиб келади.

Хусусан, судлар фаолияти «ягона дарча» тамойили асосида ташкил этилиши туфайли аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъий назар, қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш имконияти яратилади.

Бу, ўз навбатида, судга мурожаат қилувчиларнинг ортиқча оворагарчиликлари барҳам топишига, судлар ўртасида тааллуқлилиқ масаласида вужудга келиши мумкин бўлган баҳсли ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, судлар фаолияти «суднинг фаол иштироки» тамойили асосида ташкил этилиши судлар зиммасига низони фақатгина тарафлар томонидан тақдим этилган далиллар билан кифояланган ҳолда эмас, балки ишнинг ҳақиқий

ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далиллар йиғиш мажбуриятини юклайди.

Бунинг натижасида низоларни тўғри, ўз вақтида ва қонуний ҳал этиш имкониятлари ошади. Бу эса, суд томонидан қабул қилинадиган қарор сифатига таъсир қиладиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда суднинг ишдаги ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш учун ўз ташаббусига кўра, далиллар йиғиш мажбуриятини назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас.

Мансабдор шахслар томонидан суд қарорларининг вақтида ижро этилмаганлиги учун уларга нисбатан суд томонидан жарима қўллаш ҳуқуқи назарда тутилган. Бу эса, суднинг фаол иштироки суд қарори ижро этилиши жараёнида ҳам намоён бўлишидан далолат беради.

Қарорда назарда тутилган яна бир муҳим таклифлардан бири — бу маъмурий суд иш юритувида ярашув институтини жорий қилиш ҳақидаги таклифдир. Бу тарафларга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича келишув битими тузиш имконини беради.

Натижада, низо тинч йўл билан ва узил-кесил ҳал этилади. Айрим ҳолларда келишув битими низоларнинг узоқ вақт давом этишининг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган мазкур қарорда билдирилган таклифлар ва белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, келгусида қонунларни изчил такомиллаштириш талаб этилади.

Шу негизда судлар фаолияти «ягона дарча», «суднинг фаол иштироки» тамойиллари асосида ташкил этилиши одил судловга эришиш даражаси ва имкониятларини оширади. Судлар фаолияти очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, суднинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган бу таклиф ва вазифалар амалиётга жорий этилиши судлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу билан бирга, суд ҳокимиятига бўлган ишонч ошишига, суд қарорлари сифати яхшиланишига, уларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга эришиш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

**Нодирбек САНГИРОВ,**

*Сирдарё туманлараро иқтисодий суди судьяси.*

# АҲОЛИНИНГ ИШСИЗ ҚАТЛАМЛАРИНИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ БИЛАН БАНД ҚИЛИШ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ

**Ҳозирда дунёда давом этаётган пандемия туфайли жаҳон иқтисодиёти ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар кўрмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, карантин шароитида дунё бўйича 500 миллиондан ортиқ иш ўрни йўқотилган. Бундай вазиятда ҳар бир давлат аграр тармоқдаги мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробарга кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иш ўринлари яратиш муҳим ҳисобланади.**



Президенти миз Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20-сон қарори аҳолининг ишсиз қатламини деҳқон хўжалиги билан банд қилиш борасидаги муҳим ислохотлар давомини таъминламоқда.

Айни пайтда республикаимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 2016 йилдан 2021 йилга қадар қарийб 2 баробарга ошган. Шу билан бирга, пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда қўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инobatга олиш тақозо этилмоқда.

Ушбу қарорга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият яратилади. Бунда аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга қўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни йўлга қўйиш мумкин.

Қарор асосида ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш эмас, балки деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун 10 йил муддатга ижарага

бериш тартиби жорий қилинади. Бунда аҳолининг яшаш жойидан узоқда жойлашган бўш турган ёки захирадаги ер участкаларида ишсиз, даромадга эга бўлмаган фуқаролар деҳқон хўжалиги юритиш учун дуч келадиган қийинчиликларни бартараф қилишга алоҳида эътибор берилади. Бунда аввало ишсиз, қўшимча даромадга эга бўлмаган фуқаролар харажат қилмаслиги учун аҳоли яшаш жойига яқин жойлашган, сўғориш учун қулай бўлган, бўш турган ёки захирадаги ер участкаларидан танланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, ҳудудлардаги мавжуд агросаноат кластерлари “Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамиятлари, ҳудуддаги экспортёр корхоналар ўз манфаатдорлигида ишсиз фуқароларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ўргатади. Сўнгра ажратилган ер майдонларидан самарали ва мақсадли фойдаланишга амалий ёрдам беради ва етиштирилган маҳсулотларни ўзаро келишилган нархларда харид қилиши кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрда “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 709-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра аҳолининг ишсиз қатламини деҳқон хўжалиги билан банд қилиш жараёнини шаффофлигини таъминлаш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш, уларни ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш “Е-IJARA” ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгиланди. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан, деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини “Е-AUKSION” электрон савдо платформасида очиқ электрон танлов ўтказиш орқали ижарага бериш тизими мамлакатимизда амалга оширилаётган очиқлик сиёсатида ҳамохандир.

Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулккий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулккий ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш “Е-IJARA” ва “Е-AUKSION” электрон платформаларини ташкил қилинишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танлов орқали ижарага беришда ўз томорқасида мева-сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини етиштириш ва узумчиликда яхши натижаларга эришган, ушбу соҳалардан бирида таянч мутахассисликка эга бўлган фуқароларга, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга ҳамда хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларига алоҳида устуворлик берилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бу каби ислохотларда биринчи навбатда инсон ва унинг манфаатлари ҳамда инсон қадрини улуғлашга бўлган муносабатлар мужассамдир.

**Қосим ХУСАНОВ,**

Оқ олтин туманлараро иқтисодий суди девонхона мудири.



## КЕНДЫРЬ КРАСНЫЙ – ПЕРСПЕКТИВНОЕ РАСТЕНИЕ ДИКОЙ ФЛОРЫ ПРИАРАЛЬЯ

*Неблагоприятная экологическая ситуация возникшая в регионе Приаралья в результате усыхания Аральского моря выдвигает большие задачи по решению экологических, экономических и социальных проблем населения.*



В этой связи требуется проведение диверсификации сельскохозяйственной отрасли путём пополнения существующей линейки традиционно выращиваемых растений новыми, за счёт интродукции из других регионов, использования нетрадиционных культур, а также использования резервов эндемичной местной флоры, имеющих хозяйственную ценность.

Во флоре Приаралья произрастает большое количество видов растений, имеющих перспективы для производства продовольствия, кормов, лекарств, ценных волокон и т.д. Одним из таких перспективных растений является Кутра, Пуховик или Кендырь красный (*Arosunum scabrum*).

Кутра относится к семейству Кутровые (*Arosunaceae*). В литературе описываются 9 разновидностей вида *A. venetum*. Из данного вида выделяются три географические расы: Амударьинский (шершавый – *A. scabrum*), северо-восточный (ланцето-листный *A. lancifolium*) и кавказский (широколистный *A. sibiricum*). В регионе Приаралья произрастает Амударьинская географическая раса (*A. scabrum*), которая обладает наиболее ценным волокном. Данная раса в результате длительного произрастания в резко континентальном пустынном климате выработала большую стойкость, сопротивляемость неблагоприятным внешним условиям, особенно в отношении крайне низкой относительной влажности воздуха. Кутра обладая мощной корневой системой, может использовать почвенную влагу из глубоких слоёв (1.5-2 м и глубже). Продолжительность жизни кутры составляет до 50-60 лет, экономически целесообразным по разным сведениям считается использование промысловых плантаций в течении 15 лет, что требует дополнительных исследований. Размножается растение как семенами, так и вегетативно, корневыми и стеблевыми черенками. Ещё одним преимуществом кутры является, то что, начиная с третьего года жизни растение не нуждается в поливах.

Кутра обладает весьма ценными технологическими и химическими свойствами. В стеблях имеется лубоволокнистая ткань со значительным содержанием волокна высокого качества. Волокно кутры в отличие от волокна льна, конопли, кенафа, джута, канатника обладает очень большой крепостью и высокой стойкостью против гниения, что позволяет изготавливать из него прочные и долговечные изделия. Волокно легко распадается на элементарные волокна – катонизируется, в связи с чем облегчается процесс его обработки.

В листьях содержится каучук, стебель богат дубильными

веществами и смолами. В волокне и семенных летучках имеется чистая целлюлоза.

Опыты получения волокна из дикорастущей кутры, проводившиеся научными учреждениями в середине прошлого столетия дали вполне удовлетворительные результаты, однако в дальнейшем в производственных условиях работы не получили должного развития.

Исследования проведённые Саксонским научно-исследовательским институтом (Хеймниц, Германия) в 2019 году показывают, что из стеблей можно получать очень тонкое и прочное волокно, сопоставимое с хлопковым и лучшими образцами льняного волокна (3,39 dtex) и производить смешанную пряжу Nm 34 Nm 50.

После приобретения независимости Республики Узбекистан, были налажены научные и деловые связи со многими зарубежными странами. В настоящее время к волокну кендыря проявляют большой интерес научные учреждения и предприниматели Германии. В рамках CLIENT II по реализации проекта по рекультивации земель, с использованием адаптированного сырья красного кендыря в декабре 2021 года подписан трёхсторонний меморандум о намерениях между Региональным управлением инновационного развития Республики Каракалпакстан, Международным инновационным центром Приаралья (IICAS) при Президенте Республики Узбекистан и Некоммерческим союзом Заксен – Ляйнен, земля Саксония, Германия.

В целях реализации сотрудничества в этом году на опытно-экспериментальном участке IICAS «Саманбай» лабораторией диверсификации культур начаты исследования по разработке агротехнологии возделывания данного растения с изучением различных способов размножения, норм поливов и удобрений, получены всходы и проводятся запланированные учёты и наблюдения. По результатам исследований будут разработаны соответствующие рекомендации по производству и выращиванию.

Учитывая наличие в регионе Приаралья, в том числе в Республике Каракалпакстан значительных площадей с низкой обеспеченностью поливной водой и деградированными почвами, внедрение в севооборот этой ценной культуры позволит рационально использовать земельные и водные ресурсы, производить экспортноориентированную продукцию, развивать мощности по переработке сырья.

**Парахат ТОРЕШОВ, к.с/х.н.,**  
зав.лабораторией диверсификации культур IICAS.

### ЛИТЕРАТУРА

1. Авиром С.М., Берлянд С.С., Валько Н.С. и др. Кендырь. — Москва: Госиздат сельхоз литературы, 1950. — Стр 7-10.
2. Дунин-Барковский В.Н. Кендырь и его обработка. — Москва-Ташкент, АО «Средазкнига», 1927. — Стр.18-19.
3. Ina Sigmund. Textile Potential of Kendyr and Hemp Short Fibres. www.stfi.de

## АНДИЖОН-35 ВА ЎЗПИТИ-201 ҒЎЗА НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ ҲАМДА ЧИЛПИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

*Отмечено влияние сортов хлопчатника “Андижан-35” и “УзПИТИ-201”, выращенных при разной толщине всходов, на урожайность в зависимости от сроков прорастания.*

*The influence of cotton varieties Andijan-35 and UzPITI-201, grown at different seedling thicknesses, on the yield depending on the timing of germination was noted.*

1-жадвал

Андижон-35 ғўза навида кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда  
чилпишнинг пахта ҳосилига таъсири, 2019 йил.

| №                            | Вариантлар номи   | Қайтариқлар |      |      | Ўртача<br>ҳосил | Назоратдан<br>фарқи |
|------------------------------|-------------------|-------------|------|------|-----------------|---------------------|
|                              |                   | I           | II   | III  |                 |                     |
| 80-90 минг қўчат қалинлиги   |                   |             |      |      |                 |                     |
| 1                            | 11-12 ҳосил шохда | 38,1        | 37,9 | 37,8 | 37,9            | 0,9                 |
| 2                            | 13-14 ҳосил шохда | 38,1        | 38,2 | 39,0 | 38,4            | 1,4                 |
| 3                            | 15-16 ҳосил шохда | 40,0        | 39,2 | 39,3 | 39,5            | 2,5                 |
| 4                            | Чилпилмағанда     | 36,8        | 37,1 | 37,0 | 37,0            |                     |
| 100-110 минг қўчат қалинлиги |                   |             |      |      |                 |                     |
| 5                            | 11-12 ҳосил шохда | 39,1        | 39,3 | 39,1 | 39,2            | 3,9                 |
| 6                            | 13-14 ҳосил шохда | 40,6        | 41,3 | 40,2 | 40,7            | 5,4                 |
| 7                            | 15-16 ҳосил шохда | 38,3        | 38,8 | 38,0 | 38,4            | 3,1                 |
| 8                            | Чилпилмағанда     | 35,3        | 34,9 | 35,7 | 35,3            |                     |
| 120-130 минг қўчат қалинлиги |                   |             |      |      |                 |                     |
| 9                            | 11-12 ҳосил шохда | 38,3        | 39,1 | 37,8 | 38,4            | 3,1                 |
| 10                           | 13-14 ҳосил шохда | 39,2        | 38,5 | 39,0 | 38,9            | 3,6                 |
| 11                           | 15-16 ҳосил шохда | 37,3        | 36,9 | 37,0 | 37,1            | 1,8                 |
| 12                           | Чилпилмағанда     | 34,8        | 35,0 | 36,1 | 35,3            |                     |

HCP<sub>05</sub>=0,43; Sx=2,0%

2-жадвал.

ЎзПИТИ-201 ғўза навида кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда  
чилпишнинг пахта ҳосилига таъсири, 2019 йил.

| №                            | Вариантлар номи   | Қайтариқлар |      |      | Ўртача<br>ҳосил | Назоратдан<br>фарқи |
|------------------------------|-------------------|-------------|------|------|-----------------|---------------------|
|                              |                   | I           | II   | III  |                 |                     |
| 80-90 минг кўчат қалинлиги   |                   |             |      |      |                 |                     |
| 1                            | 11-12 ҳосил шохда | 38,5        | 38,4 | 38,0 | 38,3            | 1,1                 |
| 2                            | 13-14 ҳосил шохда | 40,2        | 40,5 | 39,5 | 40,1            | 2,9                 |
| 3                            | 15-16 ҳосил шохда | 41,1        | 40,7 | 41,1 | 41,0            | 3,8                 |
| 4                            | Чилпилмағанда     | 37,2        | 37   | 37,5 | 37,2            |                     |
| 100-110 минг кўчат қалинлиги |                   |             |      |      |                 |                     |
| 5                            | 11-12 ҳосил шохда | 39,2        | 39,1 | 39,5 | 39,3            | 3,4                 |
| 6                            | 13-14 ҳосил шохда | 41,9        | 41,2 | 41,5 | 41,5            | 5,6                 |
| 7                            | 15-16 ҳосил шохда | 38,0        | 38,4 | 38,1 | 38,2            | 2,3                 |
| 8                            | Чилпилмағанда     | 36,2        | 35,9 | 35,7 | 35,9            |                     |
| 120-130 минг кўчат қалинлиги |                   |             |      |      |                 |                     |
| 9                            | 11-12 ҳосил шохда | 39,3        | 40,1 | 38,3 | 39,2            | 3,7                 |
| 10                           | 13-14 ҳосил шохда | 39,2        | 38,5 | 38,5 | 38,7            | 3,2                 |
| 11                           | 15-16 ҳосил шохда | 37,3        | 38,9 | 38,0 | 38,1            | 2,6                 |
| 12                           | Чилпилмағанда     | 35,1        | 35,8 | 35,5 | 35,5            |                     |

HCP<sub>05</sub>=0,54; Sx=2,6%

Республикамізда пахтачилик соҳасига янада эътибор кучайтирилиб, янги тезпишар ғўза навларини яратиш ва уларнинг мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Яратилган ҳар бир ғўза навининг морфологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ғўзани парваришlashдаги агротадбирларидан мақбул кўчат қалинлиги ва чилпиш муддатларини тўғри белгиланиши натижасида юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади.

Маълумки, ҳар қандай етиштирилаётган экинларнинг асоси юқори ҳосил олиш ҳисобланса, унда бажариладиган ҳар бир агротехник тадбирларнинг асосий вазифаси ҳосилдорликни оширишга ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ғўзани парваришlashда кўчат қалинлиги, яъни яганалаш ва чилпиш агротадбирлари инсон томонидан бажарилиб, улар ўз муддатида олиб борилганда кутиладиган ҳосилдан ортиқроқ ҳосил олишга эришиш мумкин. Айниқса, янги районлашган ва истиқболли ғўза навларида тупроқ иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда мақбул агротехник тадбирлари ишлаб чиқилмаган бўлиб, мақбул чилпиш муддатлари ушбу янги ғўза навларида тўлалигича ўз ечимини топгани йўқ. Шу нуқтаи-назардан изланишларда районлашган ва истиқболли ғўза навларида кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпиш агротадбирларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди.

Ушбу кўчат қалинлигида энг юқори ҳосилдорлик чилпиш 13-14 ҳосил шохда ўтказилган вариантдан олиниб, 38,9 ц/га ни ташкил этганлиги ва бу назоратга нисбатан 3,6 ц/га юқори бўлганлиги билан ажралиб турди.

Андижон вилояти шароитида 2019 йилда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, “Андижон-35” ғўза навини парваришlash, кўчат 80-90 минг туп/га қолдирилган фонда энг юқори ҳосилдорлик 15-16 ҳосил шохда чилпиш ўтказилган вариантдан 39,5 ц/га ҳосил олиниб, чилпилмаган вариантга нисбатан 2,5 ц/га қўшимча ҳосил олинган бўлса, кўчат 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда 13-14 ҳосил шохда чилпиш ўтказилган вариантдан 40,7 ц/га ҳосил олинди ва назоратга нисбатан 5,4 ц/га ошганлиги маълум бўлди. Кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган вариантда чилпиш 11-12 ҳосил шохда ўтказилган вариантдан 38,4 ц/га ҳосил олинганлиги ва бу назоратдан 3,1



ц/га ошганлиги маълум бўлди (1-жадвал).

ЎзПТИ-201 ғўза навида кўчат 80-90 минг туп/га қолдирилиб, парваришланган фонда энг юқори ҳосилдорлик 15-16 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантда 41,0 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 3,8 ц/га кўшимча ҳосил олинган бўлса, кўчат 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантдан 41,5 ц/га олинди ва чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан 5,6 ц/га кўшимча ҳосил олинганлиги аниқланди. Кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган вариантда чилпиш 11-12 ҳосил шохида ўтказилган вариантдан 39,2 ц/га ҳосил олинганлиги ва бу назорат вариантга нисбатан 3,7 ц/га кўп бўлганлиги кузатилди (2-жадвал).

Ғўза навлари ичида ЎзПТИ-201 ғўза навини 100-110 минг туп/га қолдириб, 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда

энг юқори ҳосилдорлик олингани билан ажралиб турди ва Андижон-35 ғўза навида нисбатан ушбу вариантда 0,8 ц/га юқори бўлганлиги кузатилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар иккала ғўза навида кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдириб, 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда энг юқори ҳосилдорлик олинган бўлса, Андижон-35 ғўза навини 120-130 минг туп/га кўчат қолдирилганда 13-14 ҳосил шохида, ЎзПТИ-201 ғўза навини ушбу кўчат қалинлигида парваришланганда 11-12 ҳосил шохида чилпиш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш мумкинлиги кузатилди. Бу ушбу ғўза навларининг ўзига хос морфобиологик жиҳатдан фарқланишидан далолат беради.

**Рустамжон КОМИЛОВ,**

Фарғона политехника институти ассистенти.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ. Тошкент, 2007, 147 б.
2. Юлдашев С.Х., Ибрагимов Г.А., Таиров С.М. «Густота и урожайность хлопчатника». Изд-во «Узбекистан», 1977.
3. Назаров М.К. Урожайность хлопчатника в зависимости от густоты стояния и уровня питания на лугово-сероземных почвах Зарафшанской долины». Автореф. канд. дисс. Ташкент, 1990. 23-стр.
4. Юлдашев С.Х., Камалова М.В. Факторы урожайности хлопчатника». Изд-во «Фан», Ташкент, 1988.

УЎТ: 631.4-631.5

ТАДҚИҚОТ

## КУЗГИ БУҒДОЙДАН ОЛДИН ЭКИЛГАН ЎТМИШДОШ ЭКИНЛАРНИНГ ТУПРОҚ ҲАЖМ САЛМОҒИГА ТАЪСИРИ

*Due to the low soil fertility of the fields of the Republic of Karakalpakstan, measures should be taken to increase soil fertility every year. In order to increase soil fertility, the system of short crop rotation (1: 2) was used in the field experiment with the application of mung bean, sesame and soybean as past crops before winter wheat. According to the data obtained, when cotton and winter wheat were sown as the following ways, it has a positive effect on the volume of cotton sown: cotton: past crop – mung bean + mung bean for green manure + 20 t/ha manure winter wheat: winter wheat.*

Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ерлари шўрланган ва тупроқ унумдорлиги паст бўлиши билан ўзгачаланади. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш минерал ўғитларни юқори меъёрларда қўллаш орқали амалга оширилмоқда. Ҳар йили минерал ўғитларни юқори меъёрларда қўллаш тупроқни экологик ҳолатини бузади, агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларини пасайтиради. Шунинг учун, тупроқ унумдорлигини оширишда экинларни алмашлаб экиш, органик ва сидерат ўғитларни қўллаш, тупроқда илдиз ва анғиз қолдиқларини кўпроқ қолдирадиган экинларни киритиш керак.

Тупроқ унумдорлигини ва кузги буғдой ҳосилдорлигини оширишда кузги буғдойдан олдин ўтмишдош экинлар мош, кунжут, сояни қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида синаб кўриш учун дала тажрибаси Қорақалпоғистон Республикаси Марказий тупроқ-иқлим шароитида (Хўжайли тумани) ўтказилди.

Тажрибада 1-вариант муттасил кузги буғдой, 2-4 вариантларда дон учун мош, кунжут, соя экилиб, кейин кузги буғдой экилди, 5-7 вариантларда мош, кунжут, соя дон учун экилиб, унга кўшимча 10 т/га гўнг берилиб, кейин кузги буғдой, 8 вариантта мош дон учун экилиб, унга кўшимча 20 т/га гўнг берилиб, кейин кузги буғдой ва 9 вариантта мош дон учун экилиб, кейин мош сидерат учун, унга кўшимча 20 т/га гўнг берилиб, кейин кузги буғдой экилди.

Тажрибада кузги буғдойнинг “Краснодарская-99”, мошнинг

“Дурдона”, кунжутнинг “Қаршыға”, соянинг “Орзу” навлари қўлланилди.

Ўтмишдош экинларнинг тупроқ ҳажм салмоғига таъсирини аниқлаш учун тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларидан намуналар баҳорда, ёзда ва вегетация охирида олинди.

Ўтмишдош экинлар 2019 йили баҳорда экилиб, уларни йиғиштириб олгандан кейин кузда кузги буғдой экилди.

2020 йили ўтмишдош экинлардан кейин ҳамма вариантларга кузги буғдой экилди (2019 йил кузда).

Тупроқ ҳажм массаси 0-30 см қатламда баҳорда вариантлар бўйича 1,31-1,36 г/см<sup>3</sup> бўлди. Кузги буғдойдан кейин кузги буғдой экилган назорат вариантыда 1,36 г/см<sup>3</sup>, дон учун мош, кунжут ва соя экилган вариантларда (вар. 2-4) 1,33 г/см<sup>3</sup> ни, ўтмишдош экинлар дон учун экилиб, унга кўшимча 10 т/га гўнг берилиб, кейин кузги буғдой экилганда (вар. 5-7) 1,31-1,32 г/см<sup>3</sup>, ўтмишдош экин сифатида дон учун мош экилиб унга кўшимча 20 т/га гўнг берилиб, кейин кузги буғдой экилганда (вар. 8) 1,31 г/см<sup>3</sup> ва ўтмишдош экин (мош) дон учун экилиб, кейин оралиқ экин сифатида мош экилиб, унга кўшимча 20 т/га гўнг берилиб, кейин кузги буғдой экилганда (вар. 9) 1,31 г/см<sup>3</sup> бўлди. Органик ўғит 10 т/га миқдорда берилганда тупроқ ҳажм салмоғи 1,32 г/см<sup>3</sup> бўлди (вар. 5-7). Органик ўғит миқдори 20 т/га қўлланилганда (вар. 8) ва сидерат ўғит қўлланилганда (вар. 9) тупроқ ҳажм салмоғи 1,31 г/см<sup>3</sup> бўлиб, бу кузги буғдойдан кейин кузги буғдой экилган назорат вариантыдан 0,05 г/см<sup>3</sup> га камдир.

Тупроқ ҳажм салмоғини аниқлашнинг кейинги муддатларида ҳажм салмоғи ортиб бориши кузатилади. Мавсум охирида тупроқ ҳажм салмоғи назорат вариантида 1,46 г/см³ бўлиб, тупроқнинг баҳордан кузгача зичланиши 0,10 г/см³ ни ташкил этди.

Ўтмишдош экинлардан мош, кунжут, соя дон учун экилиб, кейин кузги буғдой экилганда (вар. 2-4) 1,38-1,39 г/см³ бўлди, ёки тупроқнинг зичланиши баҳордан кузгача 0,05-0,06 г/см³ бўлиб, ўтмишдош экинлардан кейин қўшимча 10 т/га гўнг берилиб, кейин кузги буғдой экилганда (вар. 5-7) 1,37-1,38 г/см³ бўлди, ёки тупроқ зичланиши 0,06 г/см³ бўлди.

Ўтмишдош экин сифатида мош дон учун экилиб, унга қўшимча 20 т/га гўнг берилганда (вар. 8) 1,36 г/см³ бўлди, тупроқ зичланиши 0,05 г/см³ ни ташкил этди. Ўтмишдош экин сифатида мош дон учун экилиб, кейин сидерат учун мош экилиб, унга қўшимча 20 т/га гўнг берилиб, кейин кузги буғдой экилганда 1,35 г/см³ бўлди, тупроқ зичланиши 0,04 г/см³ ташкил этди. 20 т/га миқдорида гўнг қўлланилган 8-9 вариантларда тупроқ зичланиши баҳордан кузгача 0,04-0,05 г/см³ ташкил этди, бу назорат вариантыга нисбатан 0,05-0,06 г/см³ га камдир. Демак, шўр тупроқ шароитида тупроқ агрофизикавий хоссаларини яхшилаш учун экинларни қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимига киритиб, кузги буғдой учун ўтмишдош экин сифатида мош, кунжут, ва сояни экиш, унга қўшимча органик ўғит қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:2 тизими, ғўза:ғалла:ғалла, бир йил ғўза экилиб, кейин кузги буғдойдан олдин дон учун мош + сидерат учун мош + 20 т/га гўнг + кузги буғдой экилганда тупроқ агрофизикавий хоссаларининг яхшиланиши таъминланади.

1-жадвал.  
Алмашлаб экиш тизимига киритилган кузги буғдой ва ўтмишдош экинларнинг тупроқ ҳажм салмоғига таъсири, г/см³ 2020 йил

| Вариантлар | Тупроқ қатламлари, см | Ҳажм оғирлиги, г/см³ |      |      | Баҳордан кузгача зичланиши |
|------------|-----------------------|----------------------|------|------|----------------------------|
|            |                       | Баҳор                | Ёз   | Куз  |                            |
| 1          | 0-30                  | 1,36                 | 1,39 | 1,46 | 0,010                      |
|            | 30-50                 | 1,48                 | 1,49 | 1,51 | 0,03                       |
| 2          | 0-30                  | 1,33                 | 1,35 | 1,38 | 0,05                       |
|            | 30-50                 | 1,47                 | 1,48 | 1,49 | 0,02                       |
| 3          | 0-30                  | 1,33                 | 1,36 | 1,39 | 0,06                       |
|            | 30-50                 | 1,48                 | 1,49 | 1,50 | 0,02                       |
| 4          | 0-30                  | 1,33                 | 1,35 | 1,38 | 0,05                       |
|            | 30-50                 | 1,48                 | 1,50 | 1,51 | 0,03                       |
| 5          | 0-30                  | 1,32                 | 1,35 | 1,38 | 0,06                       |
|            | 30-50                 | 1,47                 | 1,49 | 1,50 | 0,03                       |
| 6          | 0-30                  | 1,32                 | 1,34 | 1,37 | 0,06                       |
|            | 30-50                 | 1,47                 | 1,49 | 1,51 | 0,04                       |
| 7          | 0-30                  | 1,32                 | 1,35 | 1,38 | 0,06                       |
|            | 30-50                 | 1,48                 | 1,49 | 1,50 | 0,02                       |
| 8          | 0-30                  | 1,31                 | 1,33 | 1,36 | 0,05                       |
|            | 30-50                 | 1,48                 | 1,49 | 1,51 | 0,03                       |
| 9          | 0-30                  | 1,31                 | 1,32 | 1,35 | 0,04                       |
|            | 30-50                 | 1,47                 | 1,49 | 1,50 | 0,03                       |

Дилфуза ҚУТЛИМУРАТОВА,  
таянч докторант,  
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почвы. – Нукус. – Билим. -2004 й. – 186 б.
2. Халиков Б.М. Намозов Ф.Б. Алмашлаб экишнинг илмий асослари. –Тошкент. -2016 -222 б.
3. Намозов Ф.Б., Иминов А.А. Ғўза, кузги буғдой, такрорий ва оралиқ экинларни навбатлаб етиштиришнинг тупроқ умумдорлигига таъсири. // “Агро илм” журнали. -2016. -№4 (42) –Б. 21-22

UO‘T: 631.362.6

TADQIQOT

## SABZAVOTCHILIKDA QO‘LLANILADIGAN KO‘CHAT O‘TQAZISH MASHINASINING EKISH APPARATINI KONSTRUKTIV TEXNOLOGIK ASOSLASH

*В основу статьи положены устройство рабочей части машины для высадки рассады овощей, расположение рабочих органов и технологические параметры.*

*The article is based on the arrangement of the working part of the machine for planting seedlings of vegetables, the location of the working bodies and technological parameters.*

Hozirgi kunda fermer xo‘jaliklari tomonidan pomidor, baqlajon, karam, bolgar qalampiri mahsulotlarini yetishtirishda, bu sabzavot urug‘larini pamiqda ekishda, nihol yetishtirish, ya‘ni uni ekishdan boshlab to‘ hosilni yig‘ib olguncha o‘tgan davr ichida juda ko‘p murakkab agroteknik va texnologik jarayonlari amalga oshiriladi.

Ko‘chatlab ekiladigan sabzavot ekinlaridan pomidor, baqlajon, karam, bolgar qalampirlarini o‘tqazishdagi agroteknik talablariga mos holda yangi kulachok-mexanizmi ekish apparati konstruksiyasi va uning parametrlarini ko‘rib chiqamiz [1,2].

Bunda kulachok (1-rasm)dan 2 ning turtish balandligi  $h$ , ko‘chat tuplari qadami  $\alpha$  ga teng bo‘lishi zarurligini  $h=\alpha$  inobatga olganda kulachokning aylanishlar chastotasi  $\nu_k$  esa, ko‘chat ekish chastotasi  $\nu_e$  ga teng bo‘lishini ko‘rsatadi, ya‘ni  $\nu_k=\nu_e$ . Bu shartga asosan, kulachok chastotasining mashina tezligi  $\nu_m$  va ekish qadami  $\alpha$  orqali ifodasi:


$$\nu_k = \frac{\nu_t}{0,06 \cdot \alpha}, \text{ min}^{-1} \quad (1)$$



U holda  $v_k$  qiymatini ta'minlovchi mexanizm uzatmalari soni  $N$  ni quyidagicha topish mumkin:

$$N = \frac{0,06 \cdot \alpha \cdot v_{kov}}{v_t} \quad (2)$$

Bu yerda  $v_{kov}$  -traktor (orqa g'ildiragi) ning aylanishlar chas-totasi,  $\text{min}^{-1}$



**1-rasm. Ko'chat ekish mashinasi ishchi seksiyasining kinematik sxemasi**

1-tayanch g'ildirak; 2-ekssentrik kulachok, 3- rolik; 4- cheklagich; 5- prujina; 6- kranshteyn; 7- shtok; 8- lekalo; 9- ekiladigan ko'chat; 10-varonka ushlagich; 11- varonkaning ko'chat chiqish joyi.

Keltirilgan tartib bo'yicha biz taklif etayotgan ko'chat ekish seyalkasi tayanch g'ildiragi parametrini aniqlaymiz, ya'ni bir aylanishda sirpanish koeffitsiyenti ( $\delta$ ) ni hisobga olgan holda bosib o'tadigan yo'li ( $l$ ) uni quyidagi formula yordamida aniqlash mumkin[1,2].

$$l_n = l_o \cdot \mu = \pi \cdot D_k \cdot \left( \frac{v_n - v_h}{v_n} \right); \quad (3)$$

bu yerda:  $l_o = \mu = 2\pi l$ ,  $D_k$  - g'ildirak diametri,  $v_n$  - mashina nazariy tezligi,  $v_n = 0,75 \text{ km/soat}$ ,  $v_h$  - mashinaning haqiqiy tezligi,  $v_h = 0,72 \text{ km/soat}$

Bunda  $l(1_n)$  quyidagiga teng

$$l(1_n) = 2,2 \cdot 0,1 \cdot 3,14 \cdot 0,61 \left( \frac{0,21 - 0,20}{0,21} \right) = 0,047 \text{ m/sek}; \quad (4)$$

Keltirilgan sxemadagi (1-rasm) ishchi organ ishlanmasi ilgari lanma qaytma harakati asoslangan yuqori hosil ekish texnologiyasi talabi bo'yicha 7-12 sm masofada chegaralangan bo'lishi lozim.

Shu maqsadda yaratilgan kulachokli mexanizm qadami quyidagi formula bilan topiladi.

$$l(1 \cdot n) = N \cdot t_{kul},$$

bu yerda:  $N_k$  - kulachokning aylanishlar soni ayl/sek,  $t$  - kulachok qadami, sm

$$\text{bunda } N_k = \frac{l(1-n)}{t_{kul}} \text{ ayl/sek,}$$

$l(1 \cdot n)$  - yuqoridagi hisob-kitobdan olamiz.

Biz kulachok o'lchamini 12-25 sm gacha olishimiz mumkin.

$t_{kul} = 12 \text{ sm}$  bo'lganda

$$N_k(12) = \frac{0,047}{0,12} = 0,39 \text{ ayl/sek}$$

Uzatmalar sonini qo'yidagicha topish mumkin.

$$N = \frac{Z_2}{Z_1} \cdot \frac{Z_3}{Z_2} \cdot \dots \cdot \frac{Z_8}{Z_7} \text{ va hokazo}$$

Ko'chat o'tqazishda shikastlanish darajasini keskin kamaytiradi, ekish sifatini oshiradi, ko'chat tuplari to'raligini va to'liq rivojlanishini saqlab qoladi, hosildorlik va ish unumini oshadi, iqtisodiy tejamkorlik ko'rsatkichlarini salmoqli oshiradi.

**Sherzodxuja MIRZAXODJAYEV,**

*ToshDAU dotsenti,*

**Abdurashid JAXONGIROV,**

*dotsent,*

**Xojimurod SHODIYEV,**

**Abbos MAMASOV,**

*assistentlar,*

*Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti*

#### ADABIYOTLAR

1. Jaxongirov A., Mirzaxodjayev Sh., Ortikov A. Sabzavot ko'chatlarini ekishda innovatsion texnologiya. 29.2016 yil, №11 "O'zbekiston qishloq xo'jaligi" j, 39 b.
2. Mirzaxodjayev Sh.Sh., Shodiyev X.B. Sabzavot mahsulotlarini yetishtirishda ko'chat ekish agregatini asoslash // "Agro protsessing" jurnali, №6 (2020).

**UO'T: 636.09**

**IZLANISH VA SAMARA**

## HAYVONLAR ORASIDA QUTURISH KASALLIGINING KELIB CHIQISHI

*В статье представлена информация о симптомах бешенства, их стадиях, воздействии на собак, методах диагностики и вакцинах, применяемых против вируса во всем мире.*

*The article provides information on the symptoms of rabies, their stages, effects on dogs, diagnostic methods and vaccines used against the virus around the world.*

Hayvonlar orasida quturish kasalligining kelib chiqishi: quturish (lot.-lyssa; ing. RABIES; ruscha-beshenstvo) — o'tkir kechuvchi, o'ta xavfli zooantroponoz infeksiyon kasallik bo'lib, poliensefalomiyeli bilan xarakterlanadi va o'lim bilan yakunlanadi.

Bu virus Rabdovirus oilasi, lissavirus avlodiga mansub RNK li virus bo'lib, o'qsimon shaklda bo'lib, uning uzunligi 180, eni esa 75-nm.

Bu kasallik markaziy nerv tizimida ammon shoxida bosh miya yarim shari po'stlog'ida, miyacha va uzunchoq, orqa miyada

ko'p miqdorda to'planadi, so'lak va ko'z yoshi bilan tashqi muhitga chiqadi. Virusda 2 xil antigen; eruvchi, umumiy S(kapsid nukleoproteini) organizmda compliment bog'lovchi, presipitat hosil qiluvchi va agglutinatsiya qiluvchi antitelolar shakllantiruvchi hamda infeksiyon V-antigen (virus tashqi qobig'i glikoproteidi) virusni neytrallovchi antitelolar hosil qiluvchi mavjud.

Kasallikning yashirin davri bir necha kundan (ko'proq 2-8 hafta) 1 yilgacha va undan oshiqroq vaqtni tashkil etadi. Uning muddati hayvonning turiga, rezistentligiga, yoshiga, virus kirgan joyning

bosh miyaga yaqinligiga, virusning virulentligiga va miqdoriga bog'liq. Quturgan hayvon yetkazgan jarohat chuqur (m: bo'ri tishlaganda) yoki katta va so'laklanish yaxshi bo'lsa ham shu holat kuzatiladi. Kasallikka o'tkir kechish xos. Uning 3 ta shakli mavjud: shiddatli asosan itlarda, falajli va tinch.

Kasallik shiddatli kechganda 3 bosqich kuzatiladi. Boshlang'ich bosqich 12-72 soat davom etadi. Itning xulqi o'zgaradi, ziq, ganggigan, qorong'u joyni izlaydi, ko'p yalanadi. It xomush ko'rinadi, qorong'iroq joyga o'tadi, egasi chaqirsa ham kelmaydi. Virus bilan kasallangan itda virus kirgan joy qichigani uchun ayrim itlar o'sha joyni g'ajib tashlaydi, so'lagi ko'payadi, yutunish qiyinlashadi. Xirillab huradi. Agressivlashadi, uning tovushi o'zgarib, ko'proq uvullaydi. Kasal it qusushi mumkin.

Asabiylashish bosqichi: bezovtalanishdan tajovuz qilishga o'tadi, it hayvonlarga, odamlarga, egasiga ham tashlanadi. Qo'rquv yo'qoladi, hamma narsani tishlayveradi. It bo'g'langan tasmani yoki zanjirni tishlab uzadi. Boylovini uzgach, juda uzoq masofaga qochib ketadi. Odam va hayvonlarga tashlanadi. Tomoq va til falaj bo'lib qolganligi uchun og'izdan juda ko'p so'lak oqadi.

Shu tufayli tovushi hirillab chiqadi, pastki jag'i osilib qoladi. Ko'zlari chaqchayib, ko'z qorachig'ining biri kichraysa, ikkinchisi kattalashadi. Bu holat 2-3 kungacha davom etadi.



1-rasm. Xizmat iti.



2-rasm. Xonaki it.

Falajlik bosqichi: it ozib ketadi, afoniya bo'ladi (tovush yo'qoladi). Boshlab tomoqda, pastki jag'da, keyingi oyoqlarida va so'ngra oldingi oyoqlarida falajlik kuzatiladi. Bu bosqich ham 1-3 kungacha davom etadi. Itlar agar tulkidan zararlangan bo'lsa, kasallik tinch (falaj) shaklda, asabiylashmasdan o'tadi. Undan so'lak oqish qiyinlab yutunish kuzatiladi. Tomoq muskullari falajligi natijasida pastki jag'i osilib qoladi, oyoq, tana muskullarida falajlik belgilari bilan it o'ladi. Tomog'ida biror narsa qolganga o'xshaydi. Itlarda kasallik atipik o'tsa, ularda agressivlik kuzatilmaydi.

Mushuklarda esa kasallik ko'proq holatda agressiv o'tadi. Qoramollarda ko'proq tinch shakl kuzatiladi. Katta qorin atoniyasi, yutunishning qiyinlashuvi, so'lak oqish va oyoqlarda falajlik kuzatiladi. Agressiv shakl bo'lsa, itga tashlanadi. Qo'y-echkilarda ham shu belgilar kuzatiladi. Ular odatda quturgandan 3-4 kundan keyin o'ladi.

Tinch holatda ( falajlik ) shakli 10-15% itlarda uchrab, bezovtalanish har doim ko'zga tashlanavermaydi. Ko'pincha pastki jag' falajlanishi oqibatida nafas olish qiyinlashadi. Juda ko'p so'lak oqadi. Xuddi tomog'iga suyak tiqilgandek holatni eslatadi. Falajlik kuchayib 2-4 kundan keyin o'ladi.

Diagnoz: Quturishga dastlabki diagnoz klinik belgilarga, epizootologik ma'lumotlarni inobatga olib qo'yiladi. Epizootologik ma'lumot bo'lib, aynan o'sha va chegara hududlardagi ushbu kasallik bo'yicha epizootik holat, mavsumiylik, kasal yoki kasallikka gumon qilingan yovvoyi hayvon yoki itni ko'rganlik to'g'risida anamnez ma'lumotlari xizmat qiladi. Klinik belgilardan sababsiz

hujum va tajovuzkorlik, gumon qilingan hayvonning pastki jag'ini yopa olmasligi va undan so'lak oqishi, falajlik holatlari eng asosiy quturish belgilaridan hisoblanadi. Klinik- epizootologik diagnoz asosida darhol odamlar va hayvonlarni quturish virusi bilan zararlanshdan himoya qiladigan tadbirlar o'tkazish talab etiladi. Biroq, albatta, laboratoriyaviy tekshirish natijalari asosida yakuniy diagnoz qo'yish talab etiladi. Laboratoriyaviy tekshirish uchun kichik hayvon butunlay yoki faqat boshi, katta hayvonlarning boshi yoki bosh miyasi veterinariya sanitariya qoidalariga rioya qilingan holda bir kishi orqali yo'llanma xat bilan 4-6 soatdan kechikmay yuboriladi. Patologik material 2 qavatli polietilen xalta, metal kontiner yoki boshqa nam va suyuqlik o'tkazmaydigan idishga solinib, yaxshilab yana polietilen bilan germetik o'rab sovuq holda atrofiga muz qo'yiladi va jo'natiladi.

Ajratma (differencial) diagnoz: Quturishni aueski kasalligidan, it o'latidan, listerioz, otlarning ensafalomielitidan farqlash lozim. Aueskidan – agressivlik, ishtahaning aynishi, pastki jag' osilishi, falajlik kuzatilmaydi. Quturish kasalligiga diagnoz qo'yishda uning epizootologiyasi, klinik belgilari va patologoanatomiyasi inobatga olinadi. Bosh miyadan tayyorlangan surtmadan Babesh-Negri kiritma tanachasi izlab topiladi. Agar bu tekshirish natija bermasa, oq sichqonlarga biosinov qo'yiladi.

Immunitet virusni neytrallovchi antitelolar paydo bo'lgandan keyin virus neyronlarga kira olmaydi. Hayvonlar orasida quturishning oldini olish uchun MDH hududlarida quyidagi kultural faolsizlantirilgan antirabik vaksinalar ishlatiladi. Vnukovo-32 shtammdan tayyorlangan Biokan R, Biokan LR, Biokan DHPPI+LR(Chexiya), Rabiziya VP-13 (Ispaniya), Pasteur /RIVSHT. –Nobivak-RL(Gollandiya),PV-Paris sht. –Defensor -3 (AQSH), NSR-SADSHT. –Robvak 3 TF (AQSH), Rabizin (Ukraina), Shelkovo-51 SHT. Ushbu vaksinalar VITI olimlari N.M.Mamatov, X.S.Salimov, M.N.Mamatova, T.Xazratqulov va F.Zubaytovlar tomonidan yaratilgan.

Ushbu suyuq faolsizlantirilgan vaksina nosog'lom va xavfli hududlarda katta itlarga 3 ml, kichik itlar va mushuklarga 1 ml, qoramollarga 5 ml, qo'ylarga 3 ml, tuya va otlarga 10 ml go'sht orasiga 1 marta yuboriladi. Hayvonlarda 14-20 kundan keyin immunitet shakllanib, 12 oygacha davom etadi. O'zbekistonda yaratilgan suyuq faolsizlantirilgan antirabik vaksina yuqori samarali, ekologik toza va barcha tur hayvonlar va bir marta emlanadi, immunitet nisbatan tez hosil bo'ladi va 12 oy davom etadi, xorijiy vaksinalarga nisbatan 3-4 marta arzon, emlashdan so'ng asorat kuzatilmaydi.



3-rasm. Quturish kasalligining oldini olish profilaktikasi.

Profilaktikasi: Kasallikning oldini olish tadbirlari: tashkiliy xo'jalik va maxsus tadbirlardan tashkil topadi. Tashkiliy xo'jalik tadbirlari. Yovvoyi yirtqich hayvonlarning sonini tartibga solish hamda qishloq xo'jalik va uy hayvonlarini ularning hujumidan qo'riqlash kerak. Buning uchun ovchilar jamiyati va o'rmon xo'jaligi xodimlari bilan birgalikga tulki, bo'ri, chiyabo'ri va boshqa



yovvoyi hayvonlar sonining 10 km.kv maydonda 1-2 boshdan oshmasligiga erishish, ularning fe'li o'zgarishi yoki kasallanishiga gumon qilinganda yoki murdasi topilsa, darhol veterinariya mutaxassislariga xabar berish lozim. Xo'jalik va korxonalaridagi foydali va egali itlar, shuningdek, bo'g'lanmagan holda ov itlari ham ko'chada, istirohat bog'ida, bozor va oromgohda egasiz yursa, daydi hisoblanib, ushlanishi va veterinariya mutaxassisi veterinariya to'g'risidagi qonun doirasida chora-tadbirlar ko'rish zarur. Yuqoridagi 3-rasmda ko'rishimiz mumkin.

**Xulosa:** quturish kasalligini mahalliy sharoitda qishloq xo'jaligi hayvonlarida tarqalishining oldini olish maqsadida chora-tadbirlar

ishlarini olib bordik, asosan, bunda itlarda ko'p tarqalgani sababli biz ularda tajriba ishlarini olib bordik. Ularning kasallikka chalinganligini aniqlash maqsadida 10 kun muddat ichida kuzatish ishlari olib borildi va kasallikka chalingan hayvonlar boshqa hayvonlarga kasallikni yuqtirmaslik maqsadida o'ldirildi.

**Iloxom SIDDIQOV**, v.f.n.,  
Toshkent davlat agrar universiteti Samarqand filiali,

**Alijon MENGLIEV**, v.f.f.d.,  
**Ural BOBOMURODOV**, assistent,  
**Dilorom SODIKOVA**, talaba,

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti.

#### ADABIYOTLAR

1. Salimov. X. S, Qambarov A. A. Epizootologiya. Darslik. Toshkent. 2016 y.
2. M. N. Maqsumov, X. Aliyev, M. A. Odilov, N.A.Musayeva. Farmakologiya asoslari. Toshkent. "ILM ZIYO" nashriyot uyi. 2018 y.
3. R. B. Davlatov, B. F. Murtazin. Veterinariya tibbiyot darsligi. Toshkent. 2019 y.

УЎТ: 631.2

ТАДҚИҚОТ

## БАЛИҚЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ҚУРИЛМАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ АСОСЛАШ


*Важным фактором развития отрасли является эффективное использование рыбных хозяйств на основе научного подхода, совершенствование их мелиорации, а также широкое внедрение ресурсосберегающих технологий и инновационных устройств.*

*An important factor in the development of the industry is the efficient use of fish farms based on a scientific approach, the improvement of their melioration, as well as the widespread introduction of resource-saving technologies and innovative devices.*

Хозирги вақтда, Республикамизда балиқчилик саноатида замонавий тижорат балиқчилиги марказида балиқларни оқилонга озиқлантириш ётади. Балиқларни озиқлантиришни механизациялаштириш бўйича юртимизда деярли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шундан келиб чиқиб, табиий ҳавзалар билан бирга сунъий ҳавзаларда интенсив усулда балиқ етиштириш бўйича ишларга юқори даражада эътибор қаратиляпти. Балиқчиликни ривожлантиришда ҳудудларда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш, балиқчилик тармоғи ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда [1]. Балиқ етиштириш жараёнининг интенсивлашув даражаси ортиши билан озиқлантиришнинг роли барқарор ошиб бормоқда. Балиқ етиштиришни кўпайтириш, балиқчилик қўллари ҳосилдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жараёнларининг энергия сарфини камайтириш ва барча ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ механизациялашни таъминлаш учун балиқчиликни саноатлаштиришни комплекс қўллаб-қувватлашнинг техник жиҳозларини ўрганишни талаб этади [3]. Балиқ етиштириш ускуналариининг асосий моделларини ва уларнинг ҳовуз ҳўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш учун қўлланилишини билиш лозим бўлади. Товар балиқ етиштиришнинг техник жиҳозлари йилдан-йилга ортиб бормоқда, аммо балиқларни озиқлантириш жараёнларида қўл меҳнатининг улуғи ҳали ҳам салмоқли миқдорнинг тахминан 70% ни ташкил этади. Шундай қилиб, сув ҳавзаларида балиқ етиштиришни интенсивлаштириш кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш билан чамбарчас боғлиқ.

Балиқларни озиқлантиришда ишлатиладиган меҳа-

низмлар, ҳовузнинг бирлик майдонига боқиш жойларида балиқларни озиқлантириш жараёнини автоматлаштириш истиқболли бўлади. Агар илгари 1 га майдонга 10-20 жойда озук қўллаш тавсия этилган бўлса, энди сув ҳавзасининг 2-15 гектарига бир жойда озук тарқатиш ҳақида гап боради. Ушбу вазифани амалга оширишда асосий йўналиш озук



тарқатишни механизациялашни йўлга қўйиш, яъни озук тарқатиш қурилмасини ишлаб чиқиш талаб этади [4].

#### 1-расм. Балиқларга озук тарқатадиган қурилма схемаси

1-бункер; 2-шнек; 3-электрюртма; 4-диск; 5-электро-двигатель; 6-юлдузча; 7-ролик; 8-занжирли; 9-стрела; 10-ручка; 11-электр шити; 12-тортқи; 13-зипаоя-балласт; 14-гилдирак; 15-таянч; 16-тирғақ.

Балиқларни озиқлантириш қурилмаси ишлаб чиқилиб тадқиқотлар олиб борилмоқда, Балиқларни озиқлантириш қўлда ва автоматик равишда, озиқлантириш жараёни амалга оширилади автоматик озиқлантириш балиқни

ортиқча озиклантириш ва озукани ортиқча сарфлашни бартараф этади. Балиқларга тарқатиладиган озукларни тақсимлаш учун механизациялаш воситалари мобил ва стационарга бўлинади. Кўчма механизациялаш воситалари катта сув ҳавзаларида, балиқчилик фермер хўжаликларида қўлланилади. Кўчма механизациялашган балиқларга озук тарқатиш қурилмалари асосан бир қанча қулайликларга эга ҳисобланади [5].

Хулоса: Балиқчилик фермер хўжаликларини янада ривожлантиришда олиб борилаётган катта сармоялар, шу билан

бирга, илмий изланишларни талаб этади. Изланишлар шуни кўрсатадики, балиқчилик хўжаликлари олинаётган балиқ маҳсулотлари миқдорини ошириш билан бирга техника воситаларидан индивидуал фойдаланишга ҳам интилишади. Шунга асосан, балиқчилик хўжаликларида бугунги кунда муҳим ҳисобланган балиқларга индивидуал озиклантиришни механизациялашга мўлжалланган озук тарқатиш қурилмасини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Фазлиддин ҚУРБОНОВ,**  
ТошДАУ ассистенти.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ниёзов Даврон, Ғаффоров Хусен. Балиқларнинг озикланиши. Тошкент-2012 й.
2. Григорьев С.С., Седова Н.А. Индустриальное рыбководство. Учебное пособие. Петропавловск-2008.
3. Мирошникова, Е.П. Общая ихтиология: практикум/ Е.П. Мирошникова; Оренбургский гос. ун-т. – Оренбург: ГОУ ОГУ, 2011. – 106 с.
4. Лавровский, В.В. Пути интенсификации рыбководства: учебник / В.В. Лавровский. – М.: Агропромиздат. 1981. 167 с.
5. Технологии выращивания и кормления объектов аквакультуры юга России: учеб. пособие / С.В. Пономарёв [и др.]. – Астрахань: «Нова плюс», 2002. – 264 с.

УЎТ: 631.358.633.511

ТАДҚИҚОТ

## СИ-1,8 КИЧИК ҒЎЗАПОЯ МАЙДАЛАГИЧНИНГ РАЦИОНАЛ ҚАМРАШ КЕНГЛИГИ ВА ИШЧИ ТЕЗЛИГИНИ АНИҚЛАШ

*В статье приведены результаты расчета рациональных значений ширины захвата и рабочей скорости мини измельчителя гузапои СИ-1,8.*

*This article presents the results of calculating the rational values of the width of the grip and the operating speed of the mini chopper SI-1,8.*

СИ-1,8 машинаси ҳосили тўла териб олинган ғўзапоярларни майдалаб дала юзасига сочиб кетади. Сочилган ғўзапояр бўлакчалари шудгорлаш натижасида тупроқнинг тагига қўмилади. Вақт ўтиши билан бўлакчалар чириндига айланади ва тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

СИ-1,8 машина ТТЗ-30С кичик тракторга осилади ва майдалагич агрегати сифатида ишлатилади.

Мазкур агрегатнинг рационал иш режимларини қуйидаги тартибда аниқлаймиз.

1) Ҳисоб учун дастлабки параметрлар: қамраш кенглиги  $b=1,8$  м; конструктив массаси  $m_f = 250$  кг; оғирлиги –  $G_f = 2,452$  кН ( $m_g = 250 \cdot 9,81 = 2452$  Н); дала сатҳининг қиялиги  $i=5\%$ ; майдалагичнинг энг катта ишчи тезлиги  $v_u=10$  км/ҳ ёки  $V_u=2,777$  м/с.

2) Майдалагич пичоқларига ҳаракат тракторнинг қувват олиш валидан узатилади. Шуни ҳисобга олсак, майдалагичнинг қувват баланси:

$$N_e = N_{TP} + N_\delta + N_f + N_\alpha + \frac{N_\sigma}{\eta_\sigma}.$$

Бу ифодадан  $N_\sigma$  ни топамиз.

$$N_\sigma = \eta_B [N_e - (N_{TP} + N_\delta + N_f + N_\alpha)], \quad (1)$$

бунда  $\eta_B = 0,95$  – ҚОВ трансмиссиясида қувват йўқотилишини ҳисобга оладиган коэффициент [1, Б. 14]:

$N_e$  – трактор двигателининг эффектив қуввати;

$N_{TP}$ ,  $N_\delta$ ,  $N_f$ ,  $N_\alpha$  – мос равишда трансмиссиядаги қаршиликларни енгилшга, филдиракларнинг шатаксиярашига, тракторнинг ишлашига ва қия текисликда ҳаракатланишига сарфланадиган қувватлар.

$N_e$ ,  $N_{TP}$  ва  $N_\sigma$  қийматлари маълум [2]:

$N_e = 22,1$  кВт;  $N_{TP} = 1,98$  кВт;  $N_\sigma = 3$  кВт.

$N_f$  ва  $N_\alpha$  қувватларнинг агрегатнинг  $V_u = 2,777$  м/с тезлигидаги қийматларини топамиз:

$$N_f = 10^{-3} m_f g f V_u \cos \alpha = 10^{-3} \cdot 2596 \cdot 9,81 \cdot 0,18 \cdot 2,777 \cdot 0,9986 = 12,711 \text{ кВт};$$

$$N_\alpha = 10^{-3} m_g g f V_u \sin \alpha = 10^{-3} \cdot 2596 \cdot 9,81 \cdot 2,777 \cdot 0,0523 = 3,698 \text{ кВт};$$

Бу қийматларни (1) га қўйсак,

$$N_\sigma = 0,95 [22,1 - (1,98 + 3 + 12,711 + 3,698)] = 0,95 (22,1 - 21,389) = 0,95 \cdot 0,711 = 0,675 \text{ кВт}.$$

3) ҚОВдаги келтирилган қаршилик кучи қиймати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади [1, Б. 34]:

$$R_\sigma = \frac{N_\sigma \eta_{TP} (1 - \delta_\sigma)}{\eta_\sigma V_u}, \quad (2)$$

бунда  $\eta_{TP} = 0,91$  – трансмиссиянинг ФИК [3, Б. 62];

$\delta_\sigma$  – ҚОВ ишлаб турганда тракторнинг шатаксияраш коэффициенти.

$\delta_\sigma$  ни аниқлаш ифодаси [1, Б. 34]:  $\delta_\sigma = 0,8 \delta$  (бунда  $\delta$  – трактор филдиракларининг шатаксияраш коэффициентини).  $\delta = 0,15$  бўлгани учун:

$$\delta_\sigma = 0,8 \cdot 0,15 = 0,12.$$

(2) формуладаги катталикларнинг қийматларини жой-жойига қўйсак,

$$R_\sigma = \frac{0,675 \cdot 0,91 (1 - 0,12)}{0,95 \cdot 2,777} = \frac{0,534}{2,638} = 0,202 \text{ кН}.$$

$R_\sigma$  нинг бу қийматини агрегатнинг қамраш ( $\sigma$ ) кенглигига бўлсак, ҚОВга келтирилган солиштирма қаршилик келиб



чиқади, яъни [1, Б. 34]:

$$K_e = \frac{R_e}{\sigma} = \frac{0,202}{1,8} = 0,112 \text{ kN/m.}$$

4) Кичик ғўзапоя майдалагич агрегатининг рационал иш режимларини ҳисоблашда  $N_g=0,675 \text{ kW}$  ва  $R_g=0,202 \text{ kN}$  кат-

таликлар аргумент вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, ТТЗ-30С ва СИ-1,8 дан иборат кичик ғўзапоя майдалагич агрегатини  $b=1,8 \text{ m}$  қамраш кенлиги ва  $V_g=(8-10) \text{ km/h}$  тезликларда ишлатиш тавсия этилади.

**Зухра МУРОДОВА,**  
ҚХМИТИ мустақил тадқиқотчи.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Зангиев А.А., Шпилько А.В., Левшин А.Г. Эксплуатация машинно-тракторного парка. – М.: Колос, 2004. – 320 с.
2. Тошболтаев М., Муродова З. Расчет баланса мощности мини трактора ТТЗ-30С // “Интеграция науки, общества, производства и промышленности: проблемы и перспективы”. Сборник статей Международной научно-практической конференции. 20 июля 2021 г., Тюмень. – Уфа: Аэтерна, 2021. – С. 28-32.
3. Эксплуатационные свойства мобильных агрегатов. Учебное пособие / Костюченков Н.В., Плаксин А.М.; Под ред. А.М. Плаксина. – Астана: КАТУ им. С.Сейфулина, 2010. – 204 с.

УЎТ: 622.997.537

ТАДҚИҚОТ

## МАҲАЛЛИЙ МИНЕРАЛЛАРНИ КАТТА ҚУЁШ ПЕЧИДА ЭРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*В данной статье показана роль солнечной энергии как природного источника энергии в производстве керамической плитки и ювелирных камней на основе змеевикowego материала. Представлены работы известных ученых по разработке использования энергетических устройств на основе солнечной энергии в системах теплоснабжения.*


*This article shows the role of solar energy as a natural energy source in the production of ceramic tiles and jewelry stones based on serpentine material. The works of famous scientists on the development of the use of energy devices based on solar energy in heat supply systems are presented.*

Катта қуёш печидан юқори ҳароратда эрийдиган материалларни илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун эритишда фойдаланилмоқда. Бизнинг тадқиқотимизда минералларни эритишда катта қуёш печидан фойдаландик.

Бугунги кунгача олимларимиз катта қуёш печида материалларни эритиш жараёнида эриган материалларни совитиш учун сувга солиб келмоқда. Заргарлик тошларини тайёрлаш учун минералларни эритиш жараёнида совитиш учун сувга солинса, ички нуқсонларнинг вужудга келишига сабаб бўлади, шу туфайли тадқиқотларимиз жараёнида эриган минералларни совитиш учун керамик материалда хона ҳароратида совитиб олдик. Табиий минералларни заргарлик тошлари тайёрлаш учун эритиш жараёни олиб боришдан олдин, минералларни кукун ҳолатга келтириб, 63 мкн ли элакдан ўтказилади. Кукун ҳолатда печга қўйилса, ҳарорат қисқа вақт ичида кескин кўтарилиши жараёнида материаллар исрофгарчилиги вужудга келади ва эриш жараёни секинлашади. Бундай исрофгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида пресс формаларда ҳар хил шаклда пресслаб олиб печкага қўйилади. Бундай минералларни кукун ҳолатга келтириб, кимёвий тозаланади. Кимёвий тозалашларсиз эритилган минералларнинг

ранги ўзгаради, сабаби, табиий ҳолатда минералларнинг ташқи қисми ташқи муҳит таъсири туфайли коррозияга учраган бўлади. Совиш натижасида минераллар табиий рангига қайтади. Ушбу минераллардан Республикаимизда

|                         |                           |                          |                             |
|-------------------------|---------------------------|--------------------------|-----------------------------|
| 1-Аквамарин<br>(2000°C) | 2-Александрит<br>(1880°C) | 3-Алмандин<br>(1000°C)   | 4-Аметист<br>(1728°C)       |
| 5-Аметрин<br>(1770°C)   | 6-Андалусит<br>(1380°C)   | 7-Апатит<br>(1250°C)     | 8-Бенитоид<br>(1380°C)      |
| 9-Берил<br>(1257°C)     | 10-Гарнит<br>(2000°C)     | 11-Демантоид<br>(2135°C) | 12-Еремевит<br>(1260°C)     |
| 13-Жадеит<br>(1625°C)   | 14-Марварид<br>(1635°C)   | 15-Зумрад<br>(1420°C)    | 16-Иолит<br>(1064°C)        |
| 17-Кянит<br>(2050°C)    | 18-Кунзит<br>(2135°C)     | 19-Ой тоши<br>(1550°C)   | 20-Лапис лазули<br>(1000°C) |
| 21-Молдавит<br>(2480°C) | 22-Морганит<br>(2750°C)   | 23-Цимофан<br>(1640°C)   | 24-Туркуаз<br>(2050°C)      |
| 25-Хелиодор<br>(1280°C) | 26-Моиссанит<br>(2830°C)  | 27-Жаде<br>(1250°C)      | 28-Опал<br>(1728°C)         |
| 29-Турмалин<br>(1350°C) | 30-Хризолит<br>(1900°C)   | 31-Пюропе<br>(1215°C)    | 32-Прехнит<br>(700°C)       |
| 33-Родолит<br>(2136°C)  | 34-Ёкут<br>(2050°C)       | 35-Сафир<br>(2040°C)     | 36-Қуёш тоши<br>(1250°C)    |
| 37-Серпентин<br>(650°C) | 38-Циркон<br>(1865°C)     | 39-Ситрин<br>(2480°C)    | 40-Шпинелл<br>(2315°C)      |



1-расм. Минералларнинг эриш даражалари.

табиий ҳолатда учрайдиган серпентин ва шпинель турларининг эриш ҳароратини вақтга боғлиқлик графиги 1-расмда келтириб ўтилган.

**Хулоса:** Катта қуёш печи асосида заргарлик тошларини тайёрлашда намунани танлаб олиш технологияси келтирилган. Маҳаллий минераллардан тадқиқот усуллари сифатида серпентин ва шпинель танлаб олиниши асосланди. Катта қуёш печига асосланиб XXI аср заргарлик буюмлари шакллантириш тамойилларини аниқланди. Маҳаллий минералларни катта қуёш печида эритиш технологияси йўлга қўйилди.

**Эшонжон МУХАММАДИЕВ,**  
“ТИҚХММИ” МТУ талабаси,  
**Бехзод ҚОДИРОВ,**  
СамТИ илмий раҳбар.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Қодиров Б.Ф., Маматқосимов М.А., Каманов Б.М., Джалилов М. Заргарлик буюмларидаги нуқсонларнинг мақбул ечими // «AGRO ILM» журналі. №4. 2020. – Тошкент, - С.119-120. (05.00.00, №3)
2. Каманов Б.М., Маматқосимов М.А., Қодиров Б.Ф. Заргарлик тошларини катта қуёш печига асосланган тадқиқотлари. Наманган муҳандислик-қурилиш институти “Қурилишда инновациялар, энергия тежамкор технологиялар, бинолар ва иншоотларнинг конструкциявий ва сейсмик хавфсизлиги” мавзусида Халқаро миқёсида илмий-техник конференция материаллари тўплами. Наманган шаҳри, 7-9 ноябрь 2019 йил. С. 237-239
3. Маматқосимов М.А., Қодиров Б.Ф., Каманов Б.М. Катта Қуёш печининг имкониятларидан бири. Наманган муҳандислик-қурилиш институти “Қурилишда инновациялар, энергиятежамкор технологиялар, бинолар ва иншоотларнинг конструкциявий ва сейсмик хавфсизлиги” мав-зусида Халқаро миқёсида илмий-техник конференция материаллари тўплами. Наманган шаҳри, 7-9 ноябрь, 2019 йил. С. 239-242.

УЎТ: 628.543: 502

ТАДҚИҚОТ

## КОММУНАЛ ТИЗИМДАГИ АВАРИЯ БРИГАДАСИ ХОДИМЛАРИ ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

*Today, the country pays great attention to the utilities sector, in particular, the construction of new water supply and sewage treatment plants, and the reconstruction of existing ones. Therefore, the full provision of water supply and sewage treatment plants with personal protective equipment for maintenance crews and emergency crews is the basis for the prevention of accidents in the system.*

Коммунал тизимларнинг эксплуатацияси жараёнида турли хил носозликлар юзага келиши бу тизимнинг ажратмас бир қисми ҳисобланади бу носозликларни эса ташкилотнинг тезкор авария бригадалари томонидан доим бартараф этиб борилади [1].

Кейинги йилларда коммунал соҳада авария бригадалари орасида бахтсиз ҳодисаларнинг сони ортиб бормоқда.

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда ишга кираётган барча ишчиларга инструктажи ўтказилиши шарт. Инструктаж ўтказишдан мақсад, меҳнат гигиенаси ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ҳамда қоидалари билан таништиришдан иборат. Катта корхоналарда кириш инструктажини хавфсизлик техникаси бўйича инженер методиди, санитария врачлари ва ёнғин хавфсизлиги бўйича мутахассис ўтказилади. Бу инструктаж одатда, тегишли кўрсатма қўлланмалар, макетлар, стендлар, жиҳозлар ва ҳоказолар билан жиҳозланган меҳнат муҳофазаси ўқув-методика хонасида ўтказилади[3].

Авария бригадаларининг ишини тезкор ва тўғри ташкил этиш, ўз навбатида, ташкилот масъулларининг мажбуриятига киради.

Бригада ишчи ходимларининг меҳнат фаолиятида талофатларсиз, турли хил кўринишдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги тадбирларни мунтазам амалга ошириб боришлари зарур:

- техника хавфсизлиги қоидалари билан барча ишчи ходимларни таништириш;
- меҳнат муҳофазаси билан ходимларни малакасини доимий ошириб боришни таъминлаш;
- барча ходимларни шахсий ҳимоя воситалари ва керакли асбоб-анжомлар билан таъминлаш;
- ходимларга хавфсизлик техникаси қоидаларини мунтазам суратда ўргатиб бориш ва ишчиларнинг хавфсизлик техникаси қоидалари юзасидан олган билимларини текшириб туриш;
- ишловчиларнинг ички тартиб-қоидалар ва хавфсизлик

1-жадвал.

Сув таъминоти ва канализация иншоотларида фаолият юритувчи авария бригадаси ходимларининг меҳнат муҳофазасини яхшилаш учун таклиф этилаётган якка тартибдаги ҳимоялаш воситалари

| Т/р | Касб ва лавозим номлари                                                            | Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситалари номлари | Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида) |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|
| 1.  | Авария-тиклаш ишлари чилангари                                                     | Комбинацияланган қўлқоп                                                                | 2                                   |
|     |                                                                                    | Резина қўлқоп                                                                          | 12                                  |
|     |                                                                                    | Ип газлама, костюм ёки сув ўтказмайдиган плаш                                          |                                     |
|     |                                                                                    | Резина этик                                                                            |                                     |
|     |                                                                                    | Брезент плаш                                                                           | 24                                  |
|     |                                                                                    | Биринчи тиббий ёрдам тўплами                                                           | Яроксиз бўлгунча                    |
|     |                                                                                    | Газ анализатор ва детекторлари                                                         |                                     |
|     |                                                                                    | Ҳимоя дубулғаси ва сариқ желетлар                                                      |                                     |
|     |                                                                                    | Шлангли газ никоб                                                                      |                                     |
|     |                                                                                    | Акумулятор чироклари                                                                   |                                     |
|     |                                                                                    | Кўчма нарвонлар                                                                        |                                     |
|     |                                                                                    | Қудукларни сунъий шамоллатиш воситалари                                                |                                     |
|     |                                                                                    | Ҳимоя тўсиқлари ва кўча хавфсизлик белгилари                                           |                                     |
|     |                                                                                    | Хавфсизлик каскаси                                                                     |                                     |
|     |                                                                                    | Ип газлама куртка ва шим                                                               | 36                                  |
|     |                                                                                    | Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм                                  | 36                                  |
|     |                                                                                    | Резина қўлқоп (навбатчи)                                                               | Яроксиз бўлгунча                    |
|     |                                                                                    | Противогаз (навбатчи)                                                                  |                                     |
|     |                                                                                    | Брезент костюм ёки сув ўтказмайдиган ип газлама костюм                                 |                                     |
|     |                                                                                    | Резина қалпоқ                                                                          |                                     |
| 2.  | Канализация қувурлари ва каналлари тозаловчиси, қумни ушлаб қолиш қурилмаси ишчиси | Биринчи тиббий ёрдам тўплами                                                           | Яроксиз бўлгунча                    |
|     |                                                                                    | Газ анализатор ва детекторлари                                                         |                                     |
|     |                                                                                    | Ҳимоя дубулғаси ва сариқ желетлар                                                      |                                     |
|     |                                                                                    | Шлангли газ никоб                                                                      |                                     |
|     |                                                                                    | Акумулятор чироклари                                                                   |                                     |
|     |                                                                                    | Кўчма нарвонлар                                                                        |                                     |
|     |                                                                                    | Қудукларни сунъий шамоллатиш воситалари                                                |                                     |
|     |                                                                                    | Ҳимоя тўсиқлари ва кўча хавфсизлик белгилари                                           | 12                                  |
|     |                                                                                    | Хавфсизлик каскаси                                                                     |                                     |
|     |                                                                                    | Ип газлама костюм                                                                      |                                     |
|     |                                                                                    | Резина фартук                                                                          |                                     |
|     |                                                                                    | Резина этик                                                                            |                                     |
|     |                                                                                    | Резина қўлқоп                                                                          |                                     |
|     |                                                                                    | Ип газлама куртка                                                                      | 24                                  |

техникасига оид инструкцияларнинг машинкада босилган нусхалари билан, ишнинг хавфсиз ва хавфли усуллари яққол кўрсатувчи плакат ва бошқалар билан таъминлаш;

Ишлаб чиқаришда зарарсиз ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш учун қуйидагиларни бажариш лозим:

-технологияни, иш тартиби ва услубини тўғри танлаш;

-ишлаб чиқариш воситаларидан тўғри фойдаланишни;

-қулай иш шароитини яратиш;

-ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланиш;

-хавфсизлик талабларига амал қилиш;

-меъёрий-техник ва технологик ҳужжатларга хавфсизлик талабларини киритиш ва бошқалар [4].

Хорижий тажрибаларни ўрганиб, авария бригада ходимларини шахсий ҳимоя воситалари ва уларни ишлатиш муддати ҳамда керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди. Таклиф этилаётган рўйхат бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган.

**Хулоса.** Жадвалдан кўришиб турибдики, агар ҳар бир ходим тўлақонли шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлашнинг янада яхшиланишига эришамиз ҳамда ўз навбатида иш жараёнида учраб турган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган ҳолда, инсон саломатлигини янада кафолатлашга эришамиз.

**Баҳодир МАШРАПОВ,**

Наманган муҳандислик-қурилиш институти докторанти,

**Қахрамон МАШРАПОВ,**

Наманган муҳандислик-қурилиш институти стажёр-ўқитувчиси,

**Акмалжон ҚУДРАТОВ,**

Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти, к.ф.д.

#### АДАБИЁТЛАР

1. В.И. Бережнов, В.М. Трескунов. Охрана труда при эксплуатации систем водоснабжения и канализации. Москва. Стройиздат. 1983 г. 280 с. -

2. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 20 сентябрдаги "Уй-жой-коммунал хўжалиги ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларини бепул беришнинг намунавий нормаларини тасдиқлаш ҳақида"ги 59-Б-сон буйруғи.

3. А.Е. Пармонов, А.Игамбердиев, Г.Дадаев, М.Қодиров. "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги". Ўқув қўлланмаси. Тошкент: 2017 й.

4. Е.Ибрагимов, С.Газиначарова, О.Юлдашев. "Меҳнат муҳофазаси махсус курси" (олий ўқув юртлари учун дарслик) Тошкент – 2014 й.



# Камтарликдан калол топан Ҷстоз

**70** ёшни қаршилаётган устозимиз, жамоамиз фахри Қаландар Бобобеков ҳақида ёзар эканман, аввало у кишининг камтарлиги ва ўта самимияти, ҳушмуомалали табиати кўз ўнгимдан ўтди.

Қарийб ярим асрлик илмий ва амалий фаолияти давомида Қаландар ака қарда ишламасин, ҳамиша иззат ва ҳурмат орттирган инсонлардандир. Меҳнат йўллариға назар ташласак, у мудом илмға суяниб, янгиликларға интилиб, юрт равнақи учун ишлаб келганининг гувоҳи бўламиз.



Ўсимликлар карантини ва ҳимояси йўналишида меҳнат қилаётган ходимларни, тадқиқотлар олиб бораётган илм аҳлини, агар таъбир жоиз бўлса, ўсимликлар шифокорига қиёслаш мумкин. Чунки ўсимлик ҳам тирик мавжудот. Касалликлардан, зараркунандалардан асраб-авайлаб парваришланса, у бизга ўзининг беминнат ҳосилини инъом этади. Шу жиҳатдан бизнинг соҳа вакиллари деҳқону соҳибкорларнинг энг яқин кўмакчиси, маслаҳатгўйдир.

Қаландар ака ўрта мактабни тугатгандаёқ мана шу шарафли касбни танлаган. 1969-1974 йилларда у Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олиб, 1974 йилда Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтига катта лаборант лавозимига ишға қабул қилинган. Кейинчалик шу институтида 1989 йилға қадар кичик ва катта илмий ходимлик лавозимларида ишлади. Тинмай изланди, тадқиқотлар олиб борди ва 1984 йилда “Ўзбекистон шароитида ғўзада ўргимчакканага қарши курашда микробиологик ҳимоя воситаларини излаб топиш ва ишлаб чиқиш” мавзуси бўйича биология фанлари номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Сўнгра 7 йил Тошкент Давлат Аграр Университетида ассистент ва доцент лавозимларида фаолият кўрсатди. Бу даврда у ўнлаб талабаларға ўз касбининг сир-синаотларини ўқитиш баробарида ёшлар қалбига шу касбға нисбатан меҳр туйғуларини жо этди, десак асло муболаға бўлмайди. Устознинг ўша пайтлардаги талабалари ҳозир ҳам мамлакатимизнинг турли бурчакларида шу соҳаға фидокорона хизмат қилиб келмоқда.

1996 йилдан бошлаб Қ.Бобобеков амалиётда, яъни тармоқнинг ишлаб чиқариш маъмуриятида кўп йиллар меҳнат қилди. Дастлаб Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё тадқиқотлар марказида бўлим бошлиғи, 2001-2004-йиллар “Ўқишлоқхўжаликкимё” Давлат акциядорлик компаниясида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади. Кейин 4 йил Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказида Бош директор ўринбосари, 2016 йилдан 2018 йилгача “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятида “Боғ, ток, сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг зарарли организмлариға қарши кураш” бошқармасига раҳбарлик қилди ва боғбону соҳибкорларға кўмакчи бўлди.

2018-2021-йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўздавқарантин” инспекцияси тизимидаги Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот марказида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди.

Ҳозирги пайтда устозимиз Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимидаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида “Дон ва дон-дуқкакли экинларнинг

зарарли организмлариға қарши кураш” лабораторияси мудир лавозимида ишлаб келмоқда.

Кўп йиллик илмий, педагогик фаолияти давомида Қаландар Бобобековнинг соҳаға оид 25 ортиқ тавсиялари, 4 та китоби, халқаро индексциялашган SCOPUS журналларида 4 та мақола ва республика илмий журналлари ҳамда бошқа нашрларда 120 дан зиёд илмий мақолалари чоп этилган.

Олим Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий тадқиқот ишлариға давлат буюртмаси асосида ўтказилган “Хавфли карантин объекти колорадо кўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say)нинг энтомопатоген микроорганизмларини ўрганиш асосида уларға қарши янги биопрепаратлар ишлаб чиқиш” амалий лойиҳаси танлови ғолиби бўлган.

Айни пайтда устозимиз илм-фаннинг асосий илмий йўналишлари, Дон ва дон-дуқкакли экинларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши уйғунлашган кураш тизимини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандаларига қарши курашда вирулентлиги юқори бўлган энтомопатоген микроорганизмларни излаб топиш асосида самарали микробиологик ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ҳозирги кунда унинг раҳбарлигида 2 та PHD фалсафа докторанти тайёрланаяпти.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини, жумладан, биологик усулни ривожлантиришға ҳамда мамлакатимизда бу усулнинг кенг жорий этилишидаги кўп йиллик хизматлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, Қ.Бобобеков 2008 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими” фахрий унвони билан мукофотланган.

Шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилишдаги фидокорлиги учун Қаландар ака Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15, 20, 25 ва 30 йилликлари муносабати билан кўрак нишонлари ва 2021 йилда Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан “Қишлоқ хўжалик фидойиси” кўрак нишони билан тақдирланган.

Турли лавозим ва вазифаларда сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилиб, бой илмий ва ҳаётий тажрибаға эга устозимиз жамоамиз ёшларининг энг яқин маслаҳатчиси мақомида ҳисобланади. У ўзининг ҳалим табиати, камтарлиги ва бағрикенглиги билан ёш тадқиқотчиларға ҳамиша ўрнат ва ибратдир.

Жамоамиз номидан Қаландар Бобобековни муборак ёши билан қутлар эканман, унга сиҳат саломатлик, оилавий саодат ҳамиша ёр бўлишини тилаб қоламан.

**Азизжон АНОРБАЕВ,**

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси  
илмий-тадқиқот институти директори,  
қ.х.ф.д., профессор.

# КАСБИ ТУФАЙЛИ БАХТГА ЁР ИНСОН

**Инсон дунёда яхши амаллари билан элда обрў-эътибор орттиради. Дейлик, кимларнингдир мушкуллари енгил қилса, кимнингдир ҳождатини чиқарса ёки кимгадир беминнат яхшилик қилса, албатта, ундай одамлар давраларда бот-бот яхши ном билан эсланади.**



Касби тумани ветеринария соҳасида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган, аҳли чорвадорнинг суянчиғи бўлган, таъбир жоиз бўлса, чорва ичида юрган қавмнинг мададкорига айланган Бахтиёр Қурбонов ана шундай фазилатли инсонлардан.

Касбиликлар у кишини “духтир” деб аташади. Чорвага яқин одам борки, унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Чунки тунни тун, кунни кун демай бир умр эл кори устида юрган Бахтиёр Бозорович ҳамюртларининг суянган мулки саналмиш чорванинг касалликларини аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволаш ишида ўз касбининг пирига айланган десак, асло муболаға қилмаган бўламыз.

Б. Қурбонов 1985 йилда Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтини муваффақиятли тамомлаб, ветеринария врачлари мутахассислигини эгаллаган. Меҳнат фаолиятини бевосита ишлаб чиқариш амалиётида бошлаганига қирқ уч йил бўлаяпти.

Бугун табаррук 60 ёшини қаршилаётган Бахтиёр ака Касби туманида чорвадорлар оиласида дунёга келган. Ёшлик чоғларидан чорва молларини парваришлаганга, уларни даволаш ишига катта меҳр қўйган.

Ўтган йиллар давомида у Касби тумани “МирзоУлуғбек” ҳўжалигида ветеринария врачлари, туман ветеринария бўлими бошлиғи, вилоят ветеринария бошқармасининг юқумли касалликлар бўлими гуруҳ бошлиғи каби масъулиятли лавозимларда меҳнат қилди. Айни пайтда вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси Ветеринария ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси мудири лавозимида

фаолият юритиб келмоқда.

Бахтиёр Қурбонов талабчан ва тажрибали мутахассис сифатида ўзига юклатилган вазифани бажаришга масъулият билан ёндашиб келади. Камтарин, тўғри сўз, ходимларга нисбатан доим ғамхўрлиги туфайли жамоада алоҳида ҳурмат-эҳтиром қозонган.

У қаерда, қай лавозимда ишламасин, ҳамиша ёшларга эътиборли бўлиб, улардан ўз маслаҳати ва кўмагини дариғ тутмайди. Камтарона меҳнатлари туфайли икки марта Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг кўкрак нишони ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор тақдирланган.

Меҳнат ортидан обрў-эътибор қозонган Бахтиёр ака оилада ҳам намунали оила бошлиғи, икки нафар ўғил ва уч нафар қизнинг отаси, ўн икки нафар ширинданшакар невараларнинг севимли бобоси.

От изини той босади деганларидек, ўғли Муслимбек ҳам ветеринария врачлари касбини танлаган. Айни чоғда у Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасида фаолият юритмоқда.

Соҳа раҳбарияти ва ҳамкасб мутахассислар номидан ветеринария соҳасида жонбозлик кўрсатиб келаётган Бахтиёр акани муборак 60 ёши билан қутлаб, фарзандлари ва шогирдлари камолини кўриб юришини тилаб қоламыз.

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси.**





# Қоғозга

## тутган ҳикматлар

Ёшлиқда китобнинг кичигини танлар экансан, кексалиқда қалинини.

\*\*\*

Мақсадсиз одам кўзи боғлиқ кишига ўхшайди — қаёққа бурсанг, шу томонга юраверади.

\*\*\*

Ўзингни четдан кузатишни ўрган, шунда нолойиқ ишларни камроқ қиласан.

\*\*\*

Барчанинг мақсади турлича, манзили бир.

\*\*\*

Ёш билан кўришганда, авваламбор, ўқишини сўра, қари билан кўришганда — соғлигини.

\*\*\*

Манманлик юқори кела бошласа, қабристонни зиёрат қил.

\*\*\*

Муҳаббат дарз кетган жойда дўстлик чил-парчин бўлади.

\*\*\*

Ўрнида ишлатилган лой ҳам шифо.

\*\*\*

Китоб — дўст. Дўстнинг эса яхши-ёмони бўлмайди. Китобдан нима олиш ўқувчининг ўзига боғлиқ.

\*\*\*

Ёш билан кексалиқнинг фарқи: хатолар ёшларнинг олдида, кексаларнинг эса ортида.

\*\*\*

Ожиз бўлса-да ниҳолга озор берма, ўсиб-унганида соясида ҳордиқ чиқарасан, мевасидан баҳраманд бўласан.

\*\*\*

Бошқаларнинг дардини бўлишган, қувончига қўшилган одамданда бахтиёр инсон бўлмаса керак!

\*\*\*

Кун ёришмагунча меҳмонга борма, шомгача меҳмонда қолма.

\*\*\*

Ўтган кунларингни кўпам кўмсама, акс ҳолда, хатоларинг билан тўқнашасан.

\*\*\*

Ўзинг етиштирган меванинг мазаси ўзгача бўлади.

\*\*\*

Ёрдам сўраб келган одамни қулоғинг билан эмас, қалбинг билан тингла.

\*\*\*

Гулхан аланга олмагунга қадар тутантириқни ўчиришга шошма.

\*\*\*

Ёшлиқдагидек ғайратинг жўшиб кетганда, кўзгуга боқ, асл ҳолатингни кўрасан.

\*\*\*

Яшаб ўтган умрингни сарҳисоб қилар экансан, ҳеч қачон барча синовлардан ўтиб бўлганман дея хулоса қилма. Синовнинг энг каттаси доимо олдинда.

\*\*\*

Чодирсиз қолсанг ҳам, чорасиз қолма.

\*\*\*

Бўлсанг ҳам чол атрофдагиларга қулоқ сол.

\*\*\*

Икки қулоқдан бири билан мақтовни тингла, иккинчисини танқид учун сақла.

\*\*\*

Душманга қарши аёвсиз бўл, дўстни кечира бил.

\*\*\*

Ожиз одамнинг дўсти кам, душмани кўп бўлади.

Маҳмудхон ТОИРОВ,  
Ўзбекистон Журналистлари  
ижодий уюшмаси аъзоси.





### ПАЙВАНД ДАРАХТЛАР

Бизга ҳар қадамда она табиат,  
Секин шивирлайди ҳаётини ҳикмат.  
Агарда улардан ололсак ибрат,  
Умримизга берар мазмун ва зийнат.

Қарагин, боғларни айланган фурсат,  
Ҳосилдан шох буккан пайванд дарахтлар.  
Ҳар йил кучни олар бундайин заҳмат,  
Эрта қарир экан пайванд дарахтлар.

Биз таваллуд топдик олис қишлоқда,  
Шаҳарга чорлади маърифат нури.  
Бахтимиз қидирдик илмий сўқмоқда,  
Бизга ўхшаш пайванд дарахтлар умри.

Биз шаҳарга пайванд қилинган дарахт,  
Бошқалардан кўпроқ берамиз ҳосил.  
Барчасига гувоҳ одил ҳакам — вақт,  
Биз кетамиз мурод бўлмасдан ҳосил.

### ТАБИАТНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

Чевар табиатда мўъжиза бисёр,  
Санаб саноғига етиб бўлмайди.  
Бироқ, мўъжизалар эмас барқарор,  
Эрта борми-йўқми ҳеч зот билмайди.

Донишлар башарга берар маслаҳат:  
Бу етти мўъжиза – сиз учун ибрат.  
Етти мўъжизага айланг саёҳат,  
Уларни асрашни ўйлангиз фақат.

Майли, Амазонка водийсида кез,  
Тингла Игуасу шаршарасини.  
Халонг қўлтиғидан ўтиб кетма тез,  
Кўргин Комодода аждар наслини.

Майли, Чезудада лол этсин орол,  
Филиппин ероти дарёсида суз.  
Кейин Курсисимон тоғда ором ол,  
Ва юртингга қайтиш режасини туз.

Олисан мўъжиза излама бекор,  
Шундоқ атрофинга зийрак боқ, инсон.  
Она юртингда ҳам мўъжиза бисёр,  
Арзийди уларга фидо этсанг жон.

# ОЛИСДАН МЎЪЖИЗА ИЗЛАМА БЕКОР

Асрор Мўмин 1954 йилда Ғаллаорол туманидаги Қўйтош қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)да таҳсил олган. Унинг “Дил рози”, “Ширин олма”, “Умрим фасллари” каби ўндан зиёд шеърини китоблари, “Умид ва Орзу” достони, “Расул Ҳамзатов”, “Қуш тили” ва “Ҳазрат Навоий” шеърини драмалари нашр этилган.

Таржимон сифатида таниқли шоирлар – Қайсин Қулиевнинг “Қиш эди...” романи, Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним” бадиаси, Роберт Рождественскийнинг “Шаҳидлар ёди”, Давид Кугультиновнинг “Шоҳмотчи” достонлари каби дунёга машҳур асарларни она тилимизга ўгирган.

Асрор Мўмин “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” Фахрий унвони, “Шуҳрат” медали билан мукофотланган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

### САРЖИН

Бу ғўлалар бир замон,  
Энг серҳосил, энг серсув жойда,  
Беўхшов шоҳлаган,  
қўланкаси майдон дарахтлар эди.  
Куз келиб, сарин шамолда,  
Зарбоф либосидан тўқилди хазон.  
Бари бир, тарки одат,  
Қуп-қуруқ шохларини чўзиб ҳар томон  
ўтган-кетганларга ўқталди.  
Ҳаммасини жой-жойига қўйди вақт.  
Тубидан қирқилди, ғўла қилинди,  
Ёқиш учун терилди қатор.  
Энди улар айбларига иқро,  
Сўрар истиғфор,  
Ва лекин оловда кул бўлмоғи бор.

\*\*\*

Чумоли тинмайин қилса ҳам меҳнат,  
Ҳали берилмаган унга мукофот.  
Асалари қанча чекса ҳам заҳмат,  
Унга этилмаган ёдгорлик бунёд.

Эй зот, чумолидай ҳалол қил меҳнат,  
Асалари каби чеккин машаққат.  
Ҳаётда йўқ бундан яхшироқ ҳикмат,  
Шундагина қарор топар ҳақиқат.

\*\*\*

Қанча қаҳрамонлар ўтди дунёдан,  
Қаҳрамонлик эса яшайди абад.  
Элга ҳикмат мерос қолар донодан,  
Доно ўтар, лекин яшайди ҳикмат.

То тирик экансан ақлинг йиғ, одам,  
Қаҳрамонлик кўрсат ё айтгин ҳикмат.  
Ё учинчи йўлдан ташлагин қадам:  
Бир умр ҳалол яша, ҳалол қил меҳнат.

\*\*\*

Тақир ерга буғдой сепганинг билан  
Омборинг дон-дунга тўлиб қолмайди.  
Қўрқоқни қаҳрамон деганинг билан  
Ҳеч қўрқоқ қаҳрамон бўлиб қолмайди.

Унумдор тупроққа сочгин буғдой — дон,  
Шунда баракали бўлади хирмон.  
Доим қаҳрамонни ата қаҳрамон,  
Шунда ҳаёт ширин, тинч бўлар замон.

\*\*\*

Титраб япроғини тўкади чинор,  
Қиш ўқталиб келса ўткир найзалар.  
Оппоқ қор остида яшнайдиган баҳор,  
Ердан бош кўтариб чиқар майсалар.

Совуқ — писанд эмас майсалар учун,  
Борлиқда кўкламни эттирар давом.  
Осмондан қор ёғиб, совуқ тушган кун,  
Дилимга майсалар бағишлар илҳом.

\*\*\*

Мен — булоқман, ўз-ўзимча қайнайман,  
Мен — булбулман, ўз-ўзимча сайрайман.  
Сувга ташна, куйга ташна зотларнинг,  
Қачонлардир бир кунига ярайман.

\*\*\*

Эркак — чумолидир, ё асалари,  
Қўлига не тушса ташийди уйга.  
Хотиннинг қўлига ўтади бари,  
У авайлаб-асраб йиғади тўйга.

Асрор МЎМИН,

Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган журналист.

## O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,  
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ  
ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,  
научно-популярный журнал

### Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV  
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

### Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

### Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV  
Jamshid XO'JAYEV  
Shavkat XAMRAYEV  
Shuhrat TESHAYEV  
Azimjon NAZAROV  
Bahodir TOJIYEV  
Ravshan MAMUTOV  
Abrol VAXOBOV  
Bahrom NORQOBILOV  
Nizomiddin BAKIROV  
Bahodir MIRZAYEV  
Ravshanbek SIDDIQOV  
Mirziyod MIRSAIDOV  
Baxtiyor KARIMOV  
Ibrohim ERGASHEV

2022-yil,  
Iyun №6.

Jurnal 1906-yil yanvardan  
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib  
olinganda "O'zbekiston qishloq  
va suv xo'jaligi" jurnalidan olindi,  
deb ko'rsatilishi shart.

## MUNDARIJA

|                                                                                                                                                                                                               |    |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида.....                                                                             | 1  |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида..... | 3  |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида.....               | 4  |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида.....                                                            | 7  |
| Янги насос станцияси қурилди.....                                                                                                                                                                             | 8  |
| О.АЛБЕКОВ, А.МАНСУРОВ. Ғалла эркин бозор баҳосида соғилади.....                                                                                                                                               | 9  |
| Б.ТЕМИРОВ. Доривор ўсимликлар: ривожланишнинг янги босқичи.....                                                                                                                                               | 11 |
| А.РАВШАНОВ, Б.НИЁЗЛИЕВ, Ф.ҲАСАНОВА, Ш.АБДУАЛИМОВ. Омилкорлик — пахтакор учун асосий мезон.....                                                                                                                | 13 |
| А.ШАМСИЕВ, Б.КАМИЛОВ, М.ЗИЯТОВ. Ғўзани муддатида сугориш — мўл ҳосил гарови.....                                                                                                                              | 14 |
| М.ТОШБОЛТАЕВ. Ғалла ўрими: сифат ва масъулият.....                                                                                                                                                            | 16 |
| Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Такрорий муддатда сабзавот, полиз ва картошка етиштириш.....                                                                                                                            | 18 |
| Р.СИДИҚОВ, А.МЎМИНОВ, З.ЯҚУБОВ. Экиндан бўшаган майдонларга мош экин. Тупроғингиз унумдорлиги ошади.....                                                                                                      | 20 |
| С.ПИРНАПАСОВ, Ж.АБДУЗУХУРОВ, Б.МУХАММАДИЕВ. Соя экинни озиклантириш ва зараркунандаларига қарши кураш чоралари.....                                                                                           | 21 |
| М.МУХАМЕДОВА. Касбий таълим ва малакани ошириш лойиҳанинг асосий эътиборида.....                                                                                                                              | 23 |
| Саботли меҳнат — фаровонлик омили.....                                                                                                                                                                        | 24 |
| Фарғоналик фидойилар.....                                                                                                                                                                                     | 25 |
| Р.ТОҲАЛИЕВА. Ватанини суйган халқимиз биз.....                                                                                                                                                                | 26 |
| Имтиёзлар — тараққиётга замин.....                                                                                                                                                                            | 27 |
| Тоғдаги қишлоққа сув келди.....                                                                                                                                                                               | 27 |
| Ш.НОРМУРОДОВ. “Қумуш тола” мўл бўлган йил.....                                                                                                                                                                | 28 |
| М.МАТЯҚУБОВ. Чорвачиликка эътибор ошди.....                                                                                                                                                                   | 29 |
| Ш.ЖАББАРОВА. Қўшқўпир пилласи учун.....                                                                                                                                                                       | 30 |
| Н.САНГИРОВ. Адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш — тараққиётнинг энг зарур шarti.....                                                                                                                   | 31 |
| Қ.ХУСАНОВ. Аҳолининг ишсиз қатлами деҳқон хўжалиги билан банд қилиш ва шаффофлигини таъминлаш жараёnlари.....                                                                                                 | 32 |
| П.ТОРЕШОВ. Кендырь красный – перспективное растение дикой флоры Приаралья.....                                                                                                                                | 33 |
| Р.КОМИЛОВ. Андижон-35 ва ЎЗПИТИ-201 ғўза навлари ҳосилдорлигига қўчат қалинлиги ҳамда чилпиш муддатларининг таъсири.....                                                                                      | 34 |
| Д.ҚУТЛИМУРАТОВА. Кузги бугдойдан олдин экилган ўтмишдош экинларнинг тупроқ ҳажм салмоғига таъсири.....                                                                                                        | 35 |
| Ш.МИРЗАХОДЖАЕВ, А.ЖАХОНГИРОВ, Х.ШОДИЕВ, А.МАМАСОВ. Sabzavotchilikda qo'llaniladigan ko'chat o'tqazish mashinasining ekish apparatini konstruktiv texnologik asoslash.....                                     | 36 |
| И.СИДИҚОВ, А.МЕНГЛИЕВ, У.БОБОМУРОДОВ, Д.СОДИКОВА. Hayvonlar orasida quturish kasalligining kelib chiqishi.....                                                                                                | 37 |
| Ф.ҚУРБОНОВ. Балиқларни озиклантириш қурилмаси ишлаб чиқаришни асослаш.....                                                                                                                                    | 39 |
| З.МУРОДОВА. СИ-1,8 кичик ғўзапоя майдалагичнинг рационал қамраш кенлиги ва ишчи тезлигини аниқлаш.....                                                                                                        | 40 |
| Э.МУХАММАДИЕВ, Б.ҚОДИРОВ. Маҳаллий минералларни қатта қуёш печида эритиш технологияси.....                                                                                                                    | 41 |
| Б.МАШРАПОВ, Қ.МАШРАПОВ, А.ҚУДРАТОВ. Коммунал тизимдаги авария бригадаси ходимлари шахсий ҳимоя воситаларининг таҳлили.....                                                                                    | 42 |
| А.АНОРБАЕВ. Қамтарлиқдан қамол топган устоз.....                                                                                                                                                              | 44 |
| Қасби туфайли бахтга ёр инсон.....                                                                                                                                                                            | 45 |
| М.ТОИРОВ. Қоғозга тушган ҳикматлар.....                                                                                                                                                                       | 46 |
| А.МЎМИН. Олисдан мўъжиза излама бекор.....                                                                                                                                                                    | 47 |

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,  
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,  
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz  
E-mail: qxjurnal@mail.ru,  
Telegram: qxjurnal\_uz  
Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2022-yil 31-may.  
Bosishga ruxsat etildi: 2022-yil 31-may. Qog'oz  
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga  
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma  
tabog'i – 5,0. Buyurtma № 12. Nusxasi 1250 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa  
bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Uchtepa  
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV  
Dizayner – U.MAMAJONOV



# ШИЖОАТ БИЛАН — ТАРАҚҚИЁТГА ҚАДАМ

**С**ўнги йилларда иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу самарали усул фермерлик ҳаракати бўлиб, у дунёнинг тараққий топган давлатлари тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган тармоқдир. Шу ўринда кейинги йилларда жойларда фермерлик истиқболига қаратилган ислохотлар туфайли, мулкчиликнинг мазкур янги шаклини босқичма-босқич ривожлантириш муҳим ҳамда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

*Сурагда: ёш фермер С. Нормуродов "Ҳамид Олимжон" худуди раҳбари Ж. Холиёров билан.*

Бу борада эса улар ҳам қўшимча тармоқлар сонини кўпайтиришга тинимсиз ҳаракат қилишмоқда. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ҳам фермерларга яратилаётган шарт-шароитлар,

халқимиз дастурхонини тўкин этишга пухта замин ҳозирлангани, туманда қишлоқ хўжалигининг ибратли мактаби яратилгани, соҳада катта тажриба тўплангани улкан зафарлар қўлга киритилишига мустаҳкам асос бўлмоқда. Туманида ёш бўлишига қарамай, катта ютуқларга эришиб келаётган фермерлар талайгина. Шулардан Фурқат Муҳаммадиев ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланадиган ва юқори

ҳосилни кўзлайдиган миришкорлардан. Ўзи тиниб-тинчимайдиган фермер, хўжалик аъзоларидан ҳам шундай ҳаракатни талаб қиладиган одам. Шунинг учун ҳам барча экинлардан ҳамма далаларда мўл ҳосил етиштирилади, режалар ортиғи билан адо этилади.

— Биз ёш фермерларга яратилган имкониятлардан фойдаланиб, хўжалигимизни йилдан-йилга тармоқларини кенгайтириб бормоқдамиз. Бугунги кунда ғалла, пахтадан ташқари, балиқчилик, чорвачилик ва қайта ишлаш йўналишларини ташкил этганмиз. Юртимиз Ёшларга кенг имкониятлар тақдим этган, "Ёшлар келажагимиз" Давлат дастури асосида имтиёзли банк кредити олиб, тошни қайта ишлаш мини-цеҳини ташкил этган эдик, шу асосда маҳаллий ёшларимиздан 7 нафари ишли бўлди. Келгусида

режаларимиз яна кўп, узтозим - отам, улар доим менга энг яқин маслаҳатчи — дейди, ёш фермер.

Дала бошида меҳнат қилаётган фермернинг отаси Жомурод Бекмуродов ҳам суҳбатга қўшилди.

— Аграр соҳа ота-боболаримиз касби ҳисобланади, ўғлим ёш бўлишига қарамай, кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқармоқда. Биргаликда доим ҳаракатдамиз. Асосий мақсадимиз хўжалигимизнинг тармоқларини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш, туманимиз иқтисодиётига ўз ҳиссамизни қўшиш. — дейди Жомурод Бекмуродов.

Албатта, ёш фермерларнинг келгуси қадамларига аввало яратилаётган имкониятлар пил-

лапоя бўлиб хизмат қилмоқда. Тумандаги яна бир ёш фермер Сарвар Нормуродов ҳам шу каби яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, жорий йилда хўжалигида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишни ва шу орқали экин майдонидаги сув тансиқлиги муаммосини бартараф этишни кўзлаётган экан.

Албатта, бугунги ёшлар шижоатга тўла, улар яратилаётган қатор имтиёз ва имкониятдан фойдаланиб, астойдил меҳнат қилса, албатта, роҳатини кўрапти. Йилдан-йилга даромади, имкониятлари ортиб бормоқда. Асосийси, улардаги бугунги ишонч, шижоат ва ташаббус келгуси фаровонлик ва тараққиётга замин бўлиб хизмат қилиш аниқ.

**ШУХРАТ НОРМУРОДОВ,**

*ўз мухбиримиз.*





# Chorvador.uz

## ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш  
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.  
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;  
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: [chorvador@chorvador.uz](mailto:chorvador@chorvador.uz)

[www.chorvador.uz](http://www.chorvador.uz)